

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

25-сон
(993)
2021 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

362. ««Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июнданги ПҚ-5154-сон қарори
363. «Республика худудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июнданги ПҚ-5155-сон қарори
364. «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июнданги ПҚ-5157-сон қарори
365. ««Янги Ўзбекистон» университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 июнданги ПҚ-5158-сон қарори

366. «Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ-5159-сон қарори
367. «2021 йилда Токио шахрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5160-сон қарори
368. «Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яра-тиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5161-сон қарори
369. «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги ПҚ-5163-сон қарори

Учинчи бўлим

370. «Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дас-турларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июн-даги 388-сон қарори
371. «Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айrim норматив-хукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон қарори
372. «Махаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига «Е-агор» электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарори
373. «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизими тубдан тако-миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуку-матининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 июндаги 393-сон қарори

Бешинчи бўлим

374. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим

сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 18 июннаги 22-мҳ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 11 июннаги 9-мҳ-сон ««Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самараадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳакида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112-1*)

375. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил 15 июннаги 176-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ўзгартишилар киритиш ҳакида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-4*)
376. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 майдаги 160-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишилар киритиш ҳакида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-2*)
377. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 июннаги 15-мҳ-сон «Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-11*)
378. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 21 июннаги 232-сон «Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишилар киритиш ҳакида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2615-1*)
379. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 25 июннаги 38-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридағи Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2021 йил 22 июннаги 26-сон «Қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-4*)
380. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 25 июннаги 214-мҳ-сон

ва Баш прокуратураси хузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 24 июндаги 28-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3061-2*)

381. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 25 июндаги 39 ва 29-сон «Суфурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2036-3*)
382. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 23 июндаги 36-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш хақида»ги буйрукни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйрукнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш хақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2971-5*)
383. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 23 июндаги 37-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйрукнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш хақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3124-3*)
384. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 26 июндаги 40, 31-сон «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2265-3*)
385. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги

35-сон, Давлат солик қўмитасининг 2021 йил 12 июндаги 2021-26-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 9 июндаги 01-02/8-32-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
КАРОРИ**

362 «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Андижон вилоятида «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳани, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмиrlаш ишларини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

1. Андижон вилоятида ижтимоий-иктисодий ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўйидаги маблағлар ажратилсин:

а) «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига марказлашган инвестицияларни ошириш ҳисобига қайтариб бермаслик шарти билан — 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида, шундан:

25 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар — ижтимоий соҳа объектларини қуришга, шу жумладан Андижон тиббиёт институти объектлари учун;

15 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар — йўл ўтказгичини ва йўл инфратузилма объектларини барпо этишга;

60 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар — коммуникация тармоқлари, муҳандислик инфратузилмасини яратишга, лойиҳалаштириш ишларига, қурилиш ишларини назорат қилиш, бошқариш ва бошқа харажатларга;

б) Андижон вилоятида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун — 80 миллион АҚШ доллари эквивалентида тижорат банкларига, шундан:

40 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 7 фоиз ставкасида — тенг улушда «Ўзсаноат-қурилишбанк» ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банклари орқали 200 та маҳаллада кооперация асосида кичик бизнесни ва оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида биринкирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-кувватлашга;

40 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 июнда эълон қилинган.

давр билан 7 йил муддатга 11 фоиз ставкасида — «Агробанк» акциядорлик тијорат банки орқали иссиқхона массивларини барпо этиш ва ахоли хонадонларида иссиқхоналар ташкил этишни молиялаштиришга;

в) кичик бизнес ва оиласи тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари, шу жумладан, банк кредитлари бўйича кафилликлар бериш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси ресурс базасини ошириш ҳамда Хонобод шахрида ижтимоий-иктисодий ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш тадбирларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтариб бермаслик шарти билан — 20 миллион АҚШ доллари эквивалентида.

2. Вазирлар Маҳкамаси икки хафта муддатда:

Андижон вилоятининг муҳим ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурини тасдиқласин;

«Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш чора-тадбирларига оид тегишли қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

3. Белгилансинки:

мазкур қарорнинг 1-банди «а» кичик банди билан ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун Андижон вилояти ҳокимлиги масъул ижро этувчи орган хисобланади;

мазкур қарорда назарда тутилган маблағлар тақсимотига, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Хисоб палатаси (Б.Т. Турабов) Бош прокуратура (А.Ю. Мавлонов) билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, тўловлар асосланганлиги ва лойиҳа харажатлари мақбуллаштирилганлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 июнь,
ПҚ-5154-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

363 Республика худудларида мебелсозлик саноатини ри- вожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғри- сида*

Аҳоли турмуш даражаси ва янги қурилаётган уй-жойлар сонининг ошиши натижасида мебелсозлик саноати маҳсулотларига нисбатан ошиб бораётган талабни қондириш, республика худудларида мебель ишлаб чиқарувчилар фаолиятини кўллаб-куватлаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 1-иловага** мувофиқ худудларда кластер усулида мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини (кейинги матнларда — кичик саноат зоналари) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонлари мулк хукуки асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади;

б) кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонларига эгалик қилишнинг мажбурий шарти сифатида ушбу кичик саноат зонасининг бош режасига асосан мебель ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш обьектларини жойлаштириш белгиланади;

в) кичик саноат зонасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдонларини мулк хукуки асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумнинг маҳаллий бюджетга йўналтириладиган қисми бюджетнинг қўшимча даромади сифатида шакллантирилади ва камида 30 фоизи ушбу худудда янги ер майдонларини қишлоқ хўжалигида киритиш учун сарфланади;

г) ташкил қилинаётган кичик саноат зонарининг ташқи мухандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирлари:

ичимлик суви, оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль ўйларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — 2021 — 2023 йиллар учун Давлат бюджетида назарда тутилган маблағлар;

электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — ўрнатилган тартибда таъминотчи корхоналар маблағлари хисобидан амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 июнда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўн кун муддатда кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун 1-илова-да кўрсатилган ер майдонларини қонунчиликда белгиланган тартибда аж-ратилишини таъминласин;

бир ой муддатда Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (А. Воитов) билан биргаликда белгиланган тартибда кичик саноат зоналари худудлари-нинг чегаралари ва бош режаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъ-минласин;

икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) би-лан биргаликда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга кирити-ладиган ер майдонларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин. Бунда ҳар бир худудда янгидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари ушбу худудда ташкил қилинаётган кичик саноат зонаси майдони-дан камида икки баробар кўп бўлиши лозим.

4. Белгилансинки, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш учун ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ташкил қилинаётган кичик саноат зо-наларини барча мұхандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъ-минлаш манзилли дастурини тасдиқласин.

6. 2021 йил 15 июндан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ қуидаги харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томо-нидан қопланади:

2021 — 2024 йилларда йиллик тушумида тайёр мебель маҳсулотлари экспортидан тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиласидиган маҳаллий корхоналарнинг хом ашё (ТИФ ТН бўйича 4410 ва 4411 кодлари) импор-ти учун сарфланган транспорт харажатларининг 50 фоизи миқдорида;

2024 йил 1 январга қадар мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт қилувчи корхоналарга мебель маҳсулотларини барча давлатларга, шу жумладан, қўшни давлатларга экспорт қилишда ав-томобиль ва темир йўл ташиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсу-лот экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобиль транс-портида 5 фоизидан, темир йўл транспортида 7 фоизидан қўп бўлмаган миқдорида.

7. 2023 йил 1 январга қадар 2-иловага* мувофиқ мебель ишлаб чиқа-ришда фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуар-лар импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилсин.

8. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуидагиларни назарда тутувчи «2021 — 2024 йилларда Ўзбекистонда мебель ва ёғочсоз-

* 2-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

лик саноатини ривожлантириш дастури» лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

республика ҳудудларида қурилаётган қўп квартирали уй-жойларни аҳолининг талабидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, маҳаллий мебель маҳсулотлари билан жиҳозлаш бўйича истеъмол кредитларининг янги турлари ва пакетларини жорий қилиш;

2021 — 2024 йилларда республика ҳудудларида давлат ташкилотларининг, шу жумладан, мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг мебель жиҳозларини янгилаш графигини тасдиқлаш;

мебель саноатининг барча йўналишларида хом ашё сифатида фойдаланиладиган дараҳт турларини республика иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда етишириш ҳамда республика мебель саноатида хом ашё сифатида фойдаланиладиган дараҳт турлари плантацияларини барпо этиш;

хорижий давлатлардаги (Хитой, Туркия ҳамда Европа давлатлари) йирик мебель ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан республикада ишлаб чиқариш кувватларини ишга тушириш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда республика ҳудудларида МДФ плиталари, НПЛ панеллар ҳамда мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.

9. «Мебель ва ёғочсозлик саноати» уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йилдан бошлаб ҳар йили май ойида маҳаллий ва хорижий корхона вакиллари, салоҳиятли инвесторлар, эксперталар ва тармоққа алоқадор бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда Мебель халқаро савдо кўргазмасини («Uzbek International Furniture Fair») ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов) «Мебель ва ёғочсозлик саноати» уюшмаси (А. Нуридинов) билан биргаликда икки ой муддатда Мебель халқаро савдо кўргазмасига тайёргарлик кўриш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширишни бошласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда 1-иловада кўрсатилган туманлар (шахарлар) ҳокимликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 1-иловада кўрсатилган туманларда (шахарларда) жойлашган касб-хунарга ўқитиш муассасаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда мебелсозлик бўйича қисқа ва ўрта муддатли ўқув курсларини ташкил қилсан.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда «Мебель ва ёғочсозлик саноати» уюшмасининг ўқув курсларини ташкил қилиши учун «Ишга марҳамат» мономаркази Олмазор филиали биносида 5 та хонани текин фойдаланиш хукуқи асосида ажратсан ҳамда ушбу ўқув

курсларида ўқитиладиган «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз фуқароларнинг ўқув харажатлари белгиланган тартибда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган вазифаларнинг ижроси ёритиб борилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Карор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 июнь,
ПҚ-5155-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

364 2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш- нинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида*

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, карантин шароитида олий таълим муассасаларигаabituriyentlarning хужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини талаб даражасида ташкил этиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-

* Ушбу карор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июнда эълон қилинган.

тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021/2022 ўкув йили қабулидан бошлаб давлат гранти асосида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари (кейинги ўринларда — филиаллар) ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотлари учун ҳам шакллантирилади. Бунда:

филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (кейинги ўринларда — кадрлар буюртмачилари) олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади;

филиаллар ёки нодавлат олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган ва ўқишини тамомлагандан сўнг кадрлар буюртмачиси тизимида 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш истагини билдирган абитуриентлар билан уч томонлама (кадрлар буюртмачиси — талаба — олий таълим ташкилоти) шартнома тузилади;

филиаллар ёки нодавлат олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган аббитуриент кадрлар буюртмачиси билан шартнома имзоламаган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи тўпланган баллар микдори бўйича ундан кейинги ўринда турган абитетуриентга берилади;

давлат буюртмаси асосида ўқишига қабул қилинган талабаларнинг ўқитиш харажатлари кадрлар буюртмачилари томонидан Давлат бюджети параметрларида мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Тошкулов), Молия вазирлиги (Ишметов) ва Адлия вазирлиги (Давлетов) билан биргаликда икки ой муддатда филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартибини тасдиқласин.

2. 2021/2022 ўкув йили учун давлат буюртмаси параметрлари:

а) бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

кундузги таълим шаклига — 113 530 нафар этиб 1-иловага* мувофиқ;

сиртқи таълим шаклига — 37 675 нафар этиб 1а-иловага* мувофиқ;

кечки таълим шаклига — 6 550 нафар этиб 1б-иловага* мувофиқ;

б) магистрлар тайёрлаш бўйича — 12 900 нафар этиб 2-иловага* мувофиқ;

в) филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш бўйича — 500 нафар этиб 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки, 2021/2022 ўкув йили қабулида:

abituuriyentlarни рўйхатдан ўтказиш 22 июнидан 22 июлига қадар (22 июль куни ҳам) бўлган муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

портали ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча 2 000 та давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилади;

Самарқанд вилояти Ургут туманини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда таълим тизимида кадрлар қўнимсизлигини камайтириш мақсадида бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида педагогика йўналишлари бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан мазкур туман учун қўшимча 100 та давлат гранти асосидаги мақсадли қабул кўрсаткичлари ажратилади;

abituriyentlarга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш хукуки берилади;

abituriyentlarга рўйхатдан ўтиш жараёнида танланган бакалавриат таълим йўналишлари устуворлигига қараб дастлаб давлат гранти, кейинчалик тўлов-контракт асосида танловда иштирок этиш бўйича қўшимча имконият берилади.

4. 2021 / 2022 ўқув ўилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Давлат комиссиясига қўйидаги хукуклар берилсин:

зарурат бўлганда, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-методик таъминотидан келиб чиқиб, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш ҳамда ташкил этиладиган янги олий таълим муассасалари қабул параметрларини белгилаш учун давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва худудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш;

олий таълим муассасаларига бакалавриатнинг масофавий таълим шаклига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларининг (ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриат таълим йўналишлари бўйича базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тўлов-контракт минимал микдорининг ягона кўрсаткичларини белгилаш;

профессионал таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш.

5. Халқ таълими вазирлиги (Шерматов) Самарқанд вилояти ҳокимли-

* 4-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

ги (Турдимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов) ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Тошкулов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Самарқанд вилояти Ургут тумани учун педагогика йўналишлари бўйича ажратилган қабул параметрларини олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш бўйича асосланган таклифларни Давлат комиссиясига киритсин.

6. Белгилансинки:

а) 2021/2022 ўқув йили қабулида:

давлат олий таълим муассасаларининг магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади. Бунда, биринчи босқичда давлат олий таълим муассасаси томонидан танланган мутахассисликка мос фанлар бўйича кириш имтиҳонлари, иккинчи босқичда Давлат тест маркази томонидан чет тили бўйича тест синовлари ўтказилади;

магистратура (клиник ординатурага) ўқишга қабул қилишда чет тили бўйича тегишли даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга абитуриентлар иккинчи босқичда чет тилидан тест синовини топширишдан озод қилинади ва уларга мазкур фан бўйича максимал балл берилади;

магистратура (клиник ординатура) мутахассислигига мос фанлар бўйича имтиҳонлар натижалари имтиҳон ўтказилганидан кейин уч кун муддатда давлат олий таълим муассасаси томонидан идоралараро электрон ахборот алмашинув тизими орқали Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда мазкур муассасанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

abituriyentning чет тили бўйича тест синовидан тўплаган баллари тўғрисида маълумот тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига ҳамда магистратура (клиник ординатура) қабули бўйича танлов натижалари тест синовлари тўлиқ яқунлангандан сўнг бир ҳафта муддатда Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

б) 2021/2022 ўқув йили қабулидан бошлаб:

abituriyentdan алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳонлардан сўнг мажбурий учта — она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилади;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

хорижий фуқароларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш белгиланган тартибда ўтказиладиган сұхбат натижаларига кўра олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади;

магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган abituriyentlarining тўлов-контракт суммаси бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади;

в) 2022 / 2023 ўқув йили қабулидан бошлаб рўйхати мазкур қарорга 5-иловада келтирилган олий таълим ташкилотлариға қабул параметрлари хорижий мамлакатдаги бош олий таълим ташкилоти, Иқтисодий тараккӣёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда мазкур олий таълим ташкилотлари Васийлик кенгashi қарори билан тасдиқланади.

7. 2021 йил 15 июлдан бошлаб талабалар ўқишини кўчиришнинг кўйидаги тартиби жорий қилинсин, унга мувофиқ:

а) талабалар ўқишини хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган (шу жумладан, халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 1 000 та ўриндан бирини эгаллаган) олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришда:

талабадан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар, бошқа таълим йўналишлари бўйича тест синовлари ўтказилади. Бунда, касбий (ижодий) имтиҳонлар тегишли олий таълим муассасаси томонидан, тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари жорий йил 25 июлга қадар, кейинчалик ҳар йили 15 июлга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар бакалавриатга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинади;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест маркази ҳамда олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади;

б) талабалар ўқишини хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди;

в) талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикасининг бир худудида жойлашган давлат олий таълим муассасасидан бошқа худудидаги давлат олий таълим муассасасига кўчиришда:

ўқиши мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришга узрли сабаблар мавжуд бўлганда рухсат этилади. Бунда, ўқиши кўчириш сўралаётган худудда мос ва турдош таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда, ўқиши мазкур худуддаги олий таълим муассасасининг бошқа таълим йўналишига кўчиришга рухсат этилади;

талабанинг республика бир худудидан иккинчи худудига доимий яшаш учун кўчиб ўтиши, турмуш ўртоғи ёки ота-онасининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш жойи бошқа худудга ўзгартирилиши, никоҳ тузгандан кейин

турмуш ўртоги доимий яшайдиган худудга кўчиб ўтиши узрли сабаблар этиб тан олинади;

талабаларнинг ўқишини узрли сабаблар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, шунингдек, мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал микдорига teng бўлган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади (мазкур кичик банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно);

г) талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан:

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган тартибда;

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал микдорига teng бўлган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади;

д) спорт мусобақалари ғолиби сифатида имтиёз билан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ҳамда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини уларнинг аризаларига мувофик, сиртқи таълим шаклидаги мос ва турдош таълим йўналишига (сиртқи таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) давлат гранти асосида кўчиришга руҳсат берилади.

8. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев) Ташқи ишлар вазирлиги (Арзиев) билан биргаликда 2021 йил 15 июляга қадар қўшни давлатларда фаолият юритаётган ва ваколатли ташкилот томонидан аккредитациядан ўтган олий таълим ташкилотлари рўйхатини расмий веб-сайтида эълон қилсин ҳамда мазкур рўйхатнинг ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармонида 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб Гулистон давлат университети, Карши давлат университети, Жizzах давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтида тиббиёт факультетларини ташкил қилиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев), Туризм ва спорт вазирлиги (Абдухакимов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг (Тошкулов) Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида тиббиёт факультетини ташкил этиш ҳамда 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент тиббиёт академияси мазкур бандда кўрсатилган таълим муас-

сасаларига тиббиёт факультетлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш ва малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдиришда кўмаклашсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида охирги уч йилда ғолиб ва совриндор (1 — 3-ўрин) бўлган спортчи-ўқувчилар давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклларига қўшимча давлат гранти асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Бунда, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор (1 — 3-ўрин) бўлган спортчи-ўқувчилар қабул қилинадиган бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг асослантирилган таклифларига мувофиқ Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади ҳамда Туризм ва спорт вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

11. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошкулов) ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар давлат олий таълим муассасаларида янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш учун уларнинг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари ва ўқув-методик таъминотига қўйиладиган минимал талабларни (кейинги ўринларда — минимал талаблар) ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

Белгилансинки, 2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб, давлат олий таълим муассасаларига, улар минимал талабларга жавоб берган тақдирда, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга оширишга рухсат этилади.

12. Давлат комиссияси беш кун муддатда 2021/2022 ўқув йили учун:

Софлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария, тиббий-ижтимоий хизматлар соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган худудлар учун давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)-лар кесимидағи тақсимотини;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида давлат буюртмаси параметрларини таълим тилларига қараб тақсимотини;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси таклифлари асосида филиаллар ва нодавлат олий таъ-

лим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларининг кадрлар буюртмачилари ҳамда таълим йўналишлари кесимидаги таксимотини тасдиқласин.

13. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Тошкулов) бир ой муддатда:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилида янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритипсин;

давлат олий таълим муассасалари томонидан янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

14. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға ўтган олий таълим муассасалари 2021/2022 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган тўлов-контракт миқдори ҳақидаги маълумотларни 2021 йил 1 июлга қадар оммавий ахборот воиталарида эълон қиласинлар.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари пандемия шароитидаabituriyentlardan ҳужжатларни қабул қилиш ва тест синовларини ўтказиш жараёнларини карантин ва хавфсизлик талабларига тўлиқ амал қилган холда юқори савияда ташкил этишга шахсан масъул этиб белгилансин.

16. Белгилаб қўйилсинки, 2021/2022 ўқув йилида олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида бакалавриат ва магистратурага ўқишига қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари хисобидан молиялаштирилади.

Молия вазирлиги кадрлар буюртмачилари томонидан тақдим этилган асосланган хисоб-китобларга кўра филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрлари асосида ўқишига қабул қилинган фуқароларнинг ўқитиш харажатлари босқичма-босқич қоплаб борилишини таъминласин.

17. Давлат тест марказига (Каримов) марказ фаолиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш хуқуки берилсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни икки ой муддатда республиканинг барча худудларида Давлат тест марказига тегишли намунавий типдаги павильонларнинг қурилиши учун белгиланган тартибда ер участкалари ажратилиши ҳамда 2022 йил 1 июняга қадар мазкур павильонлар қуриб битказилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

19. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 6 ва 7-бандлари билан жорий этилаётган тартиб Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Дав-

лат бошқаруви академиясига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясига, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

20. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Тошкулов):

а) икки ҳафта муддатда:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим ташкил этиладиган давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳамда тегишли таълим йўналишлари учун қабул параметрлари бўйича таклифларни Давлат комиссиясига киритсин;

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев) билан биргаликда магистратура мутахассислари ва уларга мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари рўйхатини қайта кўриб чиқсан, янгиланган рўйхатни тасдиқласин ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилсин;

б) уч ой муддатда:

2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб талабаларни магистратура (клиник ординатура)га ўқишга қабул қилишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Мажкамасига киритсин.

21. Вазирлар Мажкамаси икки ой муддатда:

иктисодиёт тармоқларида камиде беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни давлат олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига сухбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини;

масофавий таълимни ташкил этиш ва бошқариш тартибини;

олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда докторантурага қабул қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгиловчи Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошкулов ҳамда Давлат тест маркази директори М.М. Каримов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 июнь,
ПҚ-5157-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 22 июндаги
ПҚ-5157-сон қарорига
5-ИЛОВА

**2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб қабул
параметрлари Васийлик кенгаши қарори билан
тасдиқланадиган олий таълим ташкилотлари
РЎЙХАТИ**

1. Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиали;
2. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали;
3. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технолоѓик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали;
4. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети;
5. «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 22 июндаги
ПҚ-5157-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5924-сон Фармонининг 12-банди «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўtkазиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3389-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-4359-сон қарорининг 2-бандида:
 - а) «а» кичик банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциянинг хулосаси асо-

сида олий таълим муассасаларининг мавжуд қувватлари, моддий-техника базаси ҳамда профессор-ўқитувчилари таркибидан келиб чиқиб белгилана-диган қўшимча қабул параметрлари асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда, қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилиш бакалавриат таълим йўналишларига табақалаштирилган тўлов-контракт, магистра-тура мутахассисликларига микдори олий таълим муассасаси томонидан мустакил белгиланадиган тўлов-контракт бўйича амалга оширилади;»;

б) «д» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**365 «Янги Ўзбекистон» университетини ташкил этиш
тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқлари-ни XXI асрнинг юксак демократик талаблари асосида янгилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлаш, жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамнафас бўлиб яшаш, миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай стратегик мақсадларнинг энг муҳим узвий қисми бўлган илм-фан ва таълим-тарбия тизимини, жумладан, олий таълим тараққиётини янги босқичга кўтариш устувор масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Айни шу асосда инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири бўлган билим олиш, замонавий қасб-ҳунарлар, малака даражаларини эгаллаш бўйича катта имкониятлар яратилмоқда.

Киска муддатда республикамизда олий таълим муассасалари сони қарийб икки баробар ошгани, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда, янги олийгоҳлар, хусусан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари очилаётгани, тизимда ўқишнинг кундузги шакли билан бирга кечки ва сиртқи бўлимлар фаолияти йўлга қўйилгани, мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига қамрови 2016 йилдаги 9 фоиздан бугунги кунга келиб 28 фоизга етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, бугунги кунда биз ўз олдимиизга қўйган, ҳар томон-лама ривожланган янги Ўзбекистон давлати ва жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улкан вазифалар юртимизда юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, жаҳон меҳнат бозори, илм-фан ва технологиялар оламида рақобатдош, замонавий билим ва қўникмаларни

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июнда эълон қилинган.

чукур ёзлаштирган, юқори малакали, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар кадрлар тайёрлашнинг умумеътироф этилган халқаро стандартлар асосидаги инновацион тизимини шакллантириш борасидаги ишларимизни сифат жиҳатидан янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Бунда, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз олий таълим тизимининг байрокдори — флагманси сифатида республикамиз ва дунё тажрибасининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этадиган, барча институт ва университетларимизга намунавий модель бўлиб хизмат қиласидаги янги замонавий университетни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқимиз, аввало, ёшларимизнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб ҳамда мамлакатимизнинг олий таълим соҳасидаги кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш, бу борада фарзандларимиз учун янада кенг имконият ва шароитлар яратиш мақсадида:

1. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида «Янги Ўзбекистон» университети (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Университетда таълим жараёни нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилади;

Университетни тамомлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Миллий кадрлар заҳирасига олинади ҳамда 5 йиллик иш тажрибасидан сўнг раҳбарлик лавозимига тайинланадиган истиқболли номзодлар рўйхатига киритилади;

Университет Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобвараклари, штамп ва бошқа реквизитларига эга бўлади.

2. Қўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

нуфузли хорижий олий ўкув юртларининг таълим дастурлари асосида юксак замонавий касбий билим ва малакага эга бўлган, халқаро миқёсда рақобатбардош, истиқболли кадрларни тайёрлаш;

ўкув-тарбия жараёнини илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини кўллаган ҳолда жаҳоннинг етакчи университетларида жорий этилган таълим технологиялари ва усуллари асосида ташкил этиш;

талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, билимини амалий тажрибалар орқали мустаҳкамлашга, ўкув материалларини самарали ва пухта ёзлаштиришга хизмат қиласидаги ҳар томонлама қулай таълим мұхитини шакллантириш;

ижтимоий-иктисодий соҳалардаги мавжуд әхтиёжлардан келиб чиқиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, чет эллардаги нуфузли, тан олинган илмий марказлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, талабаларни илмий ва инновацион фаoliyatiga кенг жалб этиш;

таълимнинг узлуксизлиги ва сифатини таъминлаш борасида Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга методик ёрдам кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсанки:

а) Университет қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширади:

Университетнинг тузилмасини ва штатлар жадвалини тасдиқлаш, шунингдек, бакалавриат ва магистратурада ўқиш тартибини белгилаш;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишуввлар асосида таълим йўналишларини белгилаш, ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш ҳамда педагог ходимларнинг меҳнатини меъёrlаштириш;

юқори малакали, жумладан, хорижий мамлакатлардаги етук мутахассисларни жалб этиш, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Университет ходимларининг иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш;

бакалавриат, магистратура ва докторантурага қабул қилиш шартларини, шунингдек, талабаларни қабул қилишда тест синовлари фанлари мажмуасини ва ўқиш учун тўлов миқдорини белгилаш;

инновация ва илмий фаолиятни олиб бориш, илм-фан ютукларини тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни жалб этиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;

хорижий таълим ва илмий ташкилотлар билан тўғридан-тўғри музоказалар олиб бориш ҳамда ўз фаолиятига оид молиявий-иктисодий ва маъмурий бошқарув юзасидан қарорларни қабул қилиш;

б) Университетда таълим-тарбия жараёнлари миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида олиб борилади ҳамда талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, ҳалқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга хизмат қиласиди;

в) Университетда таълим жараёни 2021 / 2022 ўқув йилидан бошланади ҳамда давлат ва инглиз тилларида, кредит-модуль тизими асосида олиб борилади;

г) Университетда таълим жараёни давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

д) талабаларни қабул қилиш параметрлари Президент, ижод ва ихтиосослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан келишган ҳолда Университет томонидан ўрнатилади;

е) Университетда унинг илмий салоҳиятидан келиб чиқиб, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

ж) Университетда таълим жараёни «fan — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси» тамойили асосида ташкил этилиб, талабалар 1-курсадан ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот марказларига биринчирилади ҳамда битирувчи курс талабалари учун «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан етакчи хорижий олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ва битирув олди амалиётини нуфузли хорижий компанияларда ўташ имконияти яратилади;

з) Агентлик Университетга малакали профессор-ўқитувчиларни, жумладан, хорижий мамлакатлар мутахассисларини жалб қилишга яқиндан кўмаклашади;

и) Университет битириувчилариға Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университет томонидан белгиланган намунашаги диплом берилади;

к) Университетда талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун спорт тўгараклари, санъат студиялари, кутубхона ва экскурсиялар ташкил этилади, турли тренинг ва маданий учрашувлар ўтказилади.

4. Университетда иқтидорли талабаларнинг таълим олишини қўллаб-кувватлаш учун давлат гранти қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

халқаро даражадаги тегишли дастурлар (International Baccalaureate, Advanced Placement, International Advanced Levels) дипломи ёки сертификатига эга Президент мактаблари битириувчилариға;

Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ажратиладиган қабул параметрлариға мувофиқ кириш имтиҳонлари асосида ушбу мактаблар битириувчилариға;

Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Халқаро математика олимпиадаси (IMO), Халқаро физика олимпиадаси (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси (IChO), Халқаро биология олимпиадаси (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси (IOI) ғолибларига;

Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган «Ижтимоий химоя ягона реестри»га киритилган оиласалар фарзандларига.

Агентлик бир ой муддатда давлат грантини бериш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат карори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

5. «Янги Ўзбекистон» университетининг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича «йўл ҳаритаси» иловага^{*} мувофиқ тасдиқлансан.

6. Агентлик томонидан Университетда таълим жараёнларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Америка Кўшма Штатларининг Массачусетс технология институти, Стенфорд университети, Буюк Британиянинг Кембриж университети, Германиянинг Мюнхен техника университети ва бошқа нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан музокаралар олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

Агентлик:

а) бир ой муддатда:

Университет уставининг тасдиқланиши ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

музокаралар якуни бўйича ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли келишувга эришиш чораларини кўрсинг;

2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этиладиган таълим йўналишларини белгиласин;

б) икки ой муддатда Университетни чукур билим, юқори касб маҳоратига эга, тажрибали раҳбар ва педагог кадрлар ҳамда малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсинг;

в) факультетлар ва таълим йўналишлари очилишидан келиб чиқиб, ўқув

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

режалари ва фан дастурларини жорий этиш учун Университетни зарур моддий-техника воситалари, дарслеклар, ўкув ва методик адабиётлар, лаборатория асбоб-ускуналари, сарфланадиган лаборатория материаллари билан бутлаш чораларини кўрсин ҳамда илфор электрон маълумотлар базаларига доимий уланишини таъминласин;

г) Университетга ҳомийлик, грант ва бюджетдан ташқари маблағларни, техник кўмак ҳамда қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб этишга кўмаклашсин.

7. Қўйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Агентлик хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Университетда таълим жараёнини 2021 / 2022 ўкув йилидан ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. 2024 йил 1 июнга қадар Агентлик ва Университет томонидан олиб келинадиган ўкув ва илмий лаборатория жиҳозлари, сарфланадиган лаборатория материаллари, компьютер техникиси, дастурий маҳсулотлар, мультимедиа маҳсулотлари, ўкув ва илмий-методик адабиётлар, қурилиш материаллари, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божидан озод этилсин.

9. Ички ишлар вазирлиги Университетнинг буюртманомаларига биноан Университет хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойида рўйхатдан ўтказилиши ҳамда рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамаси:

Университет кампусини қуриш учун Тошкент шаҳрида зарур ер майдонини доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратиш чораларини кўрсин;

хорижий лойиха ва пудрат компанияларини жалб этган ҳолда Университет учун замонавий ўкув кампуси лойихаси ишлаб чиқилиши ва халқаро стандартлар асосида қурилишини таъминласин;

янги бино қурилгунга қадар Университетни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бўш майдонларида вактингчалик жойлаштиrsин.

11. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик хужжатларига мазкур карордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 июнь,
ПҚ-5158-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**366 Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни
ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида***

Кон-металлургия саноати маҳсулотлари негизида илфор жаҳон амалиёти асосида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш, унга боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг қўйидагиларни кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ тармоқларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

«хом ашёдан тайёр маҳсулотгача» бўлган кўп погонали қўшилган қиймат занжирларини яратишга қаратилган иктисодиётнинг драйвери сифатида республикада мис маҳсулоти ва у билан боғлиқ соҳаларда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-технологик кластерни (кейинги ўринларда — Мис саноати кластери) ташкил этиш;

кон-металлургия саноатини узок муддатли истиқболда ишончли ресурс базаси билан таъминлаш учун мис, ранги, нодир ва ноёб металлар бўйича геология-қидирув ишларини кенгайтириш, геология фани ва геологик хизматлар бозорини ривожлантириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 июнда эълон қилинган.

Мис саноати кластери доирасида лойиҳа ва инжиниринг хизматлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ўзаро боғлиқ тизимини ривожлантириш, замонавий технологияларни трансфер қилиш, инновацияларни ва рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга кўйиш;

Мис саноати кластери учун зарур бўлган кон-металлургия машиналари, техникалари, асбоб-ускуналар, ҳом ашёни чукур қайта ишлаш, кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш, маҳаллий ихтисослашган ташкилотлар билан кооперация ва аутсорсинг асосида хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш;

кон-металлургия, электротехника, машинасозлик, дастгоҳсозлик соҳаларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш кувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш;

кон-металлургия саноатини зарур инфратузилма билан таъминлаш ҳамда миллий экологик талабларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш;

давлатнинг кон-металлургия саноати ривожланишини таъминлашга қаратилган энг мақбул тартибга солиш сиёсатини шакллантириш, саноат тармоқларида миллий рақобатбардошликни ошириш.

2. Қуйидагилар:

Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ;

Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича маҳсус комиссия (кейинги ўринларда — Маҳсус комиссия) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Маҳсус комиссияга (А.Н. Арипов) «йўл харитаси»га, заруратга қараб, ўзgartариш ва кўшимчалар киритиш хуқуқи берилсин.

3. Маҳсус комиссияга қўйидаги асосий вазифалар юклансин:

«йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилишида мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ушбу жараённи назорат қилиш;

мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган таклифларни кўриб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини муҳокама қилиб бориш, шунингдек, «йўл харитаси»ни амалга оширишда юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал этиш.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ривожланиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий КМК» АЖ ва «Олмалиқ КМК» АЖ:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда 2021 йил 15 октябрга қадар етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб килган ҳолда, 2022 — 2026 йилларда кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарининг янги турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурини;

«Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда 2021 йил 30 октябрга қадар кон-металлургия саноати учун зарур бўлган кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини («Навоийазот» АЖда ташкил этилаётган технологик кимё кластерини ҳисобга олган ҳолда);

2021 йил 1 ноябрга қадар етакчи хорижий консалтинг компаниялари ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига киритсин.

5. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Навоий КМК» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг:

Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш концепциясини ҳамда Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, шу жумладан, етакчи хорижий консалтинг компаниялар ҳамда малакали мутахассисларни жалб килиш, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, хизмат сафарларини ташкил этиш билан боғлиқ ва бошқа тегишли харажатларни «Олмалиқ КМК» АЖ маблағлари;

2022 — 2026 йилларда кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарининг янги турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда кон-металлургия саноати учун зарур бўлган кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ ва бошқа харажатларни тегишлигича «Навоий КМК» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва бошқа тармоқлар корхоналарининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. «Навоий КМК» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда етакчи хорижий консалтинг компаниялар ҳамда малакали мутахассислар билан тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра энг мақбул таклифни танлаш асосида шартномалар имзолашга руҳсат берилсин.

7. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда жорий йил 1 сентябрга қадар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган мис ва бошқа рангли ва ноёб металлар учун геология-қидирав ишларининг мақсадли дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига киритсин.

8. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар хорижий давлатларнинг кам харажатли инжиниринг хизматларини ривожлантириш бўйича илфор тажрибасини ўргангандан ҳолда, уларни республикада қўллаш тўғрисидаги таклифларни Махсус комиссияга киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар Мис саноати кластери фаолиятини ташкил этишга етакчи хорижий ишлаб чиқарувчилар ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш тизимини жорий этсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда 2021 йил якунига қадар Мис саноати кластерини ташкил этиш учун зарур инвестиция лойихалари рўйхатини тармоқлар кесимида тайёрлаган ҳолда, махсус саноат зоналарини ташкил этиш юзасидан таклифларни Махсус комиссияга киритсин.

10. Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

икки ой муддатда кон-металлургия саноатида миллий экологик талабларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ва халқаро экологик талабларни амалга ошириш жадвалини Вазирлар Махкамасига киритсин;

уч ой муддатда кон-металлургия саноати ва бошқа базавий тармоқларнинг йирик корхоналарида атроф-мухитга чиқариладиган чиқиндилиарни камайтириш дастурларини ишлаб чиқсан ҳамда уларнинг бажарилишини қатъий назоратга олсин.

Бунда, кон-металлургия саноатида миллий экологик талабларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш жараёнига халқаро молия ташкилотлари ва хорижий донорлар грантлари ва техник ёрдамини жалб қилишга эътибор қаратсин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таклифлари асосида 2021 йил 1 ноябрга қадар Мис саноати кластерини зарур ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсин.

Бунда, Мис саноати кластерини ташкил қилишда электр энергиясини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ва транспортировка қилиш имкониятлари, сув таъминоти, транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини яратиш, Мис саноати кластери корхоналарининг фаолиятини рақамлаштириш ва телекоммуникация технологияларини жорий этиш масалалари назарда тутилсин.

12. Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров Молия вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда кон-металлургия саноати бўйича жаҳон амалиётини

ўрганиш, энг мақбул тажрибаларни республика амалиётига татбик этиш, ишлаб чиқариш занжирларини таҳлил қилиш ва ривожлантириш, қазиб олиш таннархини камайтириш ва қўшимча қиймат яратиш масалалари билан шуғулланувчи Кон-металлургия саноати иқтисодиётини ўрганиш марказини ташкил этиш бўйича таклифларни;

2021 йил 1 октябрга қадар ер қаъридан фойдаланиш ва геология соҳасида, шунингдек, кон-металлургия саноатида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли қонунчилик хужжатлари лойихаларини;

2021 йил 1 ноябрга қадар Саноат тармоқларида миллий ракобатбардошлини, шу жумладан, меҳнат унумдорлигини ошириш дастурини амалга ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

13. Қуйидагилар:

а) Сув хўжалиги вазирлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда «Навоий КМК» АЖ ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, ушбу комбинатларда сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш дастурини;

б) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, «Навоий КМК» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда — 2021 йил 1 декабрга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганганд ҳолда, қуйидагиларни назарда тутувчи Мис саноати кластери учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда соҳада тажриба-конструкторлик ва илмий изланишлар кўламини кенгайтириш дастурини:

кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ бўлган соҳалар учун муҳандис, техник ва бошқа ўрта бўғин ишчи-ходимларни тайёрлаш бўйича профессионал таълим ўкув дастурларини уларнинг амалиёт билан узвий боғликлигини янада кучайтирган ҳолда такомиллаштириш;

соҳада жорий этилаётган янги технологияларни ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш, лойихалаштириш, тажриба-конструкторлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

иҳтисослаштирилган олий таълим муассасаларида мос ўйналишлар бўйича кечки, сиртқи ва масофавий таълим шакллари асосида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, шунингдек, илмий изланишлар олиб бориш кўламини кенгайтириш;

в) Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда — 2021 йил якунига қадар кон-металлургия, электротехника ва бошқа базавий тармоқларда саноат хавфсизлиги, меҳнат хавфсизлиги, маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича техник ва технологик жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни, шу жум-

ладан, идоравий хужжатларни етакчи хорижий давлатлар тажрибасига мувофиқ такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи аппарати тузилмасининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаментида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 4 нафардан иборат бўлган Металлургия тармоғини ва мис саноати кластерини ривожлантириш шўъбаси (кейинги ўринларда — Металлургия шўъбаси) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Металлургия шўъбасининг 1 нафар штат бирлиги Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг умумий штат бирликлари доирасида ҳамда қўшимча ажратилаётган 3 нафар штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги ПҚ-5053-сон қарорига мувофиқ мақбуллаштирилган штат бирликлари хисобига шакллантирилади.

15. Кўйидагилар Металлургия шўъбасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ишини мувофиқлаштириш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда ушбу қарорда берилган топшириқлар бўйича амалга ошираётган ишларининг натижадорлигини назорат қилиш;

Махсус комиссиянинг ишчи органи вазифасини бажариш;

хар ўн кунда Махсус комиссия йиғилишларида «йўл ҳаритаси» ва ушбу қарорда берилган топшириқлар бўйича амалга оширилган ишларининг натижадорлиги мухокама қилинишини ташкил этиш.

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 июнь,
ПҚ-5159-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

367 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Жорий йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ҳар томонлама тайёргарлиги ва муваффакиятли иштирокини таъминлаш, уларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларни моддий қўллабкуватлаш, шунингдек, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатларини янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) зиммасига қўйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш хукуқини берувчи лицензияни қўлга киритган спортчилар учун ўқув-машгулот йиғинларининг якуний босқичини самарали ва сифатли ташкил этиш;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирок этиши учун уларни спорт анжомлари (шу жумладан, маҳсус спорт анжомлари), расмий либос ва спорт экипировкаси билан таъминлаш;

Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун уларни кузатиш, жойлаштириш, тантанали равишда кутиб олиш тадбирларини ташкиллаштириш.

3. Ўзбекистон спорт делегациясининг 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган ёзги XXXII Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши харажатлари сметаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

2021 йил 24 июнь ҳолатига Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш хукуқини берувчи жами 101 та лицензия қўлга киритилган;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 июнда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошлангунга қадар олимпия спорт турлари бўйича қўшимча квоталар ажратиш, паралимпия спорт турлари (парадзюдо, парапауэрлифтинг, парасузиш, паракадемик эшкак эшиш ва бошқалар) бўйича қўшимча 17 та лицензияни қўлга киритиш кутилмоқда.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича Республика комиссияси (А. Арипов)-га Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошлангунга қадар уларда катнашиш хукуқини берувчи қўшимча лицензиялар сонидан келиб чиқиб мазкур қарор билан тасдиқланаётган 1 ва 2-иловаларга тегишли равишда комиссия баёни билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хукуки берилсин.

Республика комиссияси Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш ва иштирок этишнинг аниқ миқдорини белгиласин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рафбатлантирилади:

олтин медаль учун — 200 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 100 000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 50 000 АҚШ доллари;

б) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланади.

6. Миллий антидопинг агентлиги (Н. Турсунов) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида:

спортивлар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан самарали антидопинг назоратини амалга оширасин;

Ўзбекистон спорт делегациясини антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли кўргазмали маълумотлар билан таъминласин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов) Ўзбекистон спорт делегациясининг Нарита халқаро аэропортида иммиграция назоратидан ўтишига кўмаклашсан.

8. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов):

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида катнашиши учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласин;

кузатиш ва кутиб олиш тадбирларида хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси транспорт воситаларининг Тошкент шаҳар ҳудудида кузатувини ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чораларни кўрсин.

9. Транспорт вазирлиги (И. Махкамов):

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси талабномаларига асосан жорий йилнинг июль — сентябрь ойларида Токио шаҳрига рейслар таш-

кил этилиши, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси учун авиациптапар бронь қилинишини;

«Тошкент-Токио-Тошкент» йўналиши бўйича чартер рейслари ташкил этилиши ва амалга оширилишини;

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига тегишли бўлган спорт анжомлари ва жихозларининг Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти орқали бепул ўтказилишини;

Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортининг умумий залида «яшил йўлак» ташкил қилиш ва мазкур йўлак орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини кузатишни таъминласин.

10. Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов) Ўзбекистон спорт делегацияси ва уларнинг қўл юклари (спорт овқатлари, спорт анжомлари, жихозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар ҳамда бошқалар) божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) «Дори-Дармон» АК (У. Салихбаева), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) билан биргаликда Ўзбекистон спорт делегациясини зарур бўлган жихозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) спортчиларнинг Олимпиада олди ўқув-машғулот йиғинлари, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштироки тўғрисида қисқа метражли видеороликлар ҳамда маҳсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) билан биргаликда беш кун муддатда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари давомида ташкилий ишларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида миллий штабларни ташкил этсин ва фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун спорт анжомлари, жихозлар, ускуналар, делегация расмий либослари, спорт кийимлари (экипировкаси), спорт тиббиёти жихозлари, тиббий-биологик препаратлар харид қилиш бўйича хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномаларни, шунингдек, ўқув-машғулот йиғинлари бўлиб ўтадиган спорт базалари, ётоқхона, спорт заллари ва спорт жихозлари ижааралари тўғрисида ҳамда овқатланишини ташкил қилиш юзасидан шартномаларни, истисно тариқасида, давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталаида тегишли эълон жойлаштирасдан ва электрон савдоларсиз, тендерсиз, тўғридан-тўғри расмийлаштириш ва тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

15. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда қўйидаги норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин:

а) бир ой муддатда — олимпия захиралари коллежлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, бу борада коллежлардаги спорт таълим йўналишларининг олимпия спорт турлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)-нинг янги тизимини жорий қилиш, тренер ва мутахассисларни моддий рафбатлантириш тизимини яхшилаш бўйича;

б) 2021 йил 1 декабрга қадар:

жамоавий спорт турлари (баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, волейбол ва бошқалар)ни ривожлантириш ва оммалаштириш, бу борада иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини жорий қилиш, туман (шаҳар), вилоят, республика ва халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, тренер ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича;

сув спорти турлари (сув полоси, сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш ва бошқалар)ни ривожлантириш, сув спорти саройларини барпо этиш, хусусий сув спорти мактабларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-куватлаш бўйича.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М. Ташходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 июнь,
ПҚ-5160-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**368 Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун
қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Замонавий талабларга мос келадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёнини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш, нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар иштироки учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуидаги чоралари жорий этилсин:

2021 йил 1 июлдан бошлаб моддий-техник базани мустаҳкамлаш (автотранспорт воситаларини сотиб олишдан ташқари) ва таъмирлаш-тиклаш ишлари, шунингдек, ходимларни (ўқитувчиларни) қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун тижорат банклари кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан қонунчиликда белгиланган микдорларда ва шартларда кафилликлар ҳамда фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар тақдим қилиш. Бунда, компенсация аввал берилган кредитларга ҳам қарздорлик қолдиғига нисбатан татбиқ этилиши белгилансин;

2021 йил 1 августдан 2024 йил 1 январга қадар таълим жараёнида фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларининг 50 фоизигача, бироқ давлат кўчмас мулк обьектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг қонунчиликда белгиланган минимал ставкасининг 50 фоиз микдоридан кўп бўлмаган микдорда давлат бюджети маблағлари хисобидан қоплаб бериш. Бунда, ушбу тартиб Тошкент ва Самарқанд шахарларида жойлашган ва таълим жараёнида фойдаланиладиган бино ва иншоотларга татбиқ қилинмайди.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У. Ташкенбаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов) билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат таълим ташкилотларига ижара тўлови харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, мазкур тўловларнинг ўйллик суммаси хар чоракда teng улушларда тўлаб берилиши назарда тутилсин.

2. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан 2024 йил 1 январга қадар вазирлик ва идоралар тизимидағи коллаж ва техникумларнинг бино ва иншоотларида (Тошкент ва Самарқанд шахарларидан ташқари) фаолиятини амалга оширадиган нодавлат таълим ташкилотлари:

ижара тўловидан озод этилади (сақлаш ва коммунал тўловлар бўйича харажатлар бундан мустасно);

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 25 июня эълон қилинган.

таълим жараёни натижасида олинган, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни (иш ва хизматларни) таълим ташкилотлари учун назарда тутилган имтиёзлар (кўшилган қиймат солиги ва фойда солиги бўйича) татбик этилган ҳолда реализация қилиш хукуқига эга.

3. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), тизимида давлат умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиков) билан биргаликда дарсдан бўш вақтларда, шу жумладан, ёзги таътил вақтида қўйидаги давлат мулки объектларининг нодавлат таълим ташкилотларига ижарага берилишини таъминласин:

мактабдан ташқари таълим курсларини, шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш учун давлат умумий ўрта ва олий таълим муассасалари бўш майдонларини;

ахолининг компьютер саводхонлиги бўйича курслар ташкил этиш учун қишлоқ жойларда жойлашган давлат умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларидаги компьютер синфларини.

Бунда, мазкур банднинг учинчи хатбошисида белгиланган курсларни ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотлари томонидан жалб қилинган ўқитувчиларнинг иш ҳақи харажатларининг бир қисми ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баробаригача миқдорида тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 2024 йил 1 январга қадар компенсация қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон қарори билан қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиши фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 50 млн сўмгача маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш амалиёти йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (С. Обидов) Молия вазирлиги (Ж. Аbruев), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У. Ташкенбаев) билан биргаликда бир ой муддатда ҳудудларда хорижий тилларни ўқитиши фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига субсидиялар ажратиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига кириксин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб солик тўловчи томонидан тегишли халқаро уюшмага аъзо бўлиш учун аъзолик бадалларига ҳамда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига ўйналтириладиган ўзининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаси жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади.

Бунда, мазкур солик имтиёзлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баробаригача бўлган суммага, шунингдек, ўкув курсидан муваффақиятли ўтган ҳамда тегишли халқаро уюшма аъзоси сифатида аъзолик бадаллари

тўловини ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлганда қўлланилади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) икки ой муддатда мазкур банднинг биринчи хатбоиси билан жорий қилинаётган тартибни амалиётда тўлиқ қўллаш учун тегишли қонун лойихасини Вазирлар Махкамасига киритсин.

6. Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузурида Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича инновацион малака ошириш ресурс марказини (кейинги ўринларда — Молиявий ҳисобот бўйича ресурс маркази), шунингдек, Бухгалтерия ҳисоби ва соликлар бўйича нодавлат малака ошириш ресурс марказини (кейинги ўринларда — Бухгалтерия ҳисоби бўйича ресурс маркази) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан ҳамда қўйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

соҳа мутахассислари ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш;

тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари амалиётини ташкил этиш ва тегишли шароитлар яратиш;

соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни тегишли дарсликлар билан таъминлаш;

ўқув қўлланмаларини давлат тили ва бошқа тилларга таржима килиш;

масофавий ўқитишидан кенг фойдаланиш, электрон кутубхона (электрон китоблар, видео дарсликлар, тақдимотлар ва тестлар) ташкил этиш ва унинг адабиётлар фондини бойитиш;

зарур таълим муҳитини яратиш мақсадида ахборот ресурсларидан бепул фойдаланишни таъминлаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Молиявий ҳисобот бўйича ресурс марказининг Васийлик кенгаши таркиби Молия вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти, бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари раҳбар ва ходимларидан ташкил топади;

Молиявий ҳисобот бўйича ресурс марказининг Васийлик кенгаши олий таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотларида педагогик маҳоратни ошириш ҳамда талабалар, амалиётчи мутахассисларда илфор амалий қўнилмаларни шакллантириш бўйича ушбу марказ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ҳар йили тасдиқлайди;

Бухгалтерия ҳисоби ва соликлар бўйича ресурс маркази Молия вазирлиги томонидан нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ташкил қилинади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов) билан биргаликда Молиявий ҳисобот бўйича ресурс маркази ва Бухгалтерия ҳисоби бўйича ресурс маркази фаолиятини 2021-2022 йиллар давомида тўлиқ йўлга қўйисин ҳамда уларни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсинг;

2021-2022 йиллар давомида Молиявий ҳисобот бўйича ресурс маркази ҳамда Бухгалтерия ҳисоби бўйича ресурс марказига юклатилган вази-

фаларни амалга ошириш учун 500 миллион сўмдан маблағ ажратсин. Бундада, 2021 йил харажатлари республика бюджетининг қўшимча даромадлари хисобидан қопланади.

8. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Молия вазирлиги хузуридаги ўқув маркази ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказишга тайёрлаш доирасида юқоридаги олий таълим муассасаларининг ҳар бирига 2022 йилда 100 миллион сўмдан маблағ ажратилади;

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти халқаро аккредитациядан ўтган тақдирда, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун 2023 йилда 1 миллиард сўмдан бир марталик рағбатлантириш маблағлари ажратилади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ушбу бандда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш учун тегишли маблағларни 2022 — 2023 йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

9. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб халқ таълими вазири Ш. Шерматов, олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А. Тошкулов, молия вазири Т. Ишметов, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У. Ташкенбаев белгилансин.

Карор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринbosари Ж.А. Қўчкоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 июнь,
ПҚ-5161-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

369 Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг кўлламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор равишда холисона кўриб чиқиш, ҳаракатлашиб эркинлиги чекланган шахслар сакланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали хуқуқий механизmlарни яратиш ишларини давом эттириш лозим.

Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизmlарни такомиллаштириш, «Ёшларни кўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуидагилар қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаш (кейинги ўринларда — қийноққа солиш) ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самародорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар этиб белгилансин:

қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими халқаро хукуқнинг инсон хукуклари соҳасидаги умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштириш;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан инсон хукуклари бўйича миллий институтларга юборилган мурожаатларнинг муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилмаслигини ҳамда қабул қилувчига зудлик билан юборилишини қатъий таъминлаш;

қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларнинг тезкор ва холисона кўриб чиқилиши ҳамда айбор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилиши механизмини такомиллаштириш;

қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, хукукий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларга етказилган зарарнинг компенсация килинишини таъминлаш;

қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фолиятига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолият натижалари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

қийноққа солишнинг олдини олиш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг миллий институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2. Олий Мажлис палаталари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқулланисин:

а) Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (кейинги ўринларда — Омбудсман) ҳузуридаги эксперт гурухи негизида Омбудсман ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гурухларини (кейинги ўринларда — Жамоатчилик гурухлари) ташкил этиш ва уларнинг асосий вазифалари этиб қўйидагиларни белгилаш:

гауптваҳта, маҳсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсонаси, тергов ҳибсонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида (кейинги ўринларда — ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар) қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга ошириш;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақлаш шарт-шароитларини ўрганиш ва улар юзасидан ахборотларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш;

қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқишида иштирок этиш;

қийноққа солиш ҳолатларини экспертлик баҳолаш масалалари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишида иштирок этиш;

қийноққа солиши хавфининг олдини олиш ҳамда бу соҳада илғор хорижий тажрибани жорий қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

б) Жамоатчилик гурухлари таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини жалб қилиш ва бунда уларнинг мониторинг ташрифларини амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлишини ҳамда гендер тенглиги таъминланишини ҳисобга олиш;

в) Омбудсман томонидан ҳар йили 15 марта қадар Олий Мажлис палаталарига қийноққа солиши ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муносабат ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маърузани тақдим этиш ва уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Жамоатчилик гурухларига харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиши ҳамда сухбатлашиши, шунингдек, тегишли хужжатлар билан танишиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлади;

давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Жамоатчилик гурухларининг фаолиятини амалга оширишига кўмаклашади;

Жамоатчилик гурухлари аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш мониторинг ташрифлари ўтказиладиган муассаса маъмурияти зиммасига юклатилиди;

Жамоатчилик гурухлари аъзолари қонунчиликка зид харакат қилган тақдирда мониторинг ташрифлари ўтказилаётган муассаса маъмурияти рахбари бу ҳақида Омбудсманни ёзма равишда хабардор қилади.

4. Куйидагилар:

а) харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, харакатланиш эркинлиги чекланган шахсни қабул қилишга асос бўйган хужжат нусхаси ва ушбу шахс ҳақидаги маълумотлар шахс ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган вактдан бошлаб уларнинг маъмурияти томонидан дарҳол ягона электрон реестрга киритиб борилади ва суд, хукуқни муҳофаза килувчи органлар ҳамда Омбудсман учун мазкур маълумотлар билан танишиш имконияти яратилади.

Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 декабрга қадар ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва самарали йўлга қўйилишини таъминласин;

б) харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан қийноқлар бўйича амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқкан ҳолда адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали мурожаат қилиш амалиёти такомиллаштирилсин.

Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 ноябрга қадар мазкур масалани назарда тутувчи норматив-хукукий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

5. Инсон ҳуқуqlари бўйича Миллий марказ:

Омбудсман ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда БМТнинг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи»га (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсин;

Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан

биргаликда уч ой муддатда қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Мажкамасига киритсин;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги ва Баш прокуратура билан биргаликда тезкор-қиди्रув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиб бўйича ўкув курсларини ташкил этиш чораларини кўрсинг.

6. Баш прокуратура, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ 2021 йил 1 декабрга қадар Жиноят кодексида қийноққа солиш учун жавобгарлик белгиловчи нормаларни БМТнинг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси» (Нью-Йорк, 1984 йил 10 декабря) талабларига мувофиқлаштириш мақсадида қонун хужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

7. Ички ишлар вазирлиги, Баш прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизмати қийноққа солиш ҳолатлари бўйича, жумладан, Жамоатчилик гурухлари томонидан аниқланган ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан зудлик билан қонуний чоралар кўрилишини таъминласин.

8. Олий Мажлис палаталарига:

Жамоатчилик гурухларини шакллантириш, фаолиятини ташкил қилиш ва мониторинг ўтказиш тартибини назарда тутувчи қонун хужжатларини қабул қилиш;

Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича иш фаолияти кўлами ортишини инобатга олиб, Омбудсман Котибияти тузилмасида бошқарув ходимларининг чекланган сонини қайта кўриб чиқиши тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг тушунтирилишини, Жамоатчилик гурухлари фаолияти ва мониторинг ташрифлари мунтазам ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 июнь,
ПҚ-5163-сон

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
КАРОРИ

370 Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, худудлардаги аҳоли онгида тадбиркорлик орқали ҳаёт тарзини яхшилашга интилиш хиссими уйғотиш ҳамда бу борада уларни рафбатлантириш ва давлат томонидан янада қўллаб-кувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорига мувофиқ аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ва тадбиркорликка жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг қўйидагиларни назарда тутувчи тартиби ўрнатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

белгиланган дастурлар ва талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган микдорини давлат томонидан компенсация қилиш;

касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффакиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Тадбиркорлик фаолиятни

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 июнда эълон қилинган.

тини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан танлов асосида 5 йил муддатга, шу жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз ажратиш.

2. Куйидагилар:

аҳолини, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурини амалга ошириш ва ўқув курсларини ташкил этиш жараёнига нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилишни назарда тутувчи Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш, уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

аҳолини касб-хунар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бўлган қизиқиши ва манфаатдорлигини оширишни назарда тутувчи Тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорликка ўқитишда иштирок этувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестри (кейинги ўринларда — реестр) 2021 йил 20 июлга қадар шакллантирилади, 2022 йилдан бошлиб ушбу қарорга 1-иловада белгиланганд муддатларда маҳсус ташкил этиладиган ахборот тизимида юритилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорига мувофиқ ажратилган 2 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун қарз ажратиш бўйича танлов 2021 йил 20 июлга қадар эълон қилинади ва 2021 йил 1 августга қадар ўtkазилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси икки ҳафта муддатда нодавлат таълим ташкилотларининг рўйхатини ҳудудлар кесимида шакллантириб, реестрга киритиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазирилиги хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги:

а) бир ой муддатда реестрни шакллантирган ҳолда ўзининг веб-саҳифасига жойлаштирасин;

б) 2021 йил 1 ноябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки билан биргалиқда қўйидаги имкониятларга эга ахборот тизимининг ишга туширилишини таъминласин:

реестрни шакллантириш ва юритиш;

тегишли идораларнинг дастурий таъминотлари билан интеграция қилган ҳолда, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш;

нодавлат таълим ташкилотлари ва мутасадди идоралар ўртасида ўқувчиликнинг давоматини реал вақт режимида мониторинг қилиш;

сертификатга эга бўлган битирувчилар тўғрисида маълумотлар олиш;

тадбиркорлик бўйича ўқув курсларини тамомлаб ва кейинчалик микрокредит олиб, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиб бориши.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 июнь,
388-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 388-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиши дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш, уларнинг ўқитишига сарфланган харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиши дастурларини амалга ошириш, уларда иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш ҳамда улар-

нинг ўқитишга сарфланган харажатларини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги;

Жамғарма — Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридағи Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси;

нодавлат таълим ташкилотлари (НТТ) — ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитишни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари;

электрон реестр — ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи НТТлар тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни ўзида жамлайдиган электрон ахборот тизими;

ўқув юкламаси — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан ишлаб чиқилиб, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ваколатли давлат органи билан биргаликда тасдиқланадиган касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича фанларнинг минимал ўналишлари, микдори ва ўқув соатини ўзида мужассамлаштирган қўшма ўёрикнома;

ўқув дастури — ўқув юкламаси асосида НТТ томонидан ишлаб чиқладиган ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича фаннинг мазмуни ва ўтилиш тартиби, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва қўникмаларнинг ҳажмини белгилаб берадиган дарслар мажмуаси;

ўқув курслари — ўқув дастури асосида ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича НТТ дарслар тўплами;

ўқув курс тингловчилари (битиравчилари) — ўқув дастури асосида касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича НТТ томонидан ташкил этилган ўқув курсларида таҳсил олаётган (битирган) ёшлар ва хотин-қизлар;

сертификат — НТТ томонидан ташкил этилган ўқув курсларини муваффакиятли битириб, якуний имтиҳон натижаларига кўра 71 ва ундан юқори балл тўплаган битиравчиларга мазкур низомга 1-илова қилинган намуна асосида тақдим этиладиган малакавий хужжат;

компенсация — электрон реестрга киритилган, сертификатга эга бўлган ўқув курслари битиравчиларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитган НТТга сарфланган харажатларининг 70 фоизини, бирор сертификатга эга бўлган ҳар бир битиравчига 1 миллион сўмдан ошмаган қисмини қоплаш мақсадида тўланадиган маблаг;

микрокредит — ўқув курсларини муваффакиятли битириб, сертификатга эга битиравчиларга «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки томонидан ажратиладиган имтиёзли микрокредитлар.

3. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш

дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш, уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Электрон реестрни шакллантириш

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан худудларда фаолият юритаётган НТТларнинг рўйхати ҳар йили 1 декабрга қадар ваколатли давлат органига кўриб чиқиш ва электрон реестрга киритиш учун тақдим этилади.

5. Рўйхатда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

СТИР рақами;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти бўйича лицензия ёки хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома реквизитлари; ўқув курсларининг йўналишлари;

ўқув курсларини олиб борадиган ўқитувчи, уста ва мураббийлар сони (соҳалар кесимида);

ўқув ва дарс жараёнларини ташкил этиш учун синфхоналар, машғулот хоналари ва бошқа зарурий ишлаб чиқариш майдонларининг мавжудлиги;

ўқув курсларининг умумий жой ўринлари;

ўқув жихозлари ва бошқа зарурий воситалар билан таъминланганлиги; мавжуд филиаллари ва уларнинг манзиллари (агар мавжуд бўлса);

халқаро ташкилотлар томонидан берилган сертификатлари (агар мавжуд бўлса).

6. Рўйхатга киритиш учун НТТлар электрон реестрга киритиш, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этиши учун ҳар йили 1 ноябрга қадар Инспекцияга ариза тақдим этади.

7. НТТлар электрон реестрга киришлари учун мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган талабларга жавоб беришлари керак.

Мазкур талаблар таъминланмаган тақдирда, ушбу НТТлар электрон реестрга киритилмайди ҳамда ваколатли давлат органи томонидан икки ишкуни ичидан бу ҳақда Инспекцияга ёзма ёки электрон шаклда хабар юборилиди ва тақдим этилган хужжатлар қайтарилади.

Инспекция бир иш куни ичидан хужжатлар қайтарилганлиги тўғрисида тегишли НТТларни хабардор қиласи.

НТТлар хабарнома олинган кундан бошлаб уч иш куни ичидан, камчиликлар бартараф этилиб, мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тегишли маълумотлар ва хужжатлар тақдим этилгандан сўнг, Инспекция уларнинг маълумотлари ва рўйхатини икки иш куни ичидан такроран ваколатли давлат органига киритиши мумкин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Такоран тақдим этилган хужжатлар ваколатли давлат органи томонидан ушбу низомнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган талаблар асосида қайта кўриб чиқилади.

8. Ваколатли давлат органига тақдим этилган маълумот ва хужжатларнинг ҳаққонийлиги учун Инспекция ва НТТлар раҳбарлари шахсан масъул ҳамда жавобгар ҳисобланади.

НТТларнинг мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги, шунингдек, тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги идоралараро электрон ҳамкорлик орқали текширилади, зарур ҳолларда, ваколатли давлат органининг ҳудудлардаги ваколатли оғисларининг масъул ходимлари томонидан бевосита жойига чиқкан ҳолда ўрганилиши мумкин.

9. Инспекция томонидан тақдим этилган рўйхатни кўриб чиқиш ва умумлаштириш асосида, ҳар йили 1 январга қадар ваколатли давлат органи томонидан НТТларнинг электрон реестри шакллантирилади.

Электрон реестр ваколатли давлат органининг веб-саҳифасига жойлаштирилади.

Электрон реестрга Инспекциянинг таклифига кўра, ваколатли давлат органи томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

10. Зарурий ҳолларда, электрон реестрга киритилган маълумотлар манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг бошқа электрон ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши мумкин.

3-боб. Ўқув дастурини амалга ошириш ва ўқув курсларини ташкил этиш

11. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш, уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш 3-ило-вада келтирилган касблар рўйхати доирасида амалга оширилади.

Бунда, касбларнинг долзарблиги ҳамда меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф кўрсаткичларидан келиб чиқкан ҳолда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг таклифлари асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мажхалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда касблар рўйхатига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

12. НТТлар томонидан ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш ўқув дастурлари ва ўқув курслари асосида ташкил этилади.

13. Ўқув курсларининг умумий давомийлиги 40 соатдан кам бўлмаган ҳолда белгиланади, бунда дарс соатларининг тахминан:

70 фоиз қисми касб-хунар ва тадбиркорлик асосларини;

10 фоиз қисми тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик талаблари, тадбиркорларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини;

10 фоиз қисми бизнес-режалар тузиш ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни;

10 фоиз қисми маркетинг, менежмент ва тадбиркорлик этикаси, ҳамкорлар ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш ва муомала маданиятини ўргатишига қаратиш тавсия этилади.

14. Ўқув дастурлари асосида ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш истагини билдирган — электрон реестрга киритилган НТТлар ўқув курслари бошланишидан камида уч кун олдин туман (шахар) бандликка кўмаклашиш марказлари ва ваколатли давлат органининг худудлардаги ваколатли оғисларига расмий хабарнома йўллайди. Хабарномада ўқитиш жойи, ўқитиш йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар акс этирилади ва тингловчилари рўйхати илова қилинади.

НТТлар ўқув дастурлари доирасида тингловчиларни шартнома ва тўлов асосида ўқишига қабул қиласи.

15. Ўқув курслари юқори малака ва тажрибага эга мутахассислар, ўқитувчилар, усталар ва мураббийлар томонидан замонавий технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда анъанавий усулда олиб борилади.

16. НТТлар томонидан тингловчиларнинг ўқув жараёнида иштирок этишлари ва давомати мунтазам мониторинг қилиб борилади.

НТТлар ўртасида тингловчиларнинг давомати ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали ваколатли давлат органи томонидан реал вақт (онлайн) режимида мониторинг қилинади.

Ўқув жараёnlари танланма асосида туман (шахар) бандликка кўмаклашиш марказлари, ваколатли давлат органининг худудлардаги ваколатли оғислари томонидан бевосита жойига чиқсан ҳолда кузатиб борилиши мумкин.

17. Ўқув курслари якунланишидан икки кун олдин НТТлар туман (шахар) бандликка кўмаклашиш марказларига битирувчиларни тест синовидан ўтказиши ташкил этиш учун расмий хабарнома тақдим этиади.

Ўқув курслари якунларига кўра тингловчилар туман (шахар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан Махалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг худудий бўлинмалари ва бошқа тегишли худудий ташкилот (идоралар)нинг вакилларини жалб қилган ҳолда реал вақт (онлайн) режимида замонавий ахборот технологиялари воситаларини қўллаган ҳолда тест ва имтиҳон синовидан ўтказилади. Шунингдек, зарурий ҳолларда, тингловчилардан амалий имтиҳонлар ҳам олиниши мумкин.

18. Тестлар, имтиҳон саволномалари ва амалий имтиҳон вазифалари ҳар бир ўқув курси йўналишидан келиб чиқсан ҳолда, ўқув юкламалари ва ўқув дастурлари талаблари асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар билан биргалинда шакллантирилади.

19. Имтиҳонларнинг энг юқори бали 100 балл этиб белгиланади.

20. Якуний имтиҳон синовлари натижасида 71 ва ундан юқори балл тўплаган битирувчиларга НТТ томонидан сертификат берилади.

**4-боб. Ўқув курслари битирувчиларининг ўқитиш
харажатларини қоплаб бериш**

21. Ўқув курсларини тамомлаган ва сертификатга эга бўлган битирувчиларга касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича НТТлар сарфлаган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ сертификатга эга бўлган ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори Жамғарма томонидан компенсация қилинади.

Бунда, компенсация миқдори НТТ ва битирувчи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган харажатлар миқдори асосида амалга оширилади.

22. Ўқув курсларини тамомлаган ва сертификатга эга бўлган битирувчиларга касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича сарфлаган харажатларини қоплаб бериш учун НТТлар томонидан Жамғармaga қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда расмий мурожаат қилинади:

НТТ ва тингловчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

сертификат олган битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

ўқитиш харажатлари учун битирувчи томонидан амалга оширилган тўловни тасдиқловчи хужжатлар (қофоз ёки электрон шаклда) нусхалари (квитанция, чек ва бошқалар).

Мурожаатнома ва хужжатларни кўриб чиқиши якунлари асосида Жамғарма ва НТТлар ўртасида ўзаро шартнома тузилади.

Агарда мазкур хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса, Жамғарма ва НТТ ўртасида шартнома тузилмайди ва бир иш куни ичидан бу ҳақда НТТ ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади ҳамда тақдим этилган хужжатлар қайтарилади.

НТТлар камчиликлар бартараф этилгандан сўнг тақороран мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнода Жамғарма томонидан НТТларга белгиланган компенсация маблағлари ўтказиб берилади.

НТТлар Жамғармадан олинган компенсация маблағларини сертификат олган битирувчиларга икки иш куни муддатида қайтариб беради.

5-боб. Якуний қоида

23. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-куvvatlash вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк» АТБ, АТ Халқ банки ва уларнинг худудий бўлинмалари ҳамда ваколатли давлат органи ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш тизими бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади.

24. Ушбу низом талабларини бузган шахслар қонунчилик хужжатла-рига мувофиқ жавоб беради.

Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар хамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш, уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастури бўйича ўқув курсларини муваффақиятли якунлаганлик тўғрисидаги сертификат намунаси

(титул вараги)

ЛОГОТИП ЎРНИ

(nodavlat ta'lif tashkiloti nomi)

**KASB-HUNAR VA TADBIRKORLIKKA O'QITISH DASTURI
BO'YICHA O'QUV KURSLARINI MUVAFFAQIYATLI
YAKUNLAGANLIK TO'G'RISIDA SERTIFIKAT
№ 000000**

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

«
yo'nalishi bo'yicha o'quv kurslarini muvaffaqiyatli tugatdi.
»

(direktor F.I.O)

muhr o'rni

(imzo)

20____ yil «____» _____
(berilgan sana)

_____ viloyati _____ tumani/shahri

Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш, уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ЗИЛОВА

Нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ёшлар ва аёлларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича КАСБЛАР РЎЙХАТИ

1. Пазандалик, ошпазлик ва новвойлик.
2. Овқатланиш хизматларини ташкил этиш ва бошқариш.
3. Қандолатчилик, пазандачилик ва карвинг.
4. Тикувчилик (тўқимачилик соҳасининг барча турдаги хизматлари).
5. Гилам тўқиши.
6. Чарм-тери маҳсулотлари ва пойабзал тикиш, таъмирлаш.
7. Зардўзлик, каштачилик ва газламаларга гул босиш.
8. Заргарлик ва бижутерия тайёрлаш.
9. Сартарошлик, маникюр, педикюр хизматлари.
10. Косметолог
11. Ўй ҳамширалиги, болалар ва қариялар парвариши.
12. Кир ювиш ва дазмоллаш хизматлари.
13. Кўп қаватли ўйлар ва биноларга техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация ва жорий таъмирлаш.
14. Умумий қурилиш ишлари (бетон қўйиш, фишт ва кафель териш, сувокчилик, бўёқчилик ва пардозлаш ишлари).
15. Дарвоза, эшик ва деразалар ясаш ва таъмирлаш (ёғоч, пластик, металл ва бошқа).
16. Слесарь, токарь ва металларга ишлов бериш, буюмлар ясаш.
17. Дурадгорлик, ёғоч буюмларини ясаш.
18. Ўймакорлик ва ганчкорлик.
19. Кулолчилик.
20. Тош, мармар, гранит ва бошқа инерт материалларга ишлов бериш.
21. Ҳайкалтарошлик ҳамда кичик меъморий шаклларни ясаш ва ўрнатиш.
22. Миллий мусиқа асбобларини ясаш ва таъмирлаш.
23. Мебелсозлик
24. Сантехника ускуналарини ўрнатиш ва таъмирлаш.
25. Электропайванд, электромонтёрлик хизмати.
26. Маиший техникалар, компьютер ва офис жиҳозларини ўрнатиш, тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш.
27. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.
28. Ободонлаштириш ва ландшафт дизайн ишларини ташкил этиш.

29. Гул етиштириш, гулчамбарлар, гулли безак ва декорациялар тайёрлаш.

30. Тантаналар, маросимлар, тўй ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда бадиий безаш ишларини амалга ошириш.

31. Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобиль иловалар ва вебсайтларни ишлаб чиқиш, техник қўллаб-қувватлаш (дастурчи, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис).

32. Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интеръер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, визуаллаштирувчи дизайнер, техник дизайнер, моушн-дизайнер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор ва бошқалар).

33. Матнни яратиш ва ишлов бериш (копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, контент-менежер, муҳаррирлик хизматларини ташкил этиш).

34. Ижтимоий тармоқлардаги фаолият (PR-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарларни (ишларни, хизматларни) илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, маркетолог, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, SMO мутахассиси).

35. Кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менежер, фрилансерлар гурухи раҳбари, HR-менежер, рекрутер, шахсий ассистент).

36. Онлайн консультация бериш (онлайн-консультант, онлайн-тренер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб борувчи).

37. Бухгалтерия хисоби.

38. Брокерлик, риэлторлик, баҳолаш ишлари.

39. Декларант (ташқи иқтисодий фаолият ва божхона иши расмиятчилиги).

40. Логистика (юк ва йўловчи ташиш хизмати оператори).

41. Маркетинг хизматлари ҳамда товар ва хизматлар рекламасини ташкил этиш.

42. Туризм, меҳмонхона ва гид хизматлари.

43. Босма нашрларни ишлаб чиқариш ва чакана савдо қилиш.

44. Чорвачилик хўжаликларини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш.

45. Паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш.

46. Асаларичилик хўжаликларини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш.

47. Балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш.

48. Ветеринария ва зоотехника.

49. Қассобчилик ва күшхона хизматлари.

50. Интенсив боғбонлик, мевали ва манзарали дараҳтлар етиштириш ва уларни парваришлаш.

51. Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, юритиш ва маҳсулотлар етиштириш.
52. Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш хизматлари.
53. Мева-сабзавотларни саралаш, сақлаш, қадоклаш ва бирламчи қайта ишлаш.
54. Тиш техники.

Вазирлар Мажкамасининг
202. йил 22 июндаги 388-сонли қарорига
2-ИЛОВА

**Тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар,
шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга микрокредитлар
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизими니 такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорига мувофиқ жорий этилган тизим асосида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ва акциядорлик-тижорат Халқ банки (кейинги ўринларда — банк) томонидан кредитлар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
қарз олувчилар — тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар, шунингдек, микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахслар;

кредит линияси — банк билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамгармаси (кейинги ўринларда — Жамгарма) ўртасида тузилган шартномаларга (бош келишувга) асосан қарз олувчиларга кредит ажратиш учун очилган кредит линиялари;

ўқув юкламаси — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ваколатли давлат органи билан биргаликда тасдиқланадиган касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича фанларнинг минимал йўналишлари, миқдори ва ўқув соатини ўзида мужассамлаштирган қўшма йўриқнома;

ўқув дастури — ўқув юкламаси асосида НТТ томонидан ишлаб чиқиладиган ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича фаннинг мазмуни ва ўтилиш тартиби, ўқувчилар томони-

дан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва кўникмаларнинг ҳажмини бел-гилаб берадиган дарслар мажмуаси;

ўқув курслари — ўқув дастури асосида ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш бўйича НТТ дарслар тўплами;

ўқув курс тингловчилари (битирувчилари) — ўқув дастури асосида касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича НТТ томонидан ташкил этилган ўқув курсларида таҳсил олаётган (битирган) ёшлар ва хотин-қизлар;

сертификат — НТТ томонидан ташкил этилган ўқув курсларини муваффақиятли битириб, якуний имтиҳон натижаларига кўра 71 ва ундан юқори балл тўплаган битирувчиларга тақдим этиладиган намунавий шаклдаги малакавий хужжат;

электрон реестр — ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи НТТлар тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни ўзида жамлайдиган электрон ахборот тизими;

микрокредит — ўқув курсларини муваффақиятли битириб, сертификатга эга битирувчиларга банк томонидан ажратиладиган имтиёзли микрокредитлар.

3. Тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга микрокредитлар ажратиш ушбу Низомга илова-даги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Мазкур Низомга мувофиқ, кредит электрон реестрга киритилган НТТларнинг ўқув курсларини якунлаб, сертификатга эга ташаббускорларга Жамғарма билан банк ўртасида тузилган бош келишувга асосан ажратиладиган маблағлар доирасида берилади.

5. Микрокредитларнинг ўз вактида ажратилишини таъминлаш ва сертификат олган шахслар тўғрисида маълумот алмасиши мақсадида, банк билан микрокредитлаш дастурларида иштирок этаётган ўқув курслари якунлари бўйича НТТлар томонидан сертификат берилган шахслар тўғрисида ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилади.

2-боб. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш жараёни

6. Карз олувчилар ўз фаолиятини амалга ошириш юзасидан маслаҳатлар олиш ёки юзага келган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, бошқа турли масалаларда ҳамкорлик қилиш мақсадида банкка мурожаат қилишлари мумкин.

Мижоз ва банк ўртасидаги муносабатлар Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси орқали банк филиалига ёки банк хизматлари марказига ташриф буюриш, «Call» марказга мурожаат қилиш, SMS хабарнома жўнатиш, банкнинг интернетдаги сахифаси орқали мурожаат қилиш, шунингдек, «Telegram.bot» орқали амалга оширилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Микрокредитларни ажратиш тартиби

7. Микрокредитлар қарз олувчиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади.

8. Банк томонидан сертификат олган:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдорда;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Ушбу бандда назарда тутилган мезон асосида кредит бир қарз олувчи-га бир маротаба ажратилади.

9. Қарз олувчи банк билан тузилган кредит шартномаси доирасида кредитнинг керакли қисмидан фойдаланиши мумкин.

10. Мазкур микрокредитлар банкда алоҳида ҳисобваракларда юритилади.

11. Микрокредитлар:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайта-риш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачиликни амалга ошириш;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш учун ажратилмайди.

12. Микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан, ёшларнинг бизнес лойиҳаларига эса кредитларни қайтариш имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, 7 йилгача муддатга, 3 йилгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

13. Қарз олувчи — ёшлар ва хотин-қизларга микрокредитлар уларнинг талабига биноан жами кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда нақд пулда ажратилади.

4-боб. Микрокредитларни расмийлаштириш

14. Қарз олувчилар кредит олиш учун банкка электрон ариза билан мурожаат қиласи. Бунда, қарз олувчи тўғрисида маълумотлар, шунингдек, микрокредит олиш хуқуқини берувчи сертификат тўғрисидаги маълумот тақдим этилади.

15. Ариза банкка келиб тушган куннинг кунидан кечикмасдан банк масъул ходими томонидан кредит олиш бўйича банкнинг энг қулай филиали ёки банк хизматлари марказига мурожаат қилиш ва тегишли хужжатларни тақдим этиш юзасидан қарз олувчига таклиф жўнатилади.

Шунингдек, банк масъул ходими (андеррайтер) томонидан скоринг тизими асосида лойиҳани молиялаштириш юзасидан чиқарилган ижобий ёки салбий қарори қарз олувчига ва Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига тақдим этилади. Скоринг таҳлилида қарз олувчининг қўйидаги маълуомтлари ўрганилади:

кредит тарихи;
мазкур йўналишлар бўйича кредитларининг мавжудлиги;
қайси ўқув марказини битирганлиги;
тадбиркорлик учун танланган йўналиши;
киритилган маълумотларнинг хаққонийлиги.

16. Электрон аризадаги маълумотлар ва тақдим этилган хужжатларда-
ги маълумотларнинг бир-бирига мос бўлишини таъминлаш қарз олувчининг
зиммасида бўлади.

17. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботлари тўғрисида-
ги маълумотлар тегишли ташкилотдан электрон тарзда қабул қилиб оли-
ниши мумкин.

18. Банк жисмоний шахс бўлган қарз олувчиларга микрокредитларни
таъминотсиз ажратади. Кредитларнинг қайтмаслик хатари банк томонидан
суғурталанади.

19. Қарз олувчи — микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахс-
лар кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қўйидаги таъми-
нот турларидан бирини тақдим этади:

учинчи шахс кафиллиги;
суғурта полислари;
кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар;
Агентлик ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш дав-
лат жамғармасининг кафиллиги;
қонунчилик хужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари.
20. Банк қарз олувчиларга кредит беришда кредитнинг умумий сумма-
сида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ
харажатларни ҳисобга олиш ҳукуқига эга.

5-боб. Кредитларни мониторинг қилиш ва сўндириш

21. Банк қарз олувчига ажратилган кредитнинг мақсадли ишлатилиши
юзасидан мониторингни амалга оширади. Бунда, кредитнинг мақсадли иш-
латилиши юзасидан тузилган далолатнома нусхаси Банкнинг электрон плат-
формасига бириктириб борилади.

22. Банк кредитдан фойдаланишнинг муддати давомида доимий мони-
торинг ўтказади. Банкда микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини дои-
мий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва кўмак бериш институти
шакллантирилади. Бунда, масъул ходим кредитларни сўнгги муддатига қадар
кузатиш билан шуғулланади. Мониторинг тизими мижозга йўналтирилган-
лик услубида амалга оширилади.

23. Олинган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланилганлик ёки кредит
маблағларини талон-торож қилинганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда,
банк кредит шартномасида белгиланган тартибда кредитнинг мақсадсиз иш-
латилган қисмини ёки талон-торож қилинган суммани белгиланган тартиб-
да қарз олувчидан муддатидан илгари ундириб олиш ҳукуқига эга.

24. Қарздор кредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни

шартнома шартлари асосида тўлашдан бош тортган ҳолларда, банк томонидан қонун хужжатларида белгиланган чоралар кўрилади.

Карз олувчининг гаров таъминоти кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қайтаришга етмаган тақдирда, банк мазкур қарзни қайтаришни қарз олувчининг ликвидли мол-мулкига қаратиши мумкин.

25. Сертификатга эга қарз олувчилар, уларнинг қарздан фойдаланиш йўналишлари ва натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар Банк томонидан ҳар ойнинг 5-санасига қадар Агентликка тақдим этиб борилади.

6-боб. Якуний қоида

26. Ушбу низом талабларини бузган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 388-сонли қарорига
3-ИЛОВА

**Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ҳамда
унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат
нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-
куватлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда — ННТ) ва микрокредит ташкилотлари ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан имтиёзли шартлар асосида қарз ажратиш тизимини белгилайди.

2. Мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ушбу мақсад учун ажратилган маблағлар ННТларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш учун бериладиган қарзларнинг молиялаштириш манбай ҳисобланади.

3. Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ҳамда унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Танлов ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

4. Агентлик томонидан мазкур низомнинг 2-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қарз ажратиш ННТлар орасида очик танлов асосида амалга оширилади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун Агентлик томонидан Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди вакилларидан иборат таркибда танлов комиссияси тузилади.

Танлов комиссияси регламенти ва танлов қоидалари Комиссия томонидан тасдиқланади.

ННТлар танловда иштирок этиш учун Агентликка мурожаат қиласи хамда мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган асосий мезонларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

5. Куйидагилар баҳолашнинг ва лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

ННТ камида бир йил давомида фаолият юритиб келаётганлиги, ўқув курслари мавжудлиги, унинг сифати, ўқув курслари билан қамраб олинган худуд ва аҳоли сони;

кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳасида замонавий ўқув модуллари ва механизmlарининг назарда тутилганлиги;

войиҳанинг техник-иктисодий асосланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

войиҳани бажариш учун тажрибали ва касбий қўнималарга эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

ННТ томонидан ажратилиши режалаштирилган микроқарз фоиз ставкаси.

6. Агентлик томонидан ҳар йили 1 июлга қадар келгусида амалга ошириладиган лойиҳалар учун ННТлар ўртасида танлов эълон қилинади.

Танлов ўтказилиши учун камида иккита таклиф келиб тушган бўлиши лозим. Агарда белгиланган миқдордаги таклиф келиб тушмаса, танлов қайтадан эълон қилинади.

Танловлар бўйича эълонлар ва маълумотлар, шунингдек, танловларнинг натижалари хамда ННТлар фаолиятини қўллаб-куватлаш доирасида ажратилган маблағларнинг тақсимланиши, ишлатилиши тўғрисидаги ҳисботлар Агентликнинг расмий веб-саҳифасида ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Агентлик ННТлар ўртасида танловнинг ошкоралик ва очик-ойдинликни таъминлаш принциплари асосида амалга оширилишини таъминлайди.

7. Танловлар 1 августга қадар ўтказилиб, уларнинг натижалари асосида ғолиб деб топилган ННТлар билан Жамғарма ўртасида ижтимоий шериклик бўйича шартномаси (кейинги ўринларда — шартнома) тузилади.

Шартномада кўрсатилган миқдордаги қарз Жамғарма томонидан ННТларга ажратиб берилади.

8. Шартномада томонларнинг мажбуриятлари белгилаб берилади. Жумладан, бунда ресурсларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши, қарзларни ва фоизларини қайтариш шартлари, муддатлари ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа шартлар кўрсатиб ўтилади.

9. Танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

З-боб. Қарз ажратиш тартиби

10. ННТлар томонидан ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун Жамғарма томонидан танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз ажратилади.

Жамғарма томонидан ресурслар ушбу мақсадга ажратилган маблағлар қолдиғи доирасида ажратилади.

11. Шартнома тузилгандан кейин ўн иш куни ичида Жамғарма томонидан ННТнинг маҳсус ҳисобварафига қарз тўлиқ ўtkазиб берилади.

12. ННТлар томонидан ўзларига ажратилган қарзнинг бир қисмини микрокредит ташкилотларига шартнома асосида ресурс сифатида жойлаштирилиши мумкин.

13. ННТлар томонидан жойлаштирилган ресурс маблағлари ҳисобидан микроқарзлар микрокредит ташкилотлари томонидан ёшлар ва хотин-қизларга кўйидаги шартларда ажратилади:

қарз олувчи ННТларнинг молиявий саводхонликни ошириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларни шакллантиришга қаратилган дастурлари талабларига мос келиши;

микроқарзлар тадбиркорлик фаолияти ва даромад олишга қаратилган мақсадлар учун бир қарз олувчига 25 миллион сўмгача миқдорда ажратилиши лозим.

Микрокредит ташкилотлари қарз олувчи томонидан шартномага мувафиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартисиз, шу жумладан, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиган гурух кафиллиги асосида микромолиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли.

14. ННТларга ажратилган қарзларнинг ҳамда микрокредит ташкилотларига жойлаштирилган ресурс ҳисобидан ёшлар ва хотин-қизлар томонидан олинган микроқарзларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан ННТлар томонидан мунтазам мониторинг олиб борилади. Бунда микроқарз олган ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва қўмак бериш йўлга қўйилади.

Мазкур мониторинг ва кузатиб бориш натижалари юзасидан ННТлар томонидан ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Агентликка батафсил ахборот тақдим этиб борилади.

15. Агентлик томонидан ажратилган ресурс маблағларидан самарасиз

ва мақсадсиз фойдаланганлик ҳолатлари аниқлаганда Жамғарма ННТдан ресурсларнинг тегишли қисмини ва унга хисобланган фоизларни муддатидан аввал қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Бунда, Жамғарма ННТга акцептсиз талабнома қўяди. Ушбу талаблар шартномада кўрсатилади.

16. ННТлар томонидан олинган қарз ва уларга хисобланган фоизлар Жамғармага шартномада кўрсатилган муддатларда қайтарилади.

4-боб. Якунловчи коидалар

17. Жамғарма маблағларини олувчилар Жамғарма тақдим этган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш юзасидан қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

18. ННТларга ажратилган қарзларнинг самарали ва мақсадли фойдаланиши юзасидан Агентлик томонидан мунтазам мониторинг юритилади.

19. Ушбу Низом талабарини бузган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

371 Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларни тас- диқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон қарори ижросини таъминлаш максадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласи:**

1. Қуидагилар:

давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари, давлат ер кадастрини юритишининг асосий принциплари ҳамда давлат ер кадастрини юритишида Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг вазифаларини назарда тутувчи Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри таркиби, босқичлари ҳамда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 июнда эълон килинган.

бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритишни ташкил этишни назарда тутивчи Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

ер участкаси, бино ва иншоотлар ҳамда кўп йиллик дарахтларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш, кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кадастр йиғмажилдини шакллантириш натижасида кадастр паспортини расмийлаштириши назарда тутивчи Кўчмас мулк обьектига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул килган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 июнь,
389-сон

Вазирлар Мажкамасининг
2021 йил 22 июндаги 389-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат ер кадастрини юритиш тартибини белгилайди.

Давлат ер кадастри ерларни хисобга олиш, ер участкаларига бўлган хукуқлар кафолатланишини таъминлаш, ернинг табиий хоссаларини, ердан фойдаланишини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш мақсадида юритилади.

2. Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми хисобланиб, ерларнинг табиий, хўжалик, хукукий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги таксимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда хуҷжатлар тизимидан иборатdir.

3. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди давлат ер кадастри объекти ҳисобланади.

4. Ер кадастри маълумотларини ишлаб чиқиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириш, тизимлаштириш, саклаш, янгилаш ҳамда фойдаланувчиларга ер кадастри тўғрисида ишончли маълумотлар тақдим этиш давлат ер кадастрининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Давлат ер кадастрини юритиш аэрокосмик суратга олиш, топографик-геодезик, картографик, тупроқ, агрокимёвий, геоботаник тадқиқотлар ва бошқа тадқиқотлар ҳамда изланишлар олиб бориш, ерларнинг микдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиниши ва баҳоланиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали таъминланади.

5. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер тузилишини ташкил этиш, ер учун ҳақ тўлаш микдорларини асослаш, хўжалик фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган.

6. Куйидагилар давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ҳисобланади:

ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларга бўлган мулк ёки ижара хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, сервитутларни ва ушбу хуқуқларга доир бошқа чеклашларни ҳисобга олиш;

ер микдорини ҳисобга олиш;

ер сифатини ҳисобга олиш (тупроқ бонитетини аниқлаш);

ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш.

7. Куйидагилар давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

республиканинг бутун худудини қамраб олиш;

фазовий координатларнинг ягона тизимини (WGS-84) қўллаш;

ер кадастрига доир маълумотларни ишлаб чиқиш услубининг бирлиги ва узлуксизлиги;

ер кадастрига доир маълумотларнинг ишончлилиги ва тежамлилиги.

8. Давлат ер кадастри маълумотлари асосий (бирламчи) ва жорий турга бўлинади.

Бирламчи рўйхатдан ўтказиш вақтида олинган маълумотлар ва давлат ер кадастри бирламчи маълумотларини тузиш асосий маълумотлар ҳисобланади.

Давлат ер кадастри маълумотларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ўзгартириш жараёнида олинган маълумотлар жорий маълумотлар ҳисобланади.

9. Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизими, бошқа давлат кадастрларини мониторингини юритиш учун фазовий-хуқуқий асос ҳисобланади.

Давлат кадастрлари ягона тизимида давлат ер кадастрига оид киритиладиган маълумотларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солик

қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилади.

10. Ер кадастри маълумотларидан ер муносабатларини тартибга солишда, ердан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этишда фойдаланилиши керак.

11. Давлат ер кадастрини юритиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан, ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўловлар ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2-боб. Давлат ер кадастрининг мазмуни

12. Кўйидагилар давлат ер кадастрининг мазмунини ташкил этади:
ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
ер участкаларини электрон ҳисобга олиш;
ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш;
ер кадастри маълумотларини тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва манфаатдор шахсларга белгиланган тартибда тақдим этиш.

13. Ер участкасига бўлган хукуқларнинг вужудга келишига доир маълумотлар ер кадастри маълумотларининг бирламчи қисми ҳисобланади ҳамда мазкур ер участкасини ҳисобга олиш, қийматини аниқлаш ва хукуқларни рўйхатга олишнинг асосини ташкил этади.

Ер участкаларига бўлган хукуқларни бирламчи (қайта) давлат рўйхатидан ўтказишида ер участкаси ва унинг чегараларига оид маълумотлар Давлат кадастрлари ягона тизимида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

14. Ер участкаларига бўлган хукуқлар, ушбу хукуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва тўхтатилиши конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

15. Ер участкаларининг чегараларини белгилаш WGS-84 координата тизимида картография материалидан фойдаланган ҳолда, геодезия усуллари билан жойнинг ўзида чегараларнинг бурилиш нукталари каталогига мувофиқ уларни чегара қозиклари билан маҳкамлаш орқали амалга оширилади. Натижалар Давлат кадастрлари ягона тизимининг ер кадастри қатламида акс эттирилади. Ер участкаларининг умумий майдони талаб қилинадиган аниқлиқда таҳлилий, график-тахлилий ёки механик усуллар билан аниқланади.

Ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар автоматлаштирилган ахборот тизимида юритилади.

Жорий рўйхатдан ўтказиш маълумотларини шакллантиришда рўйхатга оловчи ахборот тизимида ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг хукуқий ҳолати, шунингдек, ернинг майдони, чегаралари, ундан фойдаланиш мақсади ва фойдаланиш режими бўйича юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

16. Ер участкаларининг умумий майдонини ҳисобга олиш асосан геодезия усуллари билан, юқори аниқликни талаб этмайдиган холларда эса картометрик усуллар билан бажарилади.

Экин майдонлари бўйича ер микдорини ҳисобга олиш бир ва ундан ортиқ контурлардан иборат бўлган асосий ер кадастри бирликлари — ер участкалари доирасида юритилади. Барча тоифадаги экин майдонлари ҳисобга олиниши керак.

Қишлоқ хўжалиги тоифасидаги ер майдонлари ер турлари бўйича ер кадастри маълумотлари таркибида алоҳида қатламда ҳисобга олинади.

17. Давлат ер кадастрининг алоҳида қатлами шаклида, ер сифатини ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади: табиий-қишлоқ хўжалиги ва ер кадастри бўйича районлаштириш, ер таснифи, уларни экология, технология ва шаҳарсозлик белгилари ва бошқа белгилар бўйича тавсифлаш, тупроқ ва ерни гурухларга ажратиш.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни (координаталар каталоги билан), тоифаси ва сифати ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотларни ташкил этади.

18. Маъмурий-худудий даражанинг ошишига қараб, ерни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар унинг кўрсаткичларининг таққосланувчанлигига риоя қилинган ҳолда умумлаштирилади.

19. Турли мақсадларга мўлжалланган ер участкалари ҳолатини баҳолаш ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг хозирги ҳолати даражасини аниқлашга ҳамда келажакда уни ошириш имкониятларини таҳлил қилиш, асослаш, ер солиғи ва бошқа тўловларни, унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни рафбатлантириш учун амалга оширилади.

Барча тоифадаги ерларни баҳолаш ишлари тизимли равишда амалдаги ҳолат ва баҳолаш кўрсаткичлари (ерларнинг ҳар бир тоифаси учун ўзига хос бўлган) ёрдамида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадларидаги ерлар учун ҳам тупроқнинг унумдорлик қуввати — тупроқ бонитети бўйича қиёсий баҳолаш амалга оширилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига ва тупроқ бонитетига доир маълумотлар ер баҳосига оид ер кадастри маълумотларининг алоҳида қатламида ташкил этилади.

20. Ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш ва баҳолашга доир асосий ва жорий маълумотлар ер кадастри маълумотлари мажмуини ташкил этади, улар ҳар хил: алфавит — ракам (матн, жадвал, координатлар ва майдонлар рўйхати) ва график (режа, харита, схемалар) шаклларида қайд этилади.

21. Давлат кадастрлари ягона тизимида давлат ер кадастри маълумотлари асосий қатлам ҳисобланиб, туман (шахар)нинг маъмурий-худудий чегараси доирасида юритилади. Ҳар бир маъмурий-худудий бирлик чегарасидаги барча ер участкалари чегаралари, уларнинг эгалари, фойдаланувчила-

ри, ижарачилари ва мулкдорлари таркиби, шунингдек, чегараларда бўлган ўзгаришлар муентазам равишда киритиб борилади.

22. Хар бир маъмурий-худудий даражада ахборот тизими орқали тақдим этиладиган ер кадастрига доир маълумотлар таркиби ва шакли Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланади.

23. Ер кадастрига доир маълумотларнинг ишончлилиги учун давлат ер кадастрини юритиш вазифаси юкланган ваколатли орган масъул ходимлари, шунингдек, ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар жавоб берадилар.

3-боб. Давлат ер кадастрини юритиш

24. Давлат ер кадастри ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ юритилади.

25. Дастрлабки кадастр маълумотлари янгиланаётганда ер участкаларининг хукуқий ҳолатида, ерларнинг сифат ҳолати ва улардан фойдаланишда, уларни баҳолашда юз бераётган ўзгаришлар аниқланади ва рўйхатдан ўтказилади. Ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармаларига (рўйхатдан ўтказувчи органга), бошқа ташкилотларга кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар тўғрисида ўн кун муддатда ахборот беришга мажбурдирлар.

26. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар) филиаллари:

ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар мурожаатлари асосида давлат ер кадастрини юритишида (ер участкалари таркибида ва ундан фойдаланишда) юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар ва натурада (жойнинг ўзида) текширилгандан кейин жорий ўзгаришларни электрон ахборот тизимида киритади;

туман (шахар) худуди кадастр зоналари, кадастр массивлари, кадастр мавзелари, ер участкаларига бўлинишини таъминлайди ва доимий мониторингини юритади.

27. Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар худудий бошқармалари:

давлат ер кадастрини юритишида (ер участкалари таркибида ва ундан фойдаланишда ҳамда хукуқий ҳолатида) юз берган ўзгаришларни ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг буюртмалари асосида давлат рўйхатидан ўтказади;

давлат ер кадастрини юритишида туманлар (шахарлар) филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Давлат кадастрлари ягона тизими таркибида давлат ер кадастри юритилишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри туман (шахар)лар маъмурий чегаралари кесимида кадастр зоналари, кадастр массивлари, кадастр мавзелари шаклланиши ва юритилишини таъминлайди;

ерларнинг табиий, хўжалик ва хукуқий режими, тоифалари, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижа-

* Илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги электрон маълумотларни шакллантиради.

28. Давлат кадастрлари палатаси:

ер кадастрига оид очик геоахборот маълумотларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этади, манфаатдор вазирликлар ва идораларга маълумотлар тақдим этади;

ер фонди ҳолатидаги ўзгаришларни ўз вактида аниқлаш бўйича кузатишлар тизимини ташкил этади ва амалга оширади;

хар бир ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори бўйича ер кадастри электрон маълумотлар базасини шакллантиради;

Ер фонди тоифаларининг ер турлари бўйича миллий ҳисобот Миллий геоахборот тизимида юритилишини ташкил этади ва амалга оширади;

хар йили 1 февралга қадар Кадастр агентлигига Ўзбекистон Республикасида Ер фонди тоифалари ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботни тақдим этади.

29. Кадастр агентлиги:

давлат ер кадастри юритилишини тартибга солувчи хужжатларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманларнинг (шаҳарларнинг) маъмурий чегараларини, кейинчалик уларнинг майдонларини мувофиқлаштирган ҳолда, геодезик усуллар билан белгилаш ва жойларга бириктириб қўйиш ишларини амалга оширади;

ер ресурсларини аэрокосмик усуллар билан ўрганишни ташкил этади;

ерларнинг микдори ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни ўрганади, таҳлил қиласи ва умумлаштиради;

хар йили 1 марта қадар Ўзбекистон Республикасида Ер фонди тоифалари ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботни расмий веб-сайти орқали очик маълумот сифатида тақдим этади.

30. Давлат ер кадастрини юритишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қуидагилар амалга оширилади:

тупроқшунослик, агрокимё, геоботаникага оид ва бошқа изланишларни ҳамда тадқиқотларни амалга ошириш;

ерларни сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш.

4-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 389-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартибини белгилайди.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри худудий принцип бўйича ташкил этилади ва объектларнинг ҳуқуқий, ҳўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар тизимини ташкил этади.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бинолар ва иншоотлар мулкдорлари ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуки ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун ахборот тизими ёрдамида рақамли шаклда давлат тилида юритилади.

2. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр ҳужжатлари бинолар ва иншоотлар билан фуқаролик-ҳуқуқий битимларни амалга оширишда ва бошқа юридик ҳаракатларда ҳуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши кепрак.

4. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиши объектлар тўғрисидаги кадастр маълумотларини шакллантиришдаги ишончли ҳужжатлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

5. Бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиши ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Давлат кадастрлари ягона тизимини шакллантириш ва юритишини ташкил этиш, шунингдек, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиши ишларига умумий раҳбарлик қилиш, уларни методик жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) томонидан амалга оширилади.

7. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритувчи органлар кадастр ҳужжатларини ва кадастр маълумотларини рухсатсиз олиш ва ошкор этишдан ҳимоя қилинишини таъминлашлари шарт, очиқ маълумотлар бундан мустасно.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

8. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бўйича ишлар кўчмас мулкка кадастр ҳужжатларини тайёрлаганлик, уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўланадиган тўловлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат мулки бўлган объектлар бўйича бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг таркиби ва босқичлари

9. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри кадастр режасидан, кадастр ҳужжатларидан ва геофондлардан, шунингдек, мазкур Низомда белгиланган тартибда шакллантириладиган ахборот тизими маълумотларидан иборат.

10. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ахборот тизимлари орқали қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич — бинолар ва иншоотларнинг техник кўрсаткичларини ўлчаш воситалари орқали аниқлаш ва ахборот тизимида ҳисобга олиш;

2-босқич — объектларни чизмада жойлаштириб, рақамли кадастр режасини тузиш;

3-босқич — олдинги босқичларда олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, маълумотларни ахборот тизимида киритиш ёки мавжуд маълумотларни янгилаш.

11. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари Ўзбекистон Республикаси худудларининг кадастр бўлиниши, туманлар, шаҳарлар бўйича тузилади, уларнинг худуди давлат ер кадастри маълумотлари асосида ҳисобга олиш участкаларига бўлинади.

12. Туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш пунктларининг кадастрга оид бўлиниши чегараларни белгилаш ва худудларни туман доирасида ёхуд шаҳар чегараларини ҳисобга олиш участкаларига бўлинишини билдиради. Қорақалпоғистон Республикасига, вилоятларга, Тошкент шаҳрига, туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш пунктларига, шунингдек, ҳисобга олиш участкаларига ягона тизим бўйича кадастр рақами берилади.

3-боб. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш

13. Бинолар ва иншоотларнинг кадастр йиғмажилди маълумотлари бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотларининг асосини ташкил қиласди.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрига маълумотлар белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида уларнинг қурилиши тугаллангандан кейин ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда улар бўйича битимлар тузилгандан кейин ҳисобга киритилади.

Конунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда курилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар ҳам бино ва иншоотлар давлат кадастрида хисобга олиниши мумкин.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритишда ахборот тизимида бино ва иншоотга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар (уларнинг пайдо бўлиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва тўхтатилиши) тўғрисидаги, шунингдек, объектни тавсифловчи бошқа маълумотлар қайд этилади.

Махфийлик режимига эга бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва мазкур объектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотлардан фойдаланиш шартлари конунчилик ҳужжатларида белгиланади.

14. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритишда давлат кадастрига оид киритиладиган маълумотларнинг таркиби Кадастр агентлиги томонидан ушбу Низомга 2-иловада* кўрсатилган минимал талаблар асосида ишлаб чиқилади.

Бинолар ва иншоотлар жойлашган ер, уларга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг юридик ва жисмоний шахсларга тегишлилиги, ушбу ҳуқуқларнинг пайдо бўлиш асослари ва муддатлари, уларнинг тўхтатилиш муддатлари, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни чеклаш шартлари, ушбу объектларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар бинолар ва иншоотларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар хисобланади. Ушбу маълумотлар ахборот тизимида бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнда киритилади.

Бинолар ва иншоотларнинг қиймати, улардан фойдаланиш хусусиятлари, ушбу объектларнинг ишлаб чиқаришдаги мақсадлари ва бошқа маълумотлар бинолар ва иншоотлар хўжалик мақомининг асосини ташкил этади.

Бинолар ва иншоотларнинг ер тузиш схемаларига, ахоли пунктларининг бош режаларига, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари худудларини меъморий режалаштириши ташкил этиш лойихаларига ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларига, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлиги, бинолар параметрлари (қаватлари, умумий, яшаш, ишлаб чиқариш майдонлари), эгаллаб турган ер участкаси, курилган санаси, мухандислик-техник коммуникацияларнинг мавжудлиги, сейсмик чидамлилиги тўғрисидаги ва бошқа техник маълумотлар бинолар ва иншоотларнинг архитектура-курилиш мақоми хисобланади.

15. Кадастр маълумотлари асл ҳужжатлар ёки давлат органлари қарорларининг, шартномаларнинг (олди-сотди, ҳадя қилиш, алмаштириш, ижарага олиш, рента ва бошқалар), бино ва иншоотлар лойиха-смета ҳужжатларининг, илгари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларнинг тегишли равишда расмийлаштирилган нусхалари асосида тузилади.

16. Хар бир бино ва иншоот ахборот тизимида муайян кадастр рақами остида ёзиб қўйилади.

17. Ахборот тизимида ёзувларни ўзгартиришга ёки тўлдиришга йўл

* 2-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

кўйилмайди. Агар ахборот тизимиға киритилган маълумотларни ўзгаририш ёки тўлдириш зарурати пайдо бўлса, у ҳолда илгариги ёзувлар ахборот тизимида сақланиб қолган ҳолда бекор қилинади ва объект тўғрисидаги янги маълумотлар билан айнан шу кадастр рақами остида тўлдирилади.

Бино ва иншоотларнинг параметрлари (қаватлари, умумий, яшаш, ишлаб чиқариш майдонлари) ўзгарганда, ахборот тизимиға мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ ўзгаришлар киритилади.

4-боб. Бино ва иншоотлар кадастрини юритишни ташкил этиш

18. Мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган маълумотлар тўпланган ва давлат рўйхатидан ўtkазилгандан кейин бино ёки иншоот кадастр режасида белгиланади. Кадастр режаси автоматик лойиҳалаштириш тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда бўлиб, бу рўйхатдан ўтказиладиган объектларнинг жойлашуви ва асосий параметрларининг кўргазмали чизма белгиланишини таъминлайди.

19. Давлат кадастрлари ягона тизимида бино ва иншоотлар давлат кадастри туман (шахар)лар кесимида Давлат кадастрлари палатаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан юритилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлар базасида бино ва иншоотлар таснифи бўйича объектлар гурухга бўлинади. Бунда бино ва иншоотларнинг худудийлиги, мақсад йўналиши, юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда тегишлилиги, шунингдек, қурилиш-техник тавсифларига қараб белгиланади. Бино ва иншоотлар ягона классификатори Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланади.

20. Бинолар ва иншоотларнинг ҳолати бўйича кадастр маълумотларининг умумлаштирилган статистик кўрсаткичлари Кадастр агентлиги томонидан ҳар йили туман ва шахарлар кесимида очик маълумот сифатида Интернет тармоғида кенг ёритилиши ташкил этилади.

5-боб. Якунловчи қоида

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 389-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини
тайёрлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бино — функционал мақсадига қараб, одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

ер участкаси — ер юзасининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хукуқий режимга ҳамда бошқа хусусиятларга эга бўлган кисми;

иншоот — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вактинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги ер тепасида, ер юзасида ва ер остида жойлашган қурилиш тизими;

кадастр йиғмажилди — обьектнинг кўчмас мулкка бўлган хукуқларни шакллантириш, хисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник хатловдан ўтказиш ва паспортлаштиришнинг, махсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамламаси;

кадастр муҳандиси — геодезия-картография ишлари билан шуғулланувчи ташкилот билан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида фаолият юритувчи ёки ўз фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширувчи ва кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасига эга жисмоний шахс;

кадастр паспорти — кўчмас мулк объекти ва обьектнинг кадастр рақами ҳақида умумий маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳужжат;

кўп йиллик дарахтлар — боғлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқа ўрмон дарахтлари;

кўчмас мулк — ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа молмулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар;

маҳсус иншоотлар — белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун алоҳида ер участкасида курилган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, жумладан, темир ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, ер юзасида, ер усти ва ер остида жойлашган магистрал қувурлар, магистрал канал ва коллекторлар;

курилиши тугалланмаган объектлар — курилиши белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида тасдиқланган лойиҳа хужжатларига мувофиқ бошланган, лекин муайян кунга келиб тугалланмаган ёки курилиши тугалланган, лекин фойдаланишга қабул қилинмаган бино ва иншоотлар.

3. Кадастр йиғмажилди кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида ахборот тизими орқали тайёрланади ва сақланади.

4. Кадастр йиғмажилди кўчмас мулк обьектининг географик жойлашуви, хуқуқий мақоми, микдор, сифат тавсифлари ва қиймати, шунингдек, унинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар хақидаги материаллар ва маълумотларни ҳамда кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни тасдиқловчи хужжатларни жамлаш йўли билан кадастр муҳандислари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг (кейинги ўринларда — Давлат кадастрлари палатаси) тегишли туман (шаҳар) филиаллари томонидан тайёрланади ва қофоз ҳамда элекtron шаклда Давлат кадастрлари палатасида доимий сақланади.

Кўчмас мулк обьектига тайёрланган кадастр йиғмажилди натижаси бўйича мулкдорга ёки унинг ишончномаси асосида ҳаракат қилувчи шахсга, шунингдек, мулкдорнинг меросхўрига кадастр паспорти тақдим этилади.

Мулкдорнинг ёки унинг ишончномаси асосида ҳаракат қилувчи шахснинг, шунингдек, мулкдор меросхўрининг сўровига кўра кадастр йиғмажилдининг нусхаси элекtron шаклда тақдим этилади.

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан ўтказилган ўлчов ишлари натижасида тайёрланган кадастр йиғмажилди таркибидаги маълумотлар ҳаққонийлигига — Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари, шунингдек, кадастр муҳандислари томонидан ўтказилган ўлчов ишлари натижасида тайёрланган кадастр йиғмажилди таркибидаги маълумотлар ҳаққонийлигига — кадастр муҳандислари жавобгар ҳисобланади.

5. Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва унинг натижаси бўйича кадастр паспортини олиш учун юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари ўз хоҳишига кўра, Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларига давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза билан мурожаат қиласида ёки кадастр муҳандислари билан хизмат кўрсатиш (келишув) шартномаси асосида битим тузадилар.

Аризага (шартномага) қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

Вазирлар Мажкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк обьектларига бўлган хуқуқларни давлат

рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21, 22, 23, 38, 39, 40 ва 41-бандларида кўрсатилган хуқукларни тасдиқловчи хужжатлар;

конунчилик хужжатларида назарда тутилган кўчмас мулкка бўлган хуқукларни тасдиқловчи бошқа хужжатлар.

Кўчмас мулк объектларига бўлган хуқукларни тасдиқловчи хужжатлар аризага (шартномага) илова қилинмаса, кадастр йифмажилди тайёрланмайди.

6. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар) филиалларига муружаат этилган ҳолларда, аризалар филиал томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда қабул қилиб олинганидан сўнг шу куннинг ўзида кўчмас мулк билан боғлиқ ишларни бажариш бўйича аризалар реестрига киритилади.

7. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар) филиаллари томонидан кадастр йифмажилдини тайёрлаш ишларининг қиймати Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр хужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон карорига мувофиқ аниқланади.

Кадастр муҳандислари томонидан кўчмас мулк обьектига кадастр хужжатини расмийлаштириш Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган минимал ставкалардан кам бўлмаган микдордаги нархларда томонларнинг ўзаро келишув шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

8. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар) филиаллари томонидан кадастр йифмажилдини тайёрлаш ва унинг натижаси бўйича кадастр паспортини тақдим этиш кадастр обьектининг мураккаблигига қараб кўйидаги муддатларда амалга оширилади:

а) кўчмас мулк обьектларининг тураг жойга оид қисми бўйича:

кўп квартирали уйдаги квартира — 3 иш кунигача;

якка тартибдаги тураг жой — 5 иш кунигача;

б) кўчмас мулк обьектларининг нотурар жойга оид қисми ҳамда яхлит кўп квартирали уйлар бўйича:

умумий майдони 100 кв. метргача бўлган кўчмас мулк — 5 иш кунигача;

умумий майдони 100 кв. метрдан 1 000 кв. метргача бўлган кўчмас мулк — 7 иш кунигача;

умумий майдони 1 000 кв. метрдан 5 000 кв. метргача бўлган кўчмас мулк — 10 иш кунигача;

умумий майдони 5 000 кв. метрдан 15 000 кв. метргача бўлган кўчмас мулк — 15 иш кунигача;

умумий майдони 15 000 кв. метрдан 50 000 кв. метргача бўлган кўчмас мулк — 20 иш кунигача;

умумий майдони 50 000 кв. метрдан ортиқ бўлган кўчмас мулк — 25 иш кунигача;

ажратилган ер участкалари бўйича — 3 иш кунигача;

кадастр (йифмажилди) паспорти ўйқолганда (яроқсиз ҳолга келганда), янги кадастр паспорти 2 иш куни мобайнида берилади.

9. Кадастр йиғмажилди ер участкасининг, бино ва иншоотларнинг ҳамда кўп йиллик дараҳтларнинг кадастр маълумотларидан иборат бўлади.

10. Ер участкаси яхлитлигини йўқотмаган ҳолда ушбу кўчмас мулк обьекти бўйича ўзгаришлар (бино ва иншоотлар курилиши, реконструкция қилиниши, кўп йиллик дараҳтлар барпо этилиши) ҳақидаги маълумотлар кадастр йиғмажилдига киритиб борилади.

11. Кўчмас мулк обьектига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва кадастр паспортини расмийлаштиришни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

туман (шахар) филиалида ушбу кўчмас мулк обьектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд хужжатларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк обьектига тақиқ ёки хатлов қўйилганлиги;

тақдим этилган хужжатларда нотўғри, қарама-қарши ёки бузилган маълумотлар аниқланиши;

туман (шахар) филиалида ушбу ер участкаси қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

ер участкасига бўлган хукуқларнинг қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги;

ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганлиги;

кўчмас мулк обьектида ўлчов ишларини олиб борилишига, шу жумладан, кўчмас мулк обьектига кириш имкони йўқлиги (фойдаланиб келаётган шахслар томонидан бино ва иншоотга, ер участкасига киришга қаршилик қилиш).

12. Кадастр муҳандиси юридик ва жисмоний шахсларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаб бериш бўйича келишув шартномасига мувофиқ Давлат кадастрлари палатасининг маҳсус ахборот тизимида ажратилган шахсий кабинети орқали кўчмас мулк обьектига оид маълумотларни киритади ҳамда мулкдор (фойдаланувчи)нинг кўчмас мулкига оид мавжуд ахборотни тизимда ўзига юклаб олади.

Кадастр муҳандиси ўз шахсий кабинети орқали қўйидаги маълумотларни Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармасига юборади:

кўчмас мулк обьектининг кадастр рақами (кадастр хужжатларига ўзгартириш киритилаётганда);

мулкдор (фойдаланувчи) юридик ва жисмоний шахснинг номи;

юридик шахсларда солиқ тўловчининг идентификация рақами, жисмоний шахсларда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

кадастр йиғмажилдини тайёрлаш (қайта тайёрлаш) учун Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк обьектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21, 22, 23, 38, 39, 40, 41-бандларида кўрсатилган хукуқни тасдиқловчи хужжатлар;

кўчмас мулк обьектига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш (қайта тайёрлаш) бўйича томонлар ўртасида имзоланган, шу жумладан, жисмоний шахс

томонидан шахсий маълумотлардан фойдаланишга розилик берилган шартнома.

Кадастр муҳандиси малака шаходатномасининг амал қилиши тугаганда шахсий кабинетнинг ишчи функциялари чекланади.

2-боб. Ер участкасининг кадастр маълумотларини тайёрлаш

13. Юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланишида бир неча ер участкаси бўлса, кадастр йиғмажилди уларнинг ҳар бири бўйича тайёрланади, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно.

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда жисмоний ёки юридик шахсга битта ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат билан ажратилган бир неча ер участкаларини умумлаштирган ҳолда кадастр йиғмажилди тайёрланиши мумкин.

14. Ер участкасининг кадастр йиғмажилдини тайёрлашда қўйидаги ишлар бажарилади:

ер участкасининг геодезик ўлчов натижасида топографик хариталарини тайёрлаш;

ер кадастр маълумотлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ва чекловчи ҳужжатлар ҳамда сервитутлар мавжудлигини ўрганиш;

ер участкасини жойида хатловдан ўтказиш;

ер участкасининг чегаралари ва умумий майдонини ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар билан солишириш ва уларнинг фарқини аниклаш;

ер участкасининг амалдаги майдони ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларда белгилangan майдондан ортиқ бўлса, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ернинг чегарасини кадастр режасига тушириш;

кўчмас мулк обьектини хисобдан ўтказиш варақасида ер ҳакидаги маълумотларни киритиш.

15. Ер участкалари геодезик асбоблар ёрдамида (WGS-84 координаталар тизимида) ўлчовдан ўтказилади. Бунда чегара бурилиш нуқталарининг координатлари аникланади ва шартли белгилардан фойдаланиб, ер участкасининг электрон рақамли кадастр режаси тузилади.

16. Ер участкасининг электрон рақамли кадастр режасига қўйидагилар туширилади ва маълумотлар акс эттирилади:

бино ва иншоотлар ҳамда бошқа географик обьектлар;

ер участкасининг давлат ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилган муҳофаза зоналари ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларнинг чегаралари (мавжуд бўлса);

чегарадош ер участкалари ва уларга бўлган ҳуқук эгаларининг номлари.

17. Ер участкасининг электрон рақамли кадастр режаси унинг майдонидан келиб чиқиб, кадастр йиғмажилдидаги тасвирилаш учун қулай масштабларда тузилади. Бунда аҳоли пунктларида ер участкасининг кадастр режаси 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача, аҳоли пунктларидан ташқарида

жойлашган қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари ер участкасининг кадастр режаси 1:5000 масштабда ёки 1:10000 масштабда тузилади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари, муҳофаза қилинадиган табиий худудлар ва бошқа шу каби мақсадларда фойдаланилаётган ер участкаларининг электрон рақамли кадастр режаси мавжуд топографик ва қишлоқ хўжалиги электрон хариталаридан фойдаланиб тузилади.

Агар ер участкасининг 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача замонавий (актуал) топографик съёмка материаллари мавжуд бўлса, кадастр режаси улар асосида тузилиши мумкин.

Ер участкасининг электрон рақамли кадастр режаси архивда саклаш учун қоғозда чоп этилиб, режасини тузган ижрочи, ер участкасига бўлган хукуқ эгаси томонидан имзоланади ва чегарадош ер участкаларига бўлган хукуқ эгалари билан келишилади ва Ер участкасининг чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномасига (кейинги ўринларда — далолатнома) унинг ажралмас қисми сифатида илова қилинади.

18. Ер участкаси жойлашган манзил тез аниқланишини таъминлаш мақсадида ер участкаси жойлашган ҳудуд режаси тайёрланади ва кадастр йиғмажилдига киритилади. Ер участкаси жойлашган ҳудуд режаси ер участкаси туширилган, унга яқин худудларни ўз ичига олган топографик карталардан ёки бошқа режалардан кўчирмадан иборат бўлади.

19. Ер участкасини хатловдан ўtkазиш натижаси бўйича қўйидаги ҳолларда ер участкасининг чегаралари қўshни чегарадошлар билан келишилади:

янги ажратилган ер участкаларида;

кўчмас мулкнинг бир қисмини бегоналаштириш натижасида ер участкаси бўлинганда.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳолатларда ер участкасини келишиш мазкур Низомга 10-иловада* келтирилган намунавий шаклда далолатнома тузиш ҳамда қўshни чегарадошлар томонидан имзо қўйиш йўли билан амалга оширилади.

20. Далолатномада қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ер участкасига бўлган хукуқни тасдиқловчи хужжат номи, санаси ва рақами;

ер участкасининг жойлашган манзили — туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул) ва кўчанинг номи, уй рақами, агар кўчанинг номи ва уй рақами бўлмаса, қишлоқ (овул), маҳалла ва аҳоли пунктининг номи келтирилади;

ер участкасининг чегаралари таърифи;

ер участкасининг умумий майдони — хужжатлар бўйича ва амалда;

ер участкасининг ер участкасини бериш тўғрисидаги хужжатларда белгиланган фойдаланиш мақсади ва амалдаги фойдаланиш тури;

қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерларнинг турлари, бонитет баллари ва меъёрий қиймати;

хукуқни тасдиқловчи хужжатларда белгиланган муҳофаза зонасининг майдони;

* 10-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ер участкаси ҳақидаги башқа зарур маълумотлар.

21. Далолатнома ер участкаси юридик шахсга тегишли бўлса, унинг раҳбари ёки ишончли вакили томонидан, агар ер участкаси жисмоний шахсга тегишли бўлса, ушбу жисмоний шахс ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланади.

Агар чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаси — жисмоний шахс узоқ муддатга башқа жойга кетган бўлса, юридик шахс башқа туманда (шаҳарда) жойлашган бўлиб, чегараларни келишиш куни ва вақти тўғрисида огохлантирилган бўлса-да, унинг раҳбари ёки ишончли вакили келишиш учун келмаса, ушбу холат далолатномада акс эттирилади.

Ер участкалари чегараларини аниқлашда ер участкасининг чегаралари чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаси (эгалари) билан келишилмаган тақдирда, низо суд тартибида ҳал этилади.

Кейинчалик ер участкасига ёки чегарадош ер участкасига нисбатан белгиланган ҳуқуқ тури ёки ҳуқуқ эгаси ўзгарганда, далолатномани қайта тузиш талаб этилмайди, ер участкасининг чегараси ўзгарган холатлар бундан мустасно.

22. Кўчмас мулк объектини ҳисобга олишда ер участкаси бўйича қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- ер участкасининг жойлашган манзили;
- манзил белгиланиши (мавжуд, янги берилган, ўзгартирилган);
- манзил бериш ёки ўзгартиришни асословчи хужжат;
- ер участкасининг тоифаси;
- ер участкасининг номи;
- ер участкасининг кадастр рақами;
- иктисодий зонаси;
- ер участкасидан фойдаланиш мақсади;
- ер участкасининг умумий майдони (га);
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжат номи, санаси ва рақами;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжат бўйича ер участкасининг майдони (га);
- ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдони;
- мухофаза зоналари;
- мухофаза зоналарининг майдони (га);
- чекловлар ва сервитутлар;
- кўп йиллик дарахтлар билан эгалланган ер майдони;
- ер участкасини баҳолаш тўғрисида маълумотлар;
- ер участкасига хос башқа маълумотлар.

3-боб. Бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш

23. Ер участкасига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонидаги тегишли тартиб асосида барпо этилган ва қурилиши тугалланган

ёки тугалланмаган бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилди тайёрланишига рухсат берилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларида ноқонуний қурилган қурилмаларни эгаллаб олинган ер майдони ва қурилмаларнинг ўлчамлари ваколатли органларнинг сўровномасига мувофиқ Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар) филиаллари томонидан маълумотнома тарзида тайёрланади.

24. Бино ва иншоотларнинг кадастр йиғмажилдини тайёрлаш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

бино ва иншоотлар бўйича мавжуд ҳукуқий, иқтисодий, архитектура-шаҳарсозлик ва бошқа зарур ҳужжатлар йиғилади ва таҳлил қилинади;

бино ва иншоотлар техник хатловдан ўтказилади, бунда биноларнинг ички ва ташқи ўлчовлари аниқланади, майдонлари ва ҳажмлари ҳисобланади ҳамда ушбу маълумотлар биноларнинг ички ва ташқи ўлчов қайдномаларида акс эттирилади;

бино ва иншоотлар конструктив қисмларининг тавсифи аниқланади ва маълумотларда акс эттирилади;

бино ва иншоотларнинг қаватма-қават электрон чизмалари тайёрланади;

бинонинг муҳандислик коммуникациялари (газ, электр энергияси, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва бошқалар) билан таъминланганлиги аниқланади;

жисмоний шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг кадастр қиймати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аниқланади;

бино ва иншоотларга ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамлари шакллантирилади;

кўчмас мулк обьектини электрон ҳисобга олишда бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотлари киритилади;

кадастр йиғмажилди тайёрланади.

25. Кадастр йиғмажилди асосида кадастр паспорти расмийлаштирилади.

26. Бино ва иншоотларнинг архитектура-қурилиш чизмалари энг кам ҳажмда, ортиқча тафсилотларсиз тузилади.

Бунда бинонинг ички хоналари режаси чизилади. Агар бино бир неча қаватдан иборат бўлса, у ҳолда барча қаватларнинг режалари, шунингдек, ертўланинг режаси чизилади. Бинонинг қават режалари 1:100 ёки 1:200 масштабда чоп этилади ва номланади (масалан, «1-қават режаси», «2-қават режаси», «Ертўла режаси»).

27. Ер ости иншоотларининг (ҳар хил мақсадларда фойдаланиладиган қувурлар, электр ва алоқа линиялари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлган иншоотлар ва бошқалар) тавсифи кадастр йиғмажилдига лойиҳа-смета ёки ушбу иншоотлар давлат кадастри маълумотларидан фойдаланиб киритилади.

28. Махсус иншоотларнинг кадастр маълумотлари тайёрланаётганда, улар тўғрисида ўзларига хос маълумотлар тегишли давлат кадастрлари маълумотларидан фойдаланиб киритилади (масалан, алоҳида кадастр обьекти бўлган электр линиясининг кадастр маълумотларидан унинг номи, кучла-

ниши, симлар сони, электр линияси таянчларининг конструкцияси, трансформатор станциялари ва бошқа иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар олиниши мумкин).

29. Кўчмас мулк обьектини хисобдан ўтказиш натижасига қўра ахборот тизимида бино ва иншоотларнинг қўйидаги кадастр маълумотлари акс эттирилади:

- бинолар сони;
- иншоотлар сони;
- асосий хоналар сони;
- бинолар умумий майдони;
- фойдали (яшаш) майдони;
- бинонинг қурилиш ости майдони;
- иншоотлар майдони;
- бино ва иншоотларнинг капиталлиги;
- функцияси;
- конструктив тури (пойдевор, девор, чердак тўсинлар, ораёпма, том қопламаси, пол);
- зилзилабардошлиги;
- муҳандислик жиҳозланганлиги (сув, оқова, электр, газ, иссиқлик);
- бинонинг қаватлилиги;
- объект жойлашган қавати;
- бинонинг баландлиги, м;
- майдон, кв.м. (курилиш ости, умумий, ишлаб чиқариш, фойдали, яшаш);
- курилган йили;
- ўзбошимчалик билан курилган бинолар ва иншоотлар;
- кадастр қиймати;
- битим (шартнома) қиймати;
- махсус иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар.

Бино ва иншоотларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бошқа кўрсаткичлар ҳам киритилиши мумкин.

30. Кадастр йиғмажилдига абрислар, фотосуратлар ҳамда бино ва иншоотларни тавсифловчи бошқа ҳужжатлар ва электрон файл материаллари илова қилиниши мумкин.

31. Бинолар қайта ихтисослаштирилганда ва реконструкция қилинганда, кадастр йиғмажилдига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Кўчмас мулк обьектининг вужудга келиши (барпо этилиши) ёки икки ва ундан ортиқ қисмларга бўлнишида манзилларни белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк обьектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кадастр йиғмажилдини шакллантириш жараёнида амалга оширилади.

32. Курилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларга кадастр йиғмажилди тегишли лойиҳа ташкилоти томонидан уларнинг курилиши лойиҳа талабларига мувофиқ бошланганлиги тасдиқланган тақдирда, мазкур Низомда белгиланган тартиб асосида тайёрланади ва натижаси бўйича кадастр

паспорти берилади. Бунда бино ва иншоотнинг пойдевори ва биринчи қавати деворларининг қурилиш ишлари якунланганлиги қурилишни бошланган деб топиш учун асос ҳисобланади.

4-боб. Кўп йиллик дараҳтларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш

33. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган кўп йиллик дараҳтларга кўчмас мулкнинг бир тури сифатида кадастр йиғмажилди тайёрланади ва натижалари бўйича кадастр паспорти берилади.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермер хўжаликлари томонидан узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларида ижарага берувчининг рухсати билан ўз маблағлари ҳисобига экилган ва уларнинг мулки бўлган кўп йиллик дараҳтлар тўғрисидаги маълумотлар кадастр йиғмажилди таркибига киритилади.

Якка тартибдаги уй-жойда, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги ҳамда жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш (дала ҳовли) учун берилган ер участкаларида ўстирилган кўп йиллик дараҳтларга кадастр йиғмажилди тайёрланмайди.

34. Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш жараёнида боғлар, узумзорлар, тутзорлар ва бошқа ўрмон дараҳтларнинг майдонида (геодезик ўлчов асбоблари ёрдамида 1:1000 ва 1:10000 гача масштабда топохариталари яратилади) ўлчов ишлари ўтказилади ва кўчатларнинг сони аниқланади. Боғлардаги дараҳтлар турларга (олма, нок, шафтоли ва бошқалар) ажратилмасдан, эгаллаган умумий майдони ҳамда сони аниқланади.

35. Кўп йиллик дараҳтларнинг кадастр маълумотлари ер участкасининг кадастр маълумотлари билан биргаликда кўрсатилади. Кичрайтирилган режа харитасидаги шартли белгиларда кўп йиллик дараҳтлар эгаллаган ерлар чегараси координата бурилиш нукталари каталогида акс эттирилади.

5-боб. Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш

36. Кадастр йиғмажилди давлат тилида электрон хужжат сифатида тайёрланади.

Қоғоз кўринишда кадастр йиғмажилди А4 (210 x 297 мм) форматдаги ёзув қофозларида электрон хужжат асосида тайёрланади. Бунда асосий форматларнинг қисқа томонларини каррали миқдорда узайтириш билан ташкил қилинадиган қўшимча форматлар қўлланилиши мумкин.

37. Кўчмас мулк объекти фақат ер участкаси ёки бино ва иншоотдан (квартира, бино, иншоотнинг бир қисми) ҳамда кўп йиллик дараҳтлардан иборат бўлган ҳолларда, кадастр йиғмажилди тегишли обьект бўйича тайёрланади.

38. Кадастр йиғмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмита-

си хузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) томонидан тасдиқланади.

Бунда кадастр йиғмажилдини тайёрлаган Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар)даги филиали ёки кадастр мухандиси номи, кўчмас мулк обьекти жойлашган жой ва кўчмас мулк обьектига оид бошқа барча маълумотлар қайд этилади.

39. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шахар) филиали ходимлари томонидан тайёрланган кадастр йиғмажилди мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган муддат доирасида текшириб чиқилади. Бунда мазкур йиғмажилдда қайд этилган маълумотлар тўлиқ ва тўғри киритилганлиги ҳамда геоахборот тизимларида акс эттирилганлиги холати ўрганилади. Камчиликлар аниқланган ҳолларда, бир иш куни муддатда ижрочи ходим камчиликларни бартараф этади.

Кадастр мухандиси томонидан кўчмас мулк обьектларига тайёрланган кадастр йиғмажилди бўйича маълумотлар унинг ахборот тизимида шахсий кабинети орқали Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармасига қабул қилиш учун юборилади.

Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармалари кадастр мухандиси томонидан ахборот тизими орқали кўчмас мулк обьектига оид тайёрланган кадастр йиғмажилди маълумотларини қабул қилиб олади ва уч иш куни мобайнида ўрганиб чиқади.

40. Кадастр мухандиси ахборот тизимида шахсий кабинети орқали кўчмас мулк обьектларига оид кўйидаги маълумотларни киритади:

кўчмас мулк обьекти жойлашган жой;

эгасига (фойдаланувчига) оид маълумотлар;

кўчмас мулк обьектига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича келишувга оид маълумотлар (шартнома рақами, санаси, муддатлари, тўлов миқдори ва бошқалар);

мазкур Низомнинг 22 ва 29-бандларида кўрсатилган маълумотлар;

ер участкаси ва ундаги бино иншоотларнинг чегаралари кўрсатилган ҳамда WGS-84 координаталар тизимида тайёрланган рақамли кадастр харитаси;

бино ва иншоотларнинг автоматик лойиҳалаштириш дастурлари ёрдамида dxf, dwg форматлардан бирида тайёрланган чизмаси. Кадастр йиғмажилди бирламчи тайёрланган ҳолларда, бино ва иншоотларнинг амалдаги (ўлчов кунидаги) холати бўйича фото суратлар, республикада фойдаланишда рухсат этилган сунъий йўлдош суратлари.

41. Кадастр мухандисининг ахборот тизими орқали тақдим этилган электрон маълумотлари Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармаси томонидан уч иш кунида ўрганилади. Бунда:

кадастр мухандиси томонидан тайёрланган электрон маълумотлар, кўчмас мулк обьектига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги ва унга мувофиқ кўчмас мулк обьекти техник хисобга олинади, кадастр паспорти расмийлаштирилади ёки унга тўсқинлик қилувчи холатлар текширилади;

кадастр муҳандиси томонидан кадастр маълумотлар базасига киритилган техник маълумотларнинг тўғри ва тўлиқлиги текширилади ва дастлабки маълумотлар билан солиштирилади;

ер участкаси, бино ва иншоотлар хамда кўп йиллик дараҳтлар дастлабки шакллантирилган кадастр маълумотлари асосида солиштирилади ва ахборот тизимида мавжуд чегарадош ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари билан солиштирилади ва таҳлил этилади.

Кадастр муҳандиси томонидан ахборот тизими орқали юборилган маълумотларда техник хатоликлар мавжуд бўлса, бартараф этиш учун ушбу хатоликлар кўрсатилган ҳолда қайтарилади. Агар кўрсатилган техник хатоликлар хабар берилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида бартараф этилмаган ёки муҳандис томонидан тегишли хабар қолдирилмаган бўлса, ҳудудий бошқарма икки иш кунида кадастр паспортини тайёрлашни ва хисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи ва бу ҳақда кадастр муҳандисини шахсий кабинети орқали хабардор қиласи.

Тақдим этилган маълумотлар асосида кўчмас мулк обьектининг ташки чегаралари ва обьектга оид умумий маълумотлари бир хиллиги аниқлангандан сўнг ҳудудий бошқарма томонидан кадастр муҳандисининг тақдим этилган электрон кадастр йифмажилди маълумотлари давлат кадастрлари тизимида қабул қилинади. Бу ҳақда ахборот тизими орқали кадастр муҳандисига кўчмас мулк обьектининг кадастр паспортидан кўчирма нусхаси юборилади.

Қўйидаги ҳолларда кадастр муҳандиси томонидан тақдим этилган маълумотлар ахборот тизими орқали рад этилади ва камчиликларини бартараф этиш юзасидан тегишли изоҳ юборилади:

ушбу Низомнинг 12, 22 ва 29-бандларида келтирилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

белгиланган муддатда маълумотлардаги техник хатоликлар тўғирланмаганда;

ер участкаси чегараларига оид берилган маълумотлар геоахборот тизими ва туман (шаҳар) филиаллари архив маълумотларига нисбатан фарқ қилгандা.

Бошқа ҳолларда кадастр муҳандисига рад жавоби берилишига йўл қўйилмайди.

42. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан кадастр муҳандиси маълумотлари келишилган ва хисобга қўйилганда, кадастр муҳандиси ўзининг шахсий кабинетида кадастр маълумотлари базасига кирган ҳолда кўчмас мулк обьекти бўйича бино ва иншоотларнинг ўлчов қайдномаси, хоналарнинг ўлчов қайдномаси, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари қайдномасини ва бошқа маълумотларни чоп этади.

43. Кадастр муҳандиси томонидан тайёрланган ва қабул қилинган кадастр йифмажилди маълумотлари кўчмас мулк обьектига бўлган хуқукларни давлат рўйхатидан ўтказишида рўйхатдан ўтказувчи томонидан рўйхатга олиш ишини кўриб чиқишида асос ҳисобланади.

44. Кадастр муҳандиси кўчмас мулк обьектига кадастр йифмажилдини шакллантиришида ахборот тизимида шахсий кабинети орқали зарур бўлган

кадастр маълумотларни олишда, электрон маълумотлар базасидан ҳамда кўчмас мулк обьектларига бўлган хуқукларнинг давлат реестридаги маълумотлардан фойдаланиш хуқукига эга бўлади.

45. Кадастр мухандиси томонидан ушбу Низом талабларига икки ва ундан ортиқ равишда қўпол равишда амал қилмаслик ҳамда қонунчилик хужжатлари талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилиши, кадастр мухандисининг малака шаҳодатномаси бекор қилиниши бўйича Кадастр агентлигига ахборот киритиш учун асос ҳисобланади.

6-боб. Кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар киритиш

46. Кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар кўчмас мулк обьектига бўлган хуқуқ эгаларининг ёки улар ишончли вакилларининг талабларига мувофиқ тегишли тартибдаги мурожаатлари асосида киритилади.

47. Бино ва иншоотларнинг конструктив қисмлари, хоналар сони ўзгартирилган ҳолда реконструкция қилинганда, улар қайтадан техник хатловдан ўтказилади ҳамда шу асосда бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотлари қайтадан тайёрланади.

48. Бино ва иншоотларнинг конструктив қисмлари, хоналар сони ўзгармаган ҳолда унга нисбатан хуқуқ тури ва (ёки) хуқуқ эгаси ўзгарган тақдирда, кўчмас мулк обьектига қайтадан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тақиқланади.

49. Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари билан боғлиқ (маҳфийлик режимида) бўлган кўчмас мулк обьектлари бўйича кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун кўчмас мулкни балансида сақловчи ташкилот ёхуд уларнинг ишончли вакиллари томонидан тўғридан-тўғри Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармаларига мурожаат қилинади.

Бунда кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича тегишли шартнома расмийлаштирилади.

Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармалари кўчмас мулк обьектларини хатловдан ўтказиш ишларини маҳфийлик режимига риоя этган ҳолда амалга оширади. Хатлов натижалари бўйича кадастр йиғмажилди расмийлаштирилади ва алоҳида маҳфийлик режимига эга бўлган маълумотлар базасига киритади.

50. Кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар киритишида Давлат кадастрлари палатасининг электрон архиви ҳамда тегишли туман (шаҳар) филиаллари архивида сақланаётган қофоз нусхасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бунда кадастр йиғмажилдининг архивда сақланаётган нусхасида мавжуд бўлган хужжатларни олиб ташлашга йўл қўйилмайди, янги ҳолатларни тасдиқловчи хужжатлар кадастр йиғмажилдига янгиланиши бўйича қўшиб борилади.

7-боб. Кадастр йиғмажилдини шакллантириш натижасида кадастр паспортини расмийлаштириш

51. Кўчмас мулк обьектини кадастр ҳисобига олиш ва кадастр йиғма-

жилдини шакллантириш натижасида кўчмас мулк объекти бўйича электрон шаклда кадастр паспорти расмийлаштирилади.

Кадастр мухандиси билан шартнома тузган холда кадастр йиғмажилди тайёрланганда, кадастр паспорти ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ берилади.

Кадастр паспортида мулкдор ва ҳуқуқни белгиловчи хужжатлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилмайди.

52. Кадастр паспортининг шакллари қўйидаги турлар бўйича белгиланади:

кўп квартирали уйдаги турар жойнинг кадастр паспорти — ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ;

якка тартибдаги турар жойнинг кадастр паспорти — ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ;

нотурап жой тоифасидаги кўчмас мулк объектининг кадастр паспорти — ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ;

ер участкасининг кадастр паспорти — ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ;

кўп квартирали уйдаги нотурап жойнинг кадастр паспорти — ушбу Низомга 6-иловага* мувофиқ;

курилиши тугалланмаган объектнинг кадастр паспорти — ушбу Низомга 7-иловага* мувофиқ;

кўп йиллик дарахтнинг кадастр паспорти — ушбу Низомга 8-иловага* мувофиқ;

маҳсус иншоотларнинг кадастр паспорти — ушбу Низомга 9-иловага* мувофиқ.

53. Кўчмас мулк объектига кадастр паспорти қўйидаги ҳолларда расмийлаштирилади ёки қайта расмийлаштирилади:

кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи хатлов ишлари бажарилганда;

кўчмас мулк объектининг бир қисми бегоналаштирилганда ёки ер участкаси алоҳида бўлинганда (бунда кўчмас мулк объектининг икки қисмига алоҳида кадастр паспорти шакллантирилади);

ер участкасининг майдони ёки чегара нуқталари ўзгарганда;

кўчмас мулк объектининг манзилини белгилашда ёки ўзгартиришда;

кўчмас мулк объектининг тоифаси ўзгарганда.

54. Кўчмас мулк объектининг паспорти қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

8-боб. Якунловчи қоида

55. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

* 1 — 9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 389-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида» 1997 йил 2 июнданги 278-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги 543-сон қарори.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига 7-илованинг 2-боби 1 ва 2-бандлари (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2004 й., 42-сон, 446-модда).
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори)» 2014 йил 3 июнданги 138-сон қарорига илованинг 3 ва 4-бандлари (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2014 й., 23-сон, 269-модда).
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр хужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июнданги 186-сон қарори)» 2014 йил 6 ноябрдаги 309-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2014 й., 46-сон, 551-модда).
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон қарори)» 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига илованинг 3 ва 4-бандлари (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2017 й., 35-сон, 931-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**372 Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига
«Е-қагог» электрон тизимини жорий этиш чора-тад-
бирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-куватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарорига мувофиқ:

а) 2021 йил январь — май ойларида Қашқадарё вилоятида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — «Е-қагог» тизимини (кейинги ўринларда — «Е-қагог» электрон тизими) апробация қилиш юзасидан хукуқий эксперимент ўтказилганлиги;

б) Қашқадарё вилоятида «Е-қагог» электрон тизимини жорий этиш бўйича ўтказилган эксперимент натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш) муддатлари кисқарганлиги, уларни ишлаб чиқиша инсон омили ва аралашуви камайганлиги, шунингдек, қарорлар ва фармойишлар билан ахоли доимий равища танишиш ҳамда ҳудудий адлия органлари уларни мониторинг этиб бориш имконияти яратилганлиги;

в) 2021 йил 1 июлдан бошлаб хукуқий эксперимент натижалари асосида «Е-қагог» электрон тизими республиканинг барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш «Е-қагог» электрон тизими оркали амалга оширилади;

«Е-қагог» электрон тизимини четлаб ўтган холда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди. Бундай хужжатлар юридик кучга эмас

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июнда эълон қилинган.

ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай хуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш «Е-қагог» электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш ва уларни манфаатдор худудий давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа ташкилотлар билан келишиш тартиби;

б) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда келишилган қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини «Е-қагог» электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва уларни эълон қилиш тартиби;

в) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат хисобига олишни «Е-қагог» электрон тизими орқали амалга ошириш;

г) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири хисобланган маълумотлар ва маҳфий маълумотларни ўз ичига олган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини «Е-қагог» электрон тизими орқали қабул қилишга йўл қўймаслик;

д) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари маҳфий тоифага кирмайдиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини мустақил равишда ушбу тоифага киритишни тақиқлаш;

е) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини факат «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш жараёнларининг доимий мониторингини олиб бориш;

мониторинг натижаларига кўра «Е-қагог» электрон тизими орқали келишиш учун юборилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларига манфаатдор ташкилотларнинг белгиланган муддатларда муносабат билдирамаган раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан таъсир чораларини кўллаш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «Е-қагог» электрон тизимини доимий такомиллаштириб бориш.

4. Белгилансинки:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини «Е-қагог» электрон тизими

орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш 2-иловага* мувофиқ;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив тусга эга бўлмаган қарор ва фармойишлар лойиҳаларини «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш 3-иловага* мувофиқ тартибда амалга оширилади.

5. «Е-қагог» электрон тизимини барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокиммилклари 2021 йил 1 июлга қадар:

маҳаллий бюджет маблақлари ҳисобидан «Е-қагог» электрон тизимида уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш ва келишишда иштирок этувчи барча ташкилотларини «Е-қагог» электрон тизимида улаш чораларини кўрсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «Е-қагог» электрон тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб борсин. Бунда «Е-қагог» электрон тизими орқали:

қабул қилинган (чиқарилган) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини манфаатдор ташкилотлар ва ижроочиларга етказишни ташкил этиш;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш учун Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мухокамаси порталига (regulation.gov.uz) белгиланган тартибда жойлаштириш;

қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига юбориш назарда тутилсин.

«Е-қагог» электрон тизимини такомиллаштириш учун бюджетдан ташカリ Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишга руҳсат берилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 июнь,
390-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари
ва фармойишларини «Е-қагог» электрон тизими орқали
ишлиб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш),
рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини (кейинги ўринларда — ҳужжатлар лойихалари) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлиб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — «Е-қагог» тизими (кейинги ўринларда — «Е-қагог» электрон тизими) орқали ишлиб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш) рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларининг лойихалари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар лойихалари «Е-қагог» электрон тизими орқали қабул қилинади.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш «Е-қагог» электрон тизими орқали амалга оширилади.

«Е-қагог» электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай хукуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

4. Конунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва маҳфий маълумотларни ўз ичига олган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари лойихаларини «Е-қагог» электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди.

Қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари маҳфий тоифага кирмайдиган хужжатлар лойиҳаларини мустақил равишда ушбу тоифага киритиш тақиқланади.

5. Махаллий давлат ҳокимияти органларининг хужжатлари лойиҳаларини «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш ушбу қарорга 2 ва 3-иловалардаги схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ҳужжатлар лойиҳаларини «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш ва келишиш

6. Ҳужжатлар лойиҳалари маҳаллий давлат ҳокимияти органининг масъул таркибий бўлинмаси ёки манфаатдор ҳудудий давлат органи (кейинги ўринларда — ишлаб чиқувчи) томонидан «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқилади.

7. Зарурат бўлганда ишлаб чиқувчи лойиҳани «Е-қагог» электрон тизими орқали манфаатдор ташкилотлар билан келишиш учун юборади.

8. Манфаатдор ташкилотлар «Е-қагог» электрон тизими орқали кўриб чиқиш учун келиб тушган лойиҳани 3 кун муддатда:

иш юритувига қабул қиласи ҳамда кўриб чиқади;

электрон рақамли имзо кўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойиҳа юзасидан ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали ўз таклиф ва эътиrozларини кўрсатган ҳолда жавоб хатини киритади; келишилган лойиҳани уларни ишлаб чиқувчига юборади.

9. Манфаатдор ташкилотларга келишиш учун киритилган хужжатлар лойиҳалари юзасидан белгиланган муддатларда «Е-қагог» электрон тизими орқали муносабат билдирилмаган тақдирда, лойиҳа келишилган ҳисобланади.

Ҳужжатлар лойиҳаларининг мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда қабул қилиниши юзасидан жавобгарлик барча манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимлари зиммасига юкланади.

10. Ишлаб чиқувчи 3 кун муддатда манфаатдор ташкилотлар билан келишилган хужжат лойиҳасини электрон тизимдан олади ва уни манфаатдор ташкилотнинг тегишли хуносасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади ҳамда уни электрон тизим орқали тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органига (ҳоким қарори ва фармойиши лойиҳалари бўйича) ёки маҳаллий вакиллик органлари котибиятига (халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари бўйича) киритади.

11. Махаллий ижро этувчи ҳокимият органининг тегишли таркибий бўлинмаси, маҳаллий вакиллик органлари котибияти 3 кун муддатда «Е-қагог» электрон тизими орқали келиб тушган хужжатлар лойиҳаларини иш юритувига қабул қиласи ва уни кўриб чиқади ҳамда лойиҳани электрон рақамли имзо кўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда уни ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали ўз таклиф ва эътиrozларини кўрсатган ҳолда қайтаради. Келишилган хужжат

лойиҳасини маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизматига киритади.

З-боб. Ҳужжатлар лойиҳаларини «Е-қагон» электрон тизими орқали ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ҳужжат лойиҳаси электрон тизим орқали киритилгандан кейин 2 кун муддатда:

хужжат лойиҳасини электрон тизим орқали иш юритувига қабул қиласди ҳамда лойиҳани кўриб чиқади;

хужжат лойиҳасини электрон рақами имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки таклиф ва эътиrozлари мавжуд бўлса, лойиҳани ишлаб чиқувчига қайтаради;

хужжат лойиҳасини имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ёки вакиллик ҳокимияти органи раҳбарига киритади.

13. Ҳужжат лойиҳаси норматив тусга эга бўлган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати:

loyiҳani Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштиради;

жамоатчилик муҳокамаси якунлангандан сўнг лойиҳа бўйича белгилangan тартибда хulosha тузади;

loyiҳani ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун худудий адлия органдарига белгилangan тартибда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритади.

14. Ҳудудий адлия органи маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати томонидан норматив тусга эга бўлган ҳужжат лойиҳаси киритилгандан сўнг белгилangan муддатларда:

loyiҳani белгилangan тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, лойиҳа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлса, хulosha беради ва бу ҳакида электрон тизим орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёки маҳаллий вакиллик органини хабардор қиласdi;

loyiҳa бўйича таклиф ва эътиrozlar мавжуд бўлса, лойиҳани маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизматига қайtaradi.

15. Лойиҳага худудий адлия органи томонидан тегишли муносабат билдирилгандан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати 2 кун муддатда:

адлия органининг ижобий хulosasi бўлган тақdирda, лойiҳani имзолash учун maҳalлиy иjro etuvchi ҳokimiyat organi ёki maҳalliy vakiillik organi raҳbariga kiritadi;

loyiҳa худудий адлия органи томонидан taklif va eъtirozlar bilan qaytarilgan bўlسا, уни қайta iшlab чиқadi va ҳududiy adliя organiga belgilanGAN tarтиbda elektron tizim orqali қaita kiritadi;

maҳalliy iжro etuvchi ҳokimiyat organi, maҳalliy vakiillik organi raҳbari ёki ҳududiy adliя organi томонидан loyiҳani қabul қiliш maқсадga muvofiq emas degan xulosaga kelingan taқdirda, bu ҳakda loyiҳani iшlab чиқuvchini xabar dor қiladi.

4-боб. Ҳужжатлар лойиҳаларини «Е-қагог» электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш

16. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбари:

хужжат лойиҳасини электрон рақамли имзо орқали имзолайди, имзоланган ва махсус рақам билан рўйхатга олинган хужжатни «Е-қагог» электрон тизими бош саҳифасида автоматик тарзда эълон қиласди (хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган хужжатлар бундан мустасно);

хужжат лойиҳасини қабул қилиш (чиқариш)ни мақсадга мувофиқ эмас деб топган тақдирда, уни белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш учун юридик хизмат ходимига ёки ишлаб чиқувчига қайтаради.

5-боб. Якунловчи қоидалар

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

хужжатлар лойиҳаларини фақат «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш) рўйхатга олиш ва эълон қилиш жараёнларининг доимий мониторингини олиб боради;

мониторинг натижаларига кўра «Е-қагог» электрон тизими орқали келишиш учун юборилган хужжатлар лойиҳалари юзасидан манфаатдор ташкилотларнинг белгиланган муддатда муносабат билдирумаган раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан таъсир чораларини қўллади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «Е-қагог» электрон тизимини доимий такомиллаштириб боради.

18. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш бўйича манфаатдор ташкилотларнинг раҳбарлари мазкур Низомнинг талабларига риоя қилинишини таъминлаш учун шахсан масъулдирлар.

19. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорига
5-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишининг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
««Е-қагоғ» электрон тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансан».
2. 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

373 Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПК-4135-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсан.
2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.
3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 июнда эълон қилинган.

килган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 июнь,
393-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 25 июндаги 393-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға
киритилаётган ўзгаришилар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 24 октябрдаги 491-сон қарори 15-бандининг биринчи хатбошисидаги ва 20-бандидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 22 майдаги 225-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидаги, 6 ва 8-бандларидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби 6-бандининг «а» кичик бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарори билан тасдиқланган Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралароро мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисидаги Низомнинг 10-банди еттинчи хатбошисидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатларини

тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «Ташки савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Мухофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Ташки савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 4-банди биринчи хатбошисидаги «Ташки савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш қоидаларига 9-илова 4-позициясининг «Касбий таваккалчилик класлари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)» устунидаги «Ташки савдо вазирлигининг ташки савдо ташкилотлари» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигининг идоравий мансуб ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 июндаги 123-сон қарори билан тасдиқланган Гиёхвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштириладиган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илованинг «Экспертиза органлари» устунидаги «Ташки савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарорининг 3-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қўймат солиги бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди тўртинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки савдо вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган «Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлик тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги вакътинчалик низомда:

а) 4-банддаги «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ» сўзлари «Ўзбекэкспертиза» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг «а» кичик банди биринчи хатбошисидаги «Ташки савдо

вазирлиги хузуридаги «Ўзэкспертиза» АЖ сўzlари «Ўзбекэкспертиза» АЖ сўzlари билан алмаштирларин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Махаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ярмарка савдосини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги 377-сон қарорига 2-илованинг рус тилидаги матни 1-позицияси «Ответственные исполнители» устунидаги «МВТ» аббревиатураси «Мининвестнешторг» аббревиатураси билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича Евросиё гурухи тўғрисидаги Битимни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида» 2013 йил 23 январдаги 16-сон қарорининг 2-бандидаги «Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўzlари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл ноҳарбий кемалари ва ҳарбий кемаларнинг Ўзбекистон Республикаси ички сувларига, портларига (рейдларига) кириши ҳамда у ерда бўлиши тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матни 39-бандининг тўртинчи хатбошидаги «внешней торговли» сўzlари «инвестиций и внешней торговли» сўzlари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2014 йил 26 ноябрдаги 321-сон қарорининг рус тилидаги матнининг 6-бандидаги «внешней торговли» сўzlари «инвестиций и внешней торговли» сўzlари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Жаҳон бозорлари, инвестициялар ва технологияларни таҳлил қилиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 5 майдаги 143-сон қарорига 2-иловада:

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринbosари»;

еттинчи хатбоши чиқаруб ташлансан.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июндаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомнинг 6-бандидаги «Ташқи савдо» сўzlари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўzlари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарори билан тасдиқланган Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига биринчи навбатда уланадиган электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг «Вазирликлар» бўлими 14-бандидаги «Ташқи савдо» сўzlари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўzlари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимиға киравчи телерадиоканаллар эфирини юқори сифатли теле-радио маҳсулотлари билан тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 23 августдаги 272-сон қарорининг рус тилидаги матни 2-бандинг тўртинчи хатбошисидаги «Министерстве внешней торговли Республики Узбекистан» сўзлари «ГУП «Центр комплексной экспертизы проектов и импортных контрактов» при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатида:

а) 27-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«27. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги*»;

б) 36⁵-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) изоҳнинг иккинчи хатбошисидаги «23 ва 26-бандларда» сўзлари «23, 26 ва 27-бандларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиша рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги Регламентига илованинг 7-позицияси «Маълумотларнинг Тизимга киритилишини амалга оширувчи органлар» устунидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 октябрдаги 867-сон қарорида:

а) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 7-позицияси «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-хуқуқий ҳужжатлар* матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-тахлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатида:

а) «2. Вазирликлар» бўлимининг 2-бандидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «3. Давлат қўмиталари» бўлимининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 30 декабрдаги 1042-сон қарорининг рус тилидаги матнининг 2-бандидаги «внешней торговли» сўzlари «инвестиций и внешней торговли» сўzlари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги «Hi-tech city» халқаро юқори технологияли инновацион марказ фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 5 марта 169-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳрида янги замонавий комплекс — «Hi-tech city» халқаро юқори технологияли инновацион марказни (кейинги ўринларда — «Hi-tech city» маркази»);

б) 6-банднинг иккинчи хатбошидан «Ифтихор, Амир Темур, Кичик халқа йўли ва Сандиққўрон кўчалари билан чегарадош худудда» сўzlари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига электрон сўровга мувофиқ маълумотлар айрбошлишнинг дастурий таъминоти орқали улар маълумотлар базасини шакллантиришларидан олдин маълумотлар тақдим этадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига уларнинг маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланиш рухсат этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг рўйхати* 7-бандидаги «Ташқи савдо» сўzlари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўzlари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 668-сон қарори билан тасдиқланган Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қоракалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) инвестициялар ва ташқи савдо бўлимлари раҳбарлари»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) танловни ташкил этиш бўйича масъул ҳисобланади»;

7-банддаги «Қўмита» сўзи «Вазирлик» сўзи билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни жалб қилиш департаменти» сўзлари «Вазирликнинг Инвестиция мухитини ривожлантириш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

13-банддаги «Кўмитага» сўзи «Вазирликка» сўзи билан алмаштирилсин;

19-банддаги «Кўмитанинг» сўзи «Вазирликнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

илованинг «Масъуллар» ва «Тадбирлар» устунларидағи «Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш департаменти» ва «Кўмитага» сўзлари тегишлича «Вазирликнинг Инвестиция мухитини ривожлантириш бошқармаси» ва «Вазирликка» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Инновацион фаолиятни янада қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон қарорининг 9-банди биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» (2-кўшимча молиялаштириш) лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 2 октябрдаги 785-сон қарори 4-бандининг еттинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 17 октябрдаги 832-сон қарорининг 8-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 1 ноябрдаги 902-сон қарорининг 8-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 22 ноябрдаги 942-сон қарори рус тилидаги матнининг 5-бандидаги «Государственному комитету Республики Узбекистан по инвестициям» сўзлари «Министерству инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокидаги «Шошилинч тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 23 ноябрдаги

952-сон қарорининг 7-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 29 ноябрдаги 970-сон қарорига 2-илова рус тилидаги матнининг «Ответственные исполнители» устунидаги «Госкоминвестии» сўзи «Мининвестнешторг» сўзи билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3833-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 4 декабрдаги 988-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг марказий қисмida кўп тармоқли комплекс қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 декабрдаги 991-сон қарорининг 3-банди биринчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Фарғона вилоятида қўшимча кичик са-ноат зоналари ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 де-кабрдаги 1007-сон қарорининг 4-банди биринчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл ҳариталари» — дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида-ги низомнинг 6-банди олтинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзла-ри билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 декабрдаги 1029-сон қарори-нинг 11-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвес-тициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи тибиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 29 декабрдаги 1057-сон қарорининг рус тилидаги матнida:

а) 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Государственному комитету Республики Узбекистан по инвестициям» сўзлари «Министерству инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. О.Б. Рустамов — заместитель министра инвестиций и внешней торговли, заместитель руководителя рабочей группы».

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 майдаги 390-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилги тўғрисидаги низомда:

а) 34-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар биринчи ўринбосар ва олти нафар ўринбосарга эга»;

б) 45-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туманлар (шахарлар) бўлимлари ва унинг ташкилий тузилмасига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўйидаги миқдорларда узоқ ўйллик хизмати учун ойлик устама ҳак тўланади (рафбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маоши коэффициентларида):»;

в) 47-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, туманлар (шахарлар) бўлимлари фаолиятини таъминлаш ва молиялаштириш (шу жумладан, ходимларни моддий рафбатлантириш) Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджети, вилоятлар ҳудудий бюджети, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят хокимликлари, туманлар (шахарлар) бўлимлари ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шахарлар) ҳокимлари даромадлар прогнозининг орттириб бажарилиши ва тегишли бюджетларнинг бўш қолдиқлари ҳисобига Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва туманлар (шахарлар) бўлимлари ходимлари учун моддий рафбатлантиришнинг қўшимча турларини (устама ҳак, қўшимча ҳак, мукофотлар ва иш хақига бошқа тўловлар) белгилаш хуқуқига эга».

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 25 июндаги 393-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо фаолиятини тартибга солиши
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 2 февралдаги
66-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон,
9-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 21 декабрдаги
1006-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 294-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил
20 апрелдаги 297-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 4-сон,
91-модда) илованинг 21-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Рахбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент
вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома
киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик
бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат таш-
килотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида» 2018 йил 29 октябрдаги
887-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 10-сон, 227-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари маблағла-
ридан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида» 2019 йил 16 январдаги 40-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил
10 августдаги 661-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 8-сон, 179-модда)
илованинг 54-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
 ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
 ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

**374 «Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самара-
дорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғри-
сида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июн-
даги 345-сон «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим муассасалари рейтингиги-
ни аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат
қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлиги-
нинг 2018 йил 17 декабрдаги 9-мҳ ва 14-мҳ-сон «Умумтаълим муассасалар-
ининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғриси-
да»ги қарори (рўйхат рақами 3112, 2018 йил 29 декабрь) (Конун ҳужжат-
лари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2018 й., 10/18/3112/2420-сон)
ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

**Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 июнь,
22-мҳ-сон

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июнда эълон
қилинган.

Халқ таълими вазири**III. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 11 июнь,
9-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

**375 Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини таш-
кил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 30 июлда-
ги ЎРҚ-551-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон «Судлар
фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини
oshiришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 22 сен-
тябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-кар-
таларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 ок-
тябрдаги 228-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3097, 2018 йил 11 декабрь)
(Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2018 й., 10/18/
3097/2314-сон) билан тасдиқланган Давлат ёнғин назорати органлари фао-
лиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-
га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Вазир**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 15 июнь,
176-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июнда эълон
қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазиригининг 2021 йил
15 июнданги 176-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Давлат ёнгин назорати органлари фаолиятини ташкил
этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 92-банднинг иккинчи хатбохисидаги ва 15-илова матнидаги «маъмурӣ ишлар бўйича туман (шаҳар) судъясига» деган сўзлар «туманлараро маъмурӣ судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 97-банднинг иккинчи хатбохисидаги ва 18-илова матнидаги «суд ижрочисига» деган сўзлар «давлат ижрочисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 13-илова матнидаги «шахсий паспортингиз (шахсни тасдиқловчи хужжат)» деган сўзлар «шахсни тасдиқловчи хужжатингиз (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 26-илова матнидаги «хўжалик» деган сўз «иктисодий» деган сўз билан алмаштирилсин.
5. 30-илова матнидаги «паспорт» деган сўз «биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**376 Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш
учун танлов ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомга
ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон ва «Ахоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июнда эълон қилинган.

хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 23 мартағи ПФ-6191-сон фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги 422-сон қарорига мувофиқ, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 январдаги 13-сон буйруғи (рўйхат рақами 2972, 2018 йил 16 февраль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2018 й., 10/18/2972/0710-сон) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
160-сон

П. БОБОЖНОВ

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 майдаги
160-сон буйруфига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш
учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги» деган сўзлар чиқарив ташлансин.

2. З-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«3. Таълим муассасаларига ёши ўн саккиздан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаган, шу жумладан йигирма беш ўшдаги ҳам, ўрта, ўрта-максус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал ёки ўрта максус профессионал маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битиурвчилари, шунингдек ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари ҳамда профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини саклаш бўйича ёрдамчиси лавозимида камида олти ой иш стажига эга бўлган шахслар танлов асосида ўқишга юборилади.».

3. 8-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«8. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш бўйича тарғибот ва дастлабки танлов босқичи тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш

учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) тегишли таркибий тузилмалари ва худудий бўлинмаларида (бундан буён матнда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари деб юритилади) ишчи гурухлар тузилади.».

4. 18-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

5. 19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ички ишлар органлари ходимларининг билдиргисига қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

кўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;
анкета (сўровнома).

Ходимлар томонидан билдирги, таржимаи ҳол ва анкета (сўровнома) таълим муассасасида ўқитиладиган тилда ёзилади.».

6. 51-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Якка тартибдаги якуний сухбатнинг асосий мақсади хукуқшунослик, Ўзбекистон тарихи ва тарбия фанлари бўйича номзодларнинг билимларини ҳар томонлама ва холисона баҳолашдан иборат.».

7. 13-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиши учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиши учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

Якка тартибдаги якуний сухбатни ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Якка тартибдаги якуний сухбат хукуқшунослик, Ўзбекистон тарихи ва тарбия фанлари бўйича номзодларнинг билимларини ҳар томонлама ва холисона баҳолаш мақсадида оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилади.

2. Якка тартибдаги якуний сухбат коллегиаллик принципи асосида Қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Номзодларга бериладиган саволлар Қабул комиссияси аъзолари, шунингдек хукуқшунослик, Ўзбекистон тарихи ва тарбия фанлари бўйича малакали мутахассислар томонидан тузилади ва саволлар бўйича билет варианatlари 1 июнь кунига қадар тайёрланади ҳамда Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Билетларда саволларнинг тақорланишига йўл қўйилмайди.

4. Якка тартибдаги якуний сухбат давомида номзодни баҳолашда унинг савол мазмуни ва моҳиятини очиб бериши, жавобни мантиқан ва кетма-кетликда изчил ифодалаши, мустақил ва ижодий фикрлаши ҳамда саволни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив-хуқуқий хужжатларга ҳавола қилиши инобатга олинади.

5. Қабул комиссия раиси томонидан тасдиқланган саволлар рўйхати ва билет варианtlари комиссия масъул котибининг сейфида сакланади. Масъул котиб саволлар рўйхати ва билет варианtlари ошкор қилинmasлиги учун жавобгар ҳисобланади.

6. Номзод якка тартибдаги якуний сухбатга паспорти (идентификация ID-картаси) билан келиши шарт.

2-боб. Якка тартибдаги якуний сухбатни ўтказиш

7. Номзодлар якка тартибдаги якуний сухбатдан ўтиш учун аудиторияга Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича кетма-кетликда шахсини тасдиқловчи хужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

8. Якка тартибдаги якуний сухбатда номзод ихтиёрий равишда танлаб олган 3 та саволдан иборат билетдаги саволларга жавоб беради.

Билетдаги:

биринчи савол — хуқуқшунослик фани;

иккинчи савол — Ўзбекистон тарихи фани;

учинчи савол — тарбия фанларидан иборат бўлади.

9. Номзодларга хуқуқшунослик, Ўзбекистон тарихи ва тарбия фанларидан бериладиган саволлар мазмуни умумий ўрта, ўрта маҳсус, бошлангич профессионал, ўрта профессионал, ўрта маҳсус профессионал таълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

10. Номзод билетлардан бирини танлаб олгач, саволларга тайёргарлик кўриши учун 20 дақиқа вақт берилади. Агар номзод хоҳласа тайёргарлик кўрмасдан жавоб беришига рухсат берилади.

11. Номзодларга тайёргарлик кўришлари учун Қабул комиссияси хонасига туташ бўлган алоҳида аудитория ажратилади. Унга 5 нафар номзод киритилиб, тайёргарлик кўриш жараёни комиссия котиби томонидан назорат қилинади.

3-боб. Якка тартибдаги якуний сухбат натижаларини аниқлаш

12. Номзоднинг саволларга жавоби эшиитилгандан сўнг комиссиянинг хар бир аъзоси унга ўз баҳосини қўяди. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртacha арифметик балли аниқланади.

13. Номзоднинг саволларга берган жавоблари қўйидаги 4 та мезон бўйича баҳоланади:

саволнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериши;

саволга жавобни мантиқан ва кетма-кетликда изчил ифодаллаши;
саволни ёритишда мустақил ва ижодий фикрлаши;
саволни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив ҳужжатларга ҳавола
килиши.

14. Ҳар бир мезон 5 та баҳолаш даражасига эга:
максимал;
яхши;
ўрта;
паст;
қониқарсиз.

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Мезонларни баҳолаш даражаси (фоизда)				
		максимал	яхши	ўрта	паст	қони- қарсиз
1.	Саволнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш	100	75	50	25	0
2.	Саволга жавобни мантиқан ва кетма-кетликда изчил ифодалаш	100	75	50	25	0
3.	Саволни ёритишда мустақил ва ижодий фикрлаш	100	75	50	25	0
4.	Жавобни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш	100	75	50	25	0

Номзоднинг ҳар бир саволга берган жавоби тўртта мезон бўйича бешта баҳолаш даражасига кўра фоиз ҳисобида баҳоланади ва арифметик ҳисоблаш орқали савол учун ўртacha балл қўйилади.

15. Якка тартиbdаги якуний сухбат натижаси 100 баллик тизимда куйидаги баҳоланади:

- биринчи савол учун — максимал 40 балл;
иккинчи савол учун — максимал 30 балл;
учинчи савол учун — максимал 30 балл.

16. Номзоднинг ҳар бир савол бўйича берган жавоби куйидаги формулага мувофиқ ҳисобланади:

$$A = (B / 100) \times C$$

A — савол бўйича тўпланган балл;

B — савол бўйича максимал балл;

C — савол бўйича тўпланган фоиз.

17. Қабул комиссияси аъзолари томонидан қўйилган баҳолар мухокама қилиниб, ҳар бир номзодга якка тартиbdаги якуний сухбат натижалари бўйича ўртacha арифметик балл қўйилади.

4-боб. Якуний қоидалар

18. Якка тартиbdаги сухбатга белгиланган сана ва вактда келмаган

номзодларга бошқа сана ва вактда якка тартибдаги сұхбатда иштирок этиш учун рухсат берилмайды.

19. Ҳар бир номзоднинг якка тартибдаги якуний сұхбат натижалари мазкур методиканинг иловасига мувофиқ шақлдаги қайднома билан расмий-лаштирилади.

20. Мазкур қайднома қабул комиссияси аъзолари томонидан имзола-нади ва масъул котибга топширилади.

Якка тартибдаги якуний сұхбатни
үтказиш методикасига
ИЛОВА

**Якка тартибдаги якуний сұхбат натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

Сана: _____

Тошкент шаҳри

Гурух рақами: _____

Т/п	Номзоднинг Ф.И.О.	Саволларга қўйилган баллар			Тўшлаган балл
		1-савол	2-савол	3-савол	
1.					
2.					
3.					
4.					
...					

Қабул комиссия раиси _____
(ўринбосари) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
масъул котиби _____
(имзо) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
аъзолари _____
(имзо) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

377 Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон «Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 июнь,
15-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
аддия вазирининг 2021 йил 24 июнданги
15-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва
қабул қилиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг олтинчи хатбошиси, 1¹-банд, 2-банднинг биринчи хатбошиси, 13-банд, 19-банднинг биринчи хатбошиси, 20-банд, 30-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 32-банд, 35-банднинг иккинчи хатбошиси, 37-банднинг иккинчи хатбошиси, 50-банднинг олтинчи хатбошиси, 63-банднинг биринчи — учинчи хатбошилари, 94-банднинг «а» кичик банди, 108-банднинг иккинчи хатбошиси, 109-банд, 112-банднинг биринчи хатбошиси, 119-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 1, 4, 13-иловаларнинг матнларидағи «қонун» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қиласи. Вазирлик ва идоралар, агар уларга қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли ҳужжатни қабул қилиш ёки аниқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколат берилган бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин.».

3. 4-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ойдан ошмаслиги лозим.».

4. 7 ва 8-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Бўйруқлар вазирлик ва идора номидан қарор қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган вазирлик ёки идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

8. Қарорлар давлат қўмиталари ва идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиал органлари томонидан амалга ошириладиган давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қарорлар тарзида қабул қилинади.».

5. 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «қоидалар ёки йўриқномалар» деган сўзлар «қоидалар, йўриқномалар ёки бошқа хужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 21-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатларни тартибга соладиган;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб хисоблансин.

7. 24-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Муқаддимада идоравий норматив-хукуқий хужжатни қабул қилишнинг сабаблари, мақсадлари ва вазифалари кўрсатилади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорларини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида қабул қилинаётганлиги кўрсатилиши шарт. Бунда, норматив-хукуқий хужжатлар турлари уларнинг юридик кучига нисбатан кўрсатилиши керак.».

8. 33-банддаги «Қонун» деган сўз «Қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 34-бандда:

биринчи хатбошидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Қонун» деган сўз «Қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 39-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган» деган сўзлар «Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 40-банддан «ва (ёки) ҳажми катта бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. 41-банднинг иккинчи хатбошидаги «иккитадан» деган сўз «икки ёки ундан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 59-банддаги «бланкларда» деган сўз «бланкаларда» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. 61-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«61. Коида тариқасида, стандарт варак 1 қатор оралиғида («множитель») ёзилиши лозим, ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 2 см ҳошияга эга, матнда биринчи қаторнинг сатр бошиси 1,27 см бўлиши лозим.».

15. 62-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Идоравий норматив-хукуқий хужжат матнида ўчириш ва тузатишларга йўл кўйилмайди, бундан мазкур Коидаларнинг 93¹-бандида кўрсатилган холатлар мустасно.».

16. 66¹-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«66¹. Идоравий норматив-хукукий хужжатга унинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати илова қилинади.»;

еттинчи хатбошидаги «қонун» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига» деган сўзлар «Норматив-хукукий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Куйидаги мазмундаги 66²-банд билан тўлдирилсин:

«66². Идоравий норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари юзасидан Норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль) белгиланган тартибда коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича чеклист тўлдирилади ва лойиҳани ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истино ҳолларда — унинг биринчи ўринbosари) имзоси билан расмийлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига идоравий норматив-хукукий хужжат билан бирга тақдим қилинади.».

18. 67-банда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«67. Конунчилик хужжатларига мувофик келишилиши мажбурий бўлган ҳолларда, шунингдек идоравий норматив-хукукий хужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва идоралар манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилувчи нормалар мавжуд бўлса, идоравий норматив-хукукий хужжат лойиҳаси ягона электрон тизим орқали манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим. Бунда идоравий норматив-хукукий хужжат лойиҳаси вазирлик ва идоралар томонидан у тақдим этилган кундан бошлаб беш иш қуни ичida эътироzlarsиз келишилиши ёки асослантирилган эътироzlар билан қайтарилиши керак.»;

иккинчи хатбошидаги «вазирлик ва идоралар раҳбарлари» деган сўзлар «вазирлик ёки идора раҳбари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 68-банда:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

20. 75-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, илова белгисида буйруқ ёки қарорнинг тасдиқланган санаси ҳамда норматив-хукукий хужжатлар ҳисобини юритиш журналига мувофик берилган рақами кўрсатилиши керак.».

21. 77-банднинг учинчи хатбошидаги «сабаб» деган сўз «сабабга» деган сўз билан алмаштирилсин.

22. 81-банда:

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган идоравий норматив-хуқуқий хужжат хуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида хulosса ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги хат расмийлаштирилгунга қадар ушбу хужжатни хуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақроран киритишга йўл қўйилмайди.

Мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган талабга риоя қилинmasдан тақроран тақдим этилган идоравий норматив-хуқуқий хужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан хуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказилмасдан, хужжатни тақдим этган органга қайтарилади.»;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

23. 92-банднинг иккинчи хатбошидаги «йигирма» деган сўз «ўн беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 93-банднинг «б» кичик бандидаги «қарор қабул қилишни» деган сўзлар «хulosса расмийлаштиришни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. Кўйидаги мазмундаги 93¹-банд билан тўлдирилсин:

«93¹. Электрон тизим орқали тақдим этилган идоравий норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан ўтказиш натижасида унда техник кўринишдаги, шу жумладан, хужжат мазмунининг ўзгаришига олиб келмайдиган хатоликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, мазкур хатоликлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан электрон тизим орқали бартараф этилиши мумкин. Бунда, идоравий норматив-хуқуқий хужжатда аниқланган техник кўринишдаги, шу жумладан мазмун ўзгаришига олиб келмайдиган хатоликлар хужжатни қабул қилган орган (органлар) биринчи раҳбари томонидан имзоланган тегишли хатга асосан бартараф этилади.».

26. 95-банднинг биринчи хатбошидаги «Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини» деган сўзлар «Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27. 98-бандда:

куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва маҳфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-хуқуқий хужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан, истисно тариқасида, қоғоз шаклида тасдиқланадиган идоравий норматив-хуқуқий хужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги хulosса билан расмийлаштирилади.»;

иккинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошидаги «Қонун хужжатлари» деган сўзлар «Қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

28. 101-банднинг иккинчи хатбошидаги «27» рақами «37» рақами билан алмаштирилсин.

29. 101¹¹-банд ҳамда 125-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидан

ги «Қонун ҳужжатлари» деган сўзлар «Қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

30. 102-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мантиққа зид» деган сўзлар «зиддиятли» деган сўз билан алмаштирилсин.

31. 111-баннда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«111. Қонунчилик ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтиришга ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни хукуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар. Идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилгунга қадар ушбу ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган қисмда амалда бўлади.»;

иккинчи хатбошидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Қонун» деган сўз «Қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

32. 120-банднинг биринчи хатбошидаги «бошқа бунга ваколатли орган» деган сўзлар «унинг юқори турувчи органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

33. 11 ва 12-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

34. 12a-илованинг номидаги «Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига» деган сўзлар «Норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Идоравий норматив-хукукий хужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Идоравий норматив-хукукий хужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
11-ИЛОВА

НАМУНА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҶАРОРИ**

**«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши
курашишга оид қонунчилик хужжатлари талабларини
бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари,
микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонунчилик хужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат раками 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 12-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

(имзо)

X. XXXXXXXXX

Тошкент ш.,
2014 йил 15 март,
770-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил
15 мартағи 770-сон қарорига
ИЛОВА

**«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
карши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини
бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари,
микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг номидан ва 1-бандидан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) номидан, муқаддимадан, 1-банддан, 3-бобнинг номидан, 6 ва 7-бандлардан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбошидан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрокредит ташкилотидан микрокредит ташкилотлари устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг бир фоизигача бўлган миқдорида жарима ундириш;»;

в) 5-банддан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.».

Идоравий норматив-хукукий хужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига кири-
тилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Идоравий норматив-хукукий хужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
12-ИЛОВА

НАМУНА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҶАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
қабул қилинган айрим идоравий норматив-хукукий
хужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мар-
казий банки Бошқаруви **карор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилин-
ган айрим норматив-хукукий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқот-
ган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Марказий банк раиси

(имзо)

X. XXXXXXXX

Тошкент ш.,
2014 йил 22 март,
991-сон

Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил
 22 мартағи 991-сон қарорига
 ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
 норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
 РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 14 сентябрдаги 21-А/2-сон «Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1179, 2002 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 19-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 14 мартағи 6/4-сон «Кредит уюшмаларида бухгалтерия хисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1944, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 216-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/6-сон «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2084, 2010 йил 1 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 71-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/6-сон «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2084-1, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 214-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 февралдаги 4/3-сон «Кредит уюшмаларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2208, 2011 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 110-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/9-сон «Кредит уюшмаларининг активларини таснифлаш, активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2227, 2011 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 196-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 30 апрелдаги 13/6-сон «Кредит уюшмаларида бухгалтерия хисобини юритиш тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2234, 2011 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 245-модда).».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

378 Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2615-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 19 августдаги 495-сон «Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2014 йил 25 августдаги 62-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2615, 2014 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 480-модда) билан тасдиқланган Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

У. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 июнь,
232-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
«Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил
21 июнданги 232-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли
асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини
тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 11-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ўзбекистон миллий архивлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар номенклатураси Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги билан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар марказий давлат архивлари, вилоят, шаҳар ва туман давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар номенклатураси тегишли архив иши худудий бошқармалари билан;».

2. 15-банддан «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 1-иловадан 55-позиция чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

379 Қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»-ги ва «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»-ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43 ва 38-сон Қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2033, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 491-модда) иловага мувофиқ ўзгартриш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
 2021 йил 25 июнь,

Т. ИШМЕТОВ

38-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиб департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 июнь,
26-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 25 июнданги
38-сон ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиб департаменти-
нинг 2021 йил 22 июнданги 26-сон қарорига
ИЛОВА

**Қимматли қофозлар бозорининг профессионал
иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини
тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб
бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолият-
дан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштириш-
га ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши ку-
рашиб тўғрисида»ги, «Кимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига
мувофиқ қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари
томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини
молиялаштиришга қарши курашиб мақсадида ички назоратни ташкил этиш
ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Қоидалар талаблари қимматли қофозлар бозорида профессио-
нал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга татбиқ қилинади, тижорат
банклари ва сувурталовчилар бундан мустасно.».

2. 1-бандда:

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
ўн бешинчи — йигирма биринчи хатбошилар тегишинча ўн тўртинчи —
йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансан;
ўн тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи,
ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, харбий тузилма-
ларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вактинча ёки махсус ваколат
бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини

бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан собиқ);»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахслари билан ижтимоий ва касбий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлган шахслар.».

3. Рус тили матнидаги 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «и финансирования терроризма» деган сўзлар «финансирования терроризма и финансирования распространения оружия массового уничтожения» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 5-банда:

иккинчи хатбошидаги «Конун ҳужжатларига» деган сўзлар «Конунчилик ҳужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахсларнинг операциясини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туриш юридик ёки жисмоний шахснинг шахсий хисобвараfiga тушган пул маблағларини хисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно ва (ёки) пул маблағларини ёхуд бошқа молмулкини ишга солмай тўхтатиб кўйиш ҳамда бундай операция ҳақида тўхтатиб турилган куннинг ўзида маҳсус ваколатли давлат органини хабардор этиш;»;

ўн иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларнинг амалга ошираётган операцияларини чукур мониторинг қилиш;»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатда тўхтатиш тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш.».

5. 27¹ ва 28-бандлардаги «Агентлик» деган сўз «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 6¹-банда:

«Агентлик» деган сўз «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўқитиши мунтазам равиша, йилига камида бир марта ўтказилади».

7. 8-банддаги «Агентлик» деган сўз «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 11-банда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш ва уларнинг шахсини текшириш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирларини кўриш;»;

куйидаги мазмундаги ўнинчи-ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатда тўхтатиш тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ўкув тадбирларида иштирок этиш ва ўкув тадбирларида олинган маълумотларни профессионал иштирокчиларнинг ходимларига етказиш;»;

ўнинчи хатбоши тегишинча ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9. 11¹-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11¹. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва мижозларни лозим даражада текширишга доир ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ушбу ахборотдан маҳсус ваколатли давлат органи томонидан фойдаланиш имкониятини яратган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.».

10. Куйидаги мазмундаги 11²-банд билан тўлдирилсин:

«11². Назоратчи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳалқаро стандартларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини билиши лозим.».

11. 12-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 13¹-банд қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, мавжуд мижознинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида ва унга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширилаётганлиги ошкор бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида ахборот юборилишига йўл қўйилади.».

13. 13²-бандда:

иккинчи хатбошидаги «қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша» деган сўзлар «мижоз номидан иш юритувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганишни;»;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар мижознинг бенефициар мулқдорини аниқлашнинг имкони бўлмаса, профессионал иштирокчилар мижознинг раҳбарини идентификациялашлари лозим.».

14. 13³-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахс, унинг оила аъзолари ёки юқори мансабдор шахсга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш (шу жумладан, мавжуд бўлган бундай мижозлар билан иш муносабатларни давом эттириш) фақатгина профессионал иштирокчиларининг раҳбари рухсати билан амалга оширилади;».

15. 14-банддаги «паспорт» деган сўз «паспорт / идентификация ID-картанинг раками» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Қўйидаги мазмундаги 16¹ — 16³-бандлар билан тўлдирилсин:

«16¹. Юридик шахсларга ва якка тартиbdаги тадбиркорларга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилётганда профессионал иштирокчилар улардан мижознинг мулк ва бошқарув тузилмасини (юқори орган, ижроий орган, бошқа органлар) олишлари лозим.

16². Биржা аъзоларининг чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро стандартлар ва улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим.

Профессионал иштирокчиларнинг хориждаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонун хужжатларида профессионал иштирокчининг ички қоидаларига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда айнан профессионал иштирокчи ички қоидаларига риоя қилишлари керак.

16³. Профессионал иштирокчиларнинг чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилигида тегишли чоралар тақиқланганлиги сабабли жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, профессионал иштирокчиларнинг бош офисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида, профессионал иштирокчилар бу ҳақда маҳсус ваколатли давлат органига хабар бериши шарт.».

17. 18¹-банддаги «Агентликка» деган сўз «Молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 18²-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд рўйхатга киритилган шахснинг

эгалиги ёки назоратидаги ташкилотлар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар».

19. Кўйидаги мазмундаги 18⁵-банд билан тўлдирилсин:

«18⁵. Молия вазирлиги йилига камида бир марта, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасидаги қонунчилик ўзгариши муносабати билан профессионал иштирокчилар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасини ўрганади.».

20. 19-банда:

ўн биринчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. Кўйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. Ташкилотлар Молия вазирлиги томонидан маҳсус ваколатли давлат органи билан қелишилган ҳолда ишлаб чиқладиган шубҳали операцияни эрта аниқлаш бўйича услугуби кўлланмаларни татбиқ этишлари мумкин.».

22. 21-банда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатиб турилади, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкларни эса ишга солмай тўхтатиб қўйилиб, маҳсус ваколатли давлат органига хабар берилади, агар:»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз — рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахс эгалик қиласдан ёки бошқаруви остида бўлган юридик шахс».

23. Кўйидаги мазмундаги 27³-банд билан тўлдирилсин:

«27³. Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқсан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги профессионал иштирокчилар томонидан юқори баҳолангандага йилига камида бир маротаба, бошқа ҳолларда иккйилда камида бир маротаба янгиланиши лозим.».

24. Кўйидаги мазмундаги 28²-банд билан тўлдирилсин:

«28². Профессионал иштирокчининг ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, ички назорат тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

380 **Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўtkazildi, rўйхат рақами 3061-2

Ўзбекистон Республикасининг «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 يولдаги 176-мх, 28-сон қарори (рўйхат рақами 3061, 2018 йил 28 август) (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 й., 10/18/3061/1807-сон) билан тасдиқланган Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилисин.

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 июнь,
214-мҳ-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 июнь,
28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни
ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил
25 июндаги 214-мҳ-сон ва Бош прокуратураси
хузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2021 йил
24 июндаги 28-сон қарорига
ИЛОВА

**Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини
тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

йигирма биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмалирида ёхуд ҳалқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайданадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган харакатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек, чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таникли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таникли аъзолари (шу жумладан собиқ);»;

қўйидаги мазмундаги йигирма иккинчи хатбоиси билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар;»;

йигирма иккинчи — йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма учинчи — йигирма еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«учинчи томон — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар;»;

2. 3-банда:

бешинчи хатбошидаги «ва уларнинг яқин қариндошлари» сўзлари «, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар» сўзларига алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«махсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз вақтида ижро этиш.».

3. 13-банддаги «ва уларнинг яқин қариндошлари» деган сўзлар «, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 16-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Почта алоқаси операторлари, провайдерларининг ички назорат хизмати тегишли бўлинмалар билан ҳамкорликда ҳар йили жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб масалалари бўйича уларнинг замонавий техника, усууллар ва йўналишларда хабардорлигини ошириш, қонунчилик ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириш мақсадида почта алоқаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ўқитиш дастурини (бундан кейин — ўқув дастури) ишлаб чиқади.

Ушбу дастурда қўйидагилар акс эттирилиши керак:

ўқувни ўтказиш тартиби, унинг шакллари (бирламчи инструктаж, режали, режадан ташқари ўқитиш) ва муддатлари;

ўқувни ўтказишни ташкил этишга масъул шахсларни тайинлаш; ходимларнинг билимини текшириш тартиби.

Ўқув дастури почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбари томонидан тасдиқланади.».

5. 18-банднинг бешинчи хатбошидаги «ишончлилиги (ҳақиқийлиги)» сўзларидан кейин «ёки етарлилигига» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. 19-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фойдаланувчининг шахсини текшириш ва идентификация килиш;»

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«фойдаланувчи номидан иш кўраётган шахсни идентификация қилиш, шахсини ва ваколатларини тегишли хужжатлар асосида текшириш;»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб хисоблансан.

7. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчи ёки бенефициар мулкдорнинг юқори мансабдор шахс, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар эканлигини аниқлаш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш тизимларидан фойдаланишлари шарт ва фойдаланувчини лозим даражада текшириш бўйича мазкур Қоидаларнинг 19-бандда кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, фойдаланувчи ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўришлари;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига киришиш (шу жумладан, мавжуд бўлган бундай фойдаланувчилар билан иш муносабатларни давом эттириш) факатгина почта алоқаси обьектларининг раҳбари ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосари рухсати билан амалга оширилади.

амалий иш муносабатларини мунтазам равишда чукур мониторинг қилиб боришлари лозим.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари юқоридаги чораларни юқори мансабдор шахсларнинг оила аъзоларига ёки юқори мансабдор шахсга яқин шахсларга нисбатан ҳам кўришлари керак.».

8. Куйидаги мазмундаги 20¹-банд билан тўлдирилсин:

«20¹. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари мазкур Қоидаларнинг 19-бандидаги учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Мазкур ҳолларда фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги жавобгарлик почта алоқаси операторлари, провайдерларининг зиммасида қолади. Бунда, почта алоқаси операторлари, провайдерлари:

фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли хужжатлар нусхасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молия-

лаштиришга карши курашиш бўйича ички назорат қоидалари асосида ишлашига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилинмаган тақдирда, фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустакил равища амалга ошириши керак.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчи билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустакил равища қабул қиласи ҳамда фойдаланувчини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли.».

9. Кўйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Халқаро пул ўтказмалари операцияларини амалга оширувчи почта алоқаси операторлари, провайдерлари қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

ўзларининг ушбу хизматларни кўрсатувчи бўлинмалари ва ушбу бўлинмалар ходимларининг ҳисобини юритишлари;

пул ўтказмаларига оид операцияларни жисмоний шахс — фойдаланувчиларни лозим даражада текширгандан сўнг амалга оширишлари;

жўнатиладиган пул ўтказмаларини фойдаланувчи ҳақидаги (жўнатувчининг номи; шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт / идентификация ID-картанинг рақами ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами — жисмоний шахслар учун; операциянинг хос рақами; жўнатувчининг манзили ёки давлат рақами белгиси ёки жисмоний шахслар учун туфилган санаси ва жойи) ва оловчи ҳақидаги (оловчининг номи; операциянинг хос рақами) аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари;

оловчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари;

оловчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда операторлар, провайдерлар томонидан кўриладиган чоралар (ижро қилиш, рад этиш, тўхтатиш ёки бошқалар) тартибини белгиловчи, таваккалчиликларни баҳолашга асосланган ички ҳужжатни ишлаб чиқишлари керак.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари пул ўтказмаси мазкур бандда белгиланган талабларга жавоб бермаса, пул ўтказмалари бўйича хизматларни кўрсатиш тақиқланади.

Юборилаётган ички электрон пул ўтказмалари бўйича маълумотлар халқаро пул ўтказмалари учун қайд этилгани каби жўнатувчи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.».

10. 27-банд қўйидаги мазмундаги хатбошиси билан тўлдирилсин:

«Агарда кўрилган тегишли чоралар бенефициар мулқдорни аниқлаш имконини бермаса, почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчининг раҳбарини идентификация қилиши ва унинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни кўриши керак.».

11. Кўйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. Агарда, мавжуд мижознинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида ва унга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширилётганлиги ошкор бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида ахборот юборилишига йўл қўйилади.»

12. 35-банда:

«а» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгалиги ёки назоратидаги ташкилотлар ёхуд Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилувчи шахслар;»;

«з» кичик бандидаги «ва уларнинг яқин қариндошлари» деган сўзлар «, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 39-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуклардан фойдаланишишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши керак. Ушбу мақсадда почта алоқаси операторлари, провайдерлари:

янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши;

янги ва мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиллик даражаларини аниқлаши ва баҳолаши керак.

Таваккалчилликни бундай баҳолаш янги хизмат турларини, иш амалиётини татбиқ қилишдан ёки янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак.

Бунда, бундай таваккалчилликни аниқлаш ва баҳолаш почта алоқаси оператори, провайдерининг янги хизмат турларини (янги технологияни) бевосита жорий қилаётган бўлинмаси томонидан Ички назорат тизими тузилмасининг масъул ходимлари билан биргаликда амалга оширилади.

Почта алоқаси оператори, провайдерининг мазкур бўлинмаси ва Ички назорат тизими тузилмасининг масъул ходимлари ушбу таваккалчилликларни мониторинг қилиш ва камайтириш учун тегишли чораларни кўришлари лозим.

Кўрилган чоралар натижалари тўғрисидаги маълумот почта алоқаси оператори, провайдери раҳбарига тақдим қилиниши керак.».

14. Кўйидаги мазмундаги 40¹-банд билан тўлдирилсин:

«40¹. Ички қоидалар билан шубҳали операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари маҳсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий қўлланмалар асосида шубҳали операцияларни дастлабки аниқлаш индикаторлари тизимини йўлга қўйишлари мумкин.».

15. 41-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек, фойдаланувчи билан ишлашга берилган таваккалчилик даражаси фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг фойдаланувчи фаолиятининг асосий ўналишларига мувофиқлигига ишонч хосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун мониторингга асос бўлиб хисобланади.».

16. 51-банднинг биринчи хатбошисидаги «тўхтатилиши» деган сўздан кейин «ва пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

17. 9-боб номидаги «сўровларини» сўзидан кейин «ва кўрсатмаларини» сўзлари билан тўлдирилсин.

18. Қўйидаги мазмундаги 61¹-банд билан тўлдирилсин:

«61¹. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига асосан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш чоралаrintи кўриш мақсадида пул маблағлари билан боғлиқ операцияларини ўз вақтида ва фойдаланувчини олдиндан хабардор қилмасдан ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйишлари шарт.».

19. 63-банд «иш ёзишмаларини» сўзларидан кейин «ва ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини» сўзлари билан тўлдирилсин.

20. 68-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қилиш почта алоқаси оператори, провайдерининг ички аудит хизмати томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

381 «Суфурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2036-3

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдағи ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизmlарини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 21 майдағи ПФ-5723-сон «Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар мидорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилиди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 104, 41-сон «Суфурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2036, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 494-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 июнь,
39-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 июнь,
29-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Баш прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2021 йил
25 июндаги 39 ва 29-сон карорига
ИЛОВА

**«Суфурталовчилар ва суфурта воситачилари учун жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

1) номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ суфурталовчилар ва суфурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

3) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гурухининг (ФАТФ) расмий баёнетларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва худудлар;»;

ўнинчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«максус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузуридаги Иктисадий жиноятларга қарши курашиш департamenti;»;

ўн учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказиши, конверсиялаши, тасаруф этишини ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этмаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишнинг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-хукукий хужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

террорчиллик фаолиятида иштирок этмаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчиллик фаолиятида иштирок этмаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс, террорчиллик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек террорчиллик фаолиятида иштирок этмаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

Рўйхат — максус ваколатли давлат органи томонидан терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг

ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа харакатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вактинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган харакатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таникли сиёsatчилари ва сиёсий партияларининг таникли аъзолари (шу жумладан собиқ);

юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар.»;

4) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«ташкилот фаолиятида жиной ғаолиятдан олинган даромадларни ле-галлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, хужжатлаштириш ва камайтириш;»;

бешинчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларни шахсини ўрганиш бўйича мумкин бўлган чораларни кўриш ва операцияларни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш;»;

бешинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «маҳсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи — тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларнинг амалга ошираётган операцияларини чукур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиша иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

максус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз вақтида ижро этиш.

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб кўйиш;»;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равища ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб хисоблансин;

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равища ўнинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб хисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ташкилот фаолиятида жиной ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, хужжатлаштириш ва камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш.»;

6) 4-банндаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 5-банндаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 5-1-баннда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзининг чет элдаги алоҳида бўлинмаларидан улар жойлашган мамлакатлар қонун хужжатларида тегишли чоралар тақиқланганлиги мавжудлиги сабабли, жиной ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, бош оғисга ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдир. Ўз навбатида, ташкилот бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги (бундан бўён матнда Суғурта бозорини ривожлантириш

агентлиги деб юритилади) ва маҳсус ваколатли давлат органига хабар бериши;»;

тўртингчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 5-2-банддаги, 6-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 8-банд кўйидаги таҳирда баён этилсин:

«8. Ташкилот ҳар йили 10 январга қадар Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига ташкилотдаги масъул шахсларнинг рўйхатини тақдим этади ва бу рўйхатдаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайди. Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳар йили 20 январга қадар ташкилотлардан олинган рўйхатларни маҳсус ваколатли давлат органига беради ва бу рўйхатлардаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайди.»;

11) 9-банда:

биринчи ва бешинчи хатбошилардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртингчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган мижозларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги хабарларни маҳсус ваколатли давлат органининг ўз вақтида юборилишини, шунингдек, маҳсус ваколатли давлат органининг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан маҳсус ваколатли давлат органи билан биргаликда мониторинг ва назорат ўтказилиш давомида ташкилот фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ички назорат тизимини ташкил этиш бўйича мониторингни амалга оширади.»;

12) 11-банда:

тўртингчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш ва уларнинг шахсини текшириш бўйича мавжуд бўлган чораларни амалга ошириш;»;

олтинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «маҳсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«маҳсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа молмулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терро-

ризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ўқув тадбирларида қатнашиш ва ўқув тадбирларида олинган маълумотларни ташкилот ходимларига етказиш;»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) куйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Масъул шахс лавозимига тайинланган шахс Ўзбекистон Республикасининг жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилигини ҳамда халқаро стандартларни билиши лозим.»;

14) 12-банндаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 13-бандда:

биринчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Масъул шахсни ўқитиш ва малакасини ошириш маҳсус ваколатли давлат органи томонидан Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ўтказилади.»;

учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошилардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 14-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 15-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ташкилот ҳар йили 1 февралга қадар Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига ўзининг жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.»;

18) куйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«15¹. Ташкилотлар мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиқкан ҳолда, куйидагилар акс этган ички қоидаларни ишлаб чиқишилари лозим:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, камайтириш ва ҳужжатлаштиришга доир чораларни амалга ошириш тартиби;

мижозларни ва уларнинг бенефициар мулкдорларини лозим даражада текшириш, шунингдек мижозлар операцияларининг мунтазам назоратини амалга ошириш қоидалари;

зарур ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

шубҳали операцияларни аниқлаш тартиби, шунингдек бундай операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва маҳсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операциясини аниқлаш ҳамда ушбу операцияларни кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қиласдан тўхтатиб туриш (юридик ёки жисмоний шахснинг хисобвараfiga тушган пул маблағларини хисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга қўйиладиган малака талаблари;

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тероризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланишининг олдини олишга қаратилган чоралар;

юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш ҳамда бундай шахслар томонидан ўtkазиладиган операцияларни мониторинг килиш тартиби;

маҳсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз вақтида ижро этиш тартибини;

юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозларнинг хисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда бундай мижозлар операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

конунчиликка зид бўлмаган бошқа қоидалар.»;

19) 16-бандда:

учинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий хисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 16¹-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш имкони бўлмаса, ташкилот мижознинг раҳбарини идентификациялаши лозим.

Ташкилот мижозни лозим даражада текшириш бўйича мазкур бандда кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларга нисбатан:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текши-

риш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина ташкилот раҳбари (ўринбосари) рухсати билан киришиш (ёки давом эттириш);

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб боришлари лозим.

Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилот мижоз билан иш муносабатларига киришни рад этиши ва (ёки) мавжудларини тўхтатиши, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида хабар юбориши шарт.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлган мижозга мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, ушбу мижозга нисбатан мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширасдан маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл кўйилади.»;

21) 16²-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 20-банднинг биринчи хатбошисидаги «паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат» деган сўзлар «паспорт, идентификация ID-картаси ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) қўйидаги мазмундаги 21¹-банд билан тўлдирилсин:

«Ташкилот мижоз — юридик шахсни янада батафсил ўрганиш мақсадида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

мижознинг таъсисчилари (жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, мижознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилаётган шахсларни аниқлашга;

мижоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

мижоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.»;

24) 22¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-1. Мижоз ва (ёки) мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда ташкилот олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳсус ваколатли давлат органи томонидан шакллантириладиган ва ташкилотга тақдим қилинадиган Рўйхат ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт.»;

25) 23-банда:

учинчи хатбошидаги «паспорт маълумотларига мувофиқ» деган сўзлар

«паспорт ёки идентификация ID-карта маълумотларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 23¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 23²-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёки Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд бильвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилувчи шахслар;»;

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юкори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юкори мансабдор шахсларга яқин шахслар;»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб хисоблансин;

28) 23⁴-банднинг биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) қўйидаги мазмундаги 23⁵-банд билан тўлдирилсин:

«23⁵. Ташкилотнинг чет элдаги алоҳида бўлинмалари (мавжуд бўлганда) жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим, мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларидан фарқ қилган тақдирда, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаши лозим.

Ташкилот ўзининг чет элдаги бўлинмаларидан улар жойлашган мамлакат қонунчилигидаги тақиқлар туфайли жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, ташкилотларнинг бош оғисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида, ташкилот бу хақда Суфурта бозорини ривожлантириш агентлигига ва махсус ваколатли давлат органига хабар бериши шарт.

Ташкилотлар жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштириш юзасидан эхтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини хужжатлар билан қайд этиши шарт.»;

30) 24-бандда:

ўн тўртинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) 26 ва 26¹-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечикирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатиб турилади ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ишга солмай тўхтатиб қўйилади ва маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилинади, агарда:

агарда операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топширифига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси — юридик шахс Рўйхатга киритилган шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

Операцияни тўхтатиш ва тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб қўйилган, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.

26¹. Операциянинг тарафларидан бири жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиб соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшайдан, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операция ҳам маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.»;

32) 27-банднинг иккинчи хатбошидаги, 28 ва 30-бандлардаги, 31-банднинг биринчи хатбошидаги ва 33¹-банддаги «Департаментга» деган сўз «маҳсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) қўйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. Ички қоидалар билан гумонли ва шубҳали операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

Ташкилотлар маҳсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда

Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий қўлланмалар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни дастлабки аниқлаш индикаторлари тизимини йўлга кўйишлари мумкин.»;

34) 33-банднинг биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Ташкилот жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайди, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайди ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг операциялари ҳақида маҳсус ваколатли давлат органига хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳукуқига эга эмас.»;

35) қўйидаги мазмундаги 33³-банд билан тўлдирилсин:

«33³. Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқсан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ мижоз томонидан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги ташкилот томонидан юкори баҳолангандага йилига камида бир маротаба, бошқа ҳолларда икки йилда камида бир маротаба янгиланиши лозим.»;

36) 34-банднинг биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ташкилот томонидан мазкур Коидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан маҳсус ваколатли давлат органи билан биргалиқда амалга оширилади.»;

37) қўйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Ташкилотлар ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, ташкилотнинг ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қиласи ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек самарали ишлашини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.

Ташкилотида ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, ички назорат тизимининг фаолияти самарадорлигини мониторинги ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.»;

38) 35-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

**382 «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчи-
чиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш,
тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқ-
лаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўври-
сида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-5*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдағи 156-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликарнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйругининг (рўйхат рақами 2971-1, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 58-модда) 2-бандидаги «2021» рақами «2022» рақами билан алмаштирилсинг.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 июнь,
36-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

383 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-3

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдағи 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфининг (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 57-модда) 2-бандидаги «2021» рақами «2022» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 июнь,
37-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

384 **Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жи-
 ноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-
 тиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
 қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйи-
 ча ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар
 киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2265-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 25 августдаги 56, 28-сон қарори билан тасдиқланган Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2265, 2011 йил 22 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 38-сон, 394-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
 2021 йил 26 июнь,
 40-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 июнь,
31-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Баш прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2021 йил
26 июндаги 40, 31-сон қарорига
ИЛОВА

**Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси** — чет давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир (фонdlар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари).».

2. Кўйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Масъул шахс лавозимига тайинланган шахс халқаро стандартларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилигини билиши лозим.».

3. 10-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш ва уларнинг шахсини текшириш бўйича мумкин бўлган чораларни кўриш;»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ўқув тадбирларида қатнашиш ва ўқув тадбирларида олинган маълумотларни лизинг берувчилар ходимларига етказиш.».

4. 11-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва мижозларни лозим даражада текширишга доир ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ахборотдан маҳсус ваколатли давлат органи фойдаланиши мумкин бўлган тарзда расмий-лаштирилиши лозим.».

5. Кўйидаги мазмундаги 12²-банд билан тўлдирилсин:

«12². Масъул ходимларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонунчилик ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериши, лизинг берувчилар мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтка-зишлари шарт.».

6. Кўйидаги мазмундаги 13³-банд билан тўлдирилсин:

«13³. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чоратадбирлар кўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган мижозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни.

Агар мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш имкони бўлмаса, лизинг берувчилар мижознинг раҳбарини идентификациялаши лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлган мижозга мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, ушбу мижозга нисбатан мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширасдан маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл қўйилади.».

7. Кўйидаги мазмундаги 19⁶-банд билан тўлдирилсин:

«19⁶. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилига камида бир марта, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тар-

қатишни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасидаги қонунчилик ўзгариши муносабати билан лизинг берувчилар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасини ўрганади.».

8. Қўйидаги мазмундаги 25¹-банд билан тўлдирилсин:

«25¹. Ички қоидалар билан шубҳали операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

Ташкилотлар маҳсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий қўлланмалар асосида шубҳали операцияларни дастлабки аниқлаш индикаторлари тизимини йўлга қўйишлари мумкин.».

9. Қўйидаги мазмундаги 28³-банд билан тўлдирилсин:

«28³. Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар ахамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқсан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги лизинг берувчилар томонидан юкори баҳолангандага йилига камида бир маротаба, бошқа ҳолларда икки йилда камида бир маротаба янгиланиши лозим.».

10. 29-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Қоидалар билан белгиланган талаблар юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларига ҳам қўлланилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ
 ҚАРОРИ

385 Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-3*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартағи ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулај шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсикларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 24 мартағи 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 124-модда) билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
 2021 йил 18 июнь,
 35-сон

**Давлат солиқ
 қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
 2021 йил 12 июнь,
 2021-26-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 июнда эълон қилинган.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 июнь,
01-02/8-32-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги
35-сон, Давлат солик қўмитасининг 2021 йил
12 июндаги 2021-26-сон ва Давлат божхона
қўмитасининг 2021 йил 9 июндаги
01-02/8-32-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса
ижроси тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-баннда:

иккинчи хатбошидаги «солик ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «божхона божи, соликлар ва йиғимларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги учинчи — бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ортиқча тўланган солик суммаси (пеня, жарима) — соликнинг (пенянинг, жариманинг) тўланган суммаси билан ҳакиқатда тўланиши лозим бўлган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ. Соликнинг (пенянинг, жариманинг) ортиқча тўланган суммаси у илгари ҳисобга олинган ва (ёки) солик тўловчига қайтарилган суммаларни, шунингдек солик бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиладиган суммаларни ҳисобга олган ҳолда уни ҳисоб-китоб қилиш санасида аниқланади;

ортиқча ундирилган солик суммаси — давлат солик хизмати организмининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида ортиқча тўланган солик суммаси;

хатолик билан тўланган солик (пеня, жарима) суммаси — солик (пеня, жарима) суммасини тўлаган шахсни ва (ёки) ушбу тўловнинг мақсадини қатъий аниқлаш имкониятини бермайдиган тўлов чофида хатоликка ўйл қўйилган солик (пеня, жарима) суммаси. Қайси соликка (пеняга, жаримага) нисбатан уни тўлаган шахс солик тўловчи деб ҳисобланмайдиган шахсдан ёки тўланиши лозим бўлган бюджетдан бошқа бюджетга келиб тушган солик (пеня, жарима) суммаси ҳам хатолик билан тўланган деб эътироф этилади;»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

2. 4, 6, 8, 23, 29, 31, 37⁴, 37⁵, 42, 63, 64, 65-бандлардаги «солик ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «божхона божи, солиқлар ва йиғимларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 3-боб номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-боб. Тўловлар контингентини «ЎРМВ» АТда акс эттириш орқали ЯҒҲга киритиш ва ортиқча тўланган ёки ундирилган тўловларни қайтариш».

4. 17-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Суд ва (ёки) давлат солик хизмати органининг қарорларига асосан мажбурий ижро бюроси томонидан ундирилган солик ва йиғимлар ушбу Йўриқноманинг 2¹-иловасига мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномасига асосан ЯҒҲга ўтказилади.».

5. Қўйидаги мазмундаги 31¹-банд билан тўлдирилсин:

«31¹. Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун кўшимча тўланган йиғимлар суммаси (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (бундан бўён матнда Давлат хизматлари агентлиги деб юритилади) бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари хисобидан бир иш куни ичидаги қайтарилинига таъсир келади.

Бунда қайтариб берилган маблағлар Давлат хизматлари агентлиги томонидан тегишли давлат хизмати учун очилган даромад шахсий разна хисобварафидан жорий тушумлар хисобидан регресс тартибда ундириб олинади. Маблағларни ундириб олиш мазкур параграфда белгиланган тартибда амалга оширилади.».

6. 33-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 104 ва 105-моддаларига мувофиқ солик тўловчи томонидан ариза тақдим этилиши зарур бўлганда:

ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқлар суммаларини ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза мазкур Йўриқноманинг 7-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади;

ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқлар суммаларини қайтариш тўғрисидаги ариза мазкур Йўриқноманинг 8-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади;

Хатолик билан тўланган солик суммалари, шунингдек пенялар ва (ёки) жарималар солик тўловчига унинг ёхуд банкнинг ёки Ўзбекистон Республикаси Фазначилигининг ёзма мурожаати асосида, агар хатолик улар томонидан йўл қўйилган бўлса, қайтарилади.».

7. 33²-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33². Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 104 ва 105-моддаларига мувофиқ ортиқча тўланган (ортиқча ундирилган) ёки хатолик би-

лан тўланган солик (пеня, жарима) суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш учун давлат солик хизмати органи ахборот тизимида маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисида электрон топшириқнома тайёрлайди ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали «ЎРМВ» АТга электрон тарзда юборади. Электрон топшириқнома тузишнинг имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, топшириқномалар давлат солик хизмати органинг ёзма мурожаатига асосан тегишли фазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклида юборилиши мумкин.

Ортиқча тўланган (ортиқча ундирилган) ёки хатолик билан тўланган солик (пеня, жарима) суммаларини ҳисобга олиш суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробаридан ошмаган ҳолларда, электрон топшириқномалар давлат солик хизмати органларининг ахборот тизими орқали автоматик шакллантирилиши ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланмасдан «ЎРМВ» АТга электрон тарзда юборилиши мумкин.

Электрон топшириқномада кўйидагилар мажбурий тарзда кўрсатилади:

- топшириқнома рақами;
- топшириқнома тақдим этувчи давлат солик хизмати органининг номи;
- тўловчи юридик шахснинг — номи, СТИР ёки тўловчи жисмоний шахснинг — Ф.И.О., СТИР (ЖШШИР);
- ортиқча тўланган солик ёки тўлов тури;
- суммаси;
- тўловчининг маблағларни қайтариш тўғрисидаги аризасига ҳавола қилинган ҳолда, қайтариш ёки ҳисобга олишнинг аниқ сабаблари;
- даромад шахсий ғазна ҳисобварафи;
- олувчининг банк реквизитлари;
- электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар.

Ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солик суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисидаги давлат солик хизмати органининг қарори ушбу Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда давлат солик хизмати органи томонидан солик тўловчининг тегишли аризаси олинган кундан эътиборан ёки агар биргаликда ўзаро солиштириш ўтказилган бўлса, давлат солик хизмати органи солик тўловчи билан у тўлаган соликларнинг биргаликдаги ўзаро солиштириш далолатномасини имзолаган кундан эътиборан ўн кун ичida расмийлаштирилади.

Ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солик суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш солик тўловчининг қайтариш ёки ҳисобга олиш реквизитлари тўлиқ кўрсатилган аризаси ҳамда солиқлар ва йигимларни ундириш бўйича ваколатли органнинг мазкур Йўриқнома билан белгиланган шаклдаги қарорига асосан мазкур ваколатли орган томонидан тегишли фазначилик бўлинмасига ушбу Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги топшириқнома тақдим қилиш йўли билан амалга оширилади.».

8. 33³-баннда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33³. Давлат солик хизмати органи ахборот тизимидан «ЎРМВ» АТга

электрон тарзда юборилган маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисида электрон топшириқнома тегишли туман (шахар) ғазначилик бўлинмаси томонидан бир иш куни мобайнида кўриб чиқилиб қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ топшириқномада кўрсатилган маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олишга эътиrozлари бўлмаганида «ЎРМВ» АТда топшириқномани тасдиқлади, эътиrozлар бўлганида эса, сабабини кўрсатган ҳолда қайтарилади.»;

иккинчи хатбошидаги «хулосани» деган сўз «топшириқномани» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқлар ва йигимлар суммалари бўйича давлат солик хизмати органи ва солик тўловчи ўртасида тузилган электрон солишириш далолатномасини;»;

тўртинчи хатбошидаги «солик ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «солиқлар ва йигимларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 33⁴-бандда:

биринчи хатбошидаги «хулоса» ва «хулосада» деган сўзлар тегишли равища «топшириқнома» ва «топшириқномада» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Туман (шахар) ғазначилик бўлинмаларида ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солик суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш учун ижрога қабул қилинган топшириқномалар мазкур топшириқномани тақдим этган ваколатли органнинг мурожаатига асосан қайтарилиши мумкин.».

10. 34 — 34³-бандлар қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«34. Солиқлардан ташқари ортиқча тўланган суммаларни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўловчининг қайтариш ёки ҳисобга олиш реквизитлари тўлиқ кўрсатилган аризаси ҳамда ушбу тўловларни ундириш бўйича ваколатли органнинг ушбу Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги топшириқномасига асосан мазкур ваколатли орган томонидан тегишли ғазначилик бўлинмасига топшириқнома тақдим қилиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда «UzASBO» ДМга уланган солиқлардан ташқари тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш учун топшириқномани электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда электрон равища тегишли ғазначилик бўлинмасига юборишлари мумкин.

Электрон топшириқномада қўйидагилар албатта кўрсатилади:

топшириқнома рақами;

топшириқнома тақдим этувчи орган номи;

тўловчи юридик шахснинг — номи, СТИР рақами ёки тўловчи жисмоний шахснинг — Ф.И.О., СТИР (ЖШШИР);

ортиқча тўланган тўлов номи;

суммаси;

тўловчининг маблағларни қайтариш тўғрисидаги аризасига ҳавола қилинган ҳолда, қайтариш ёки ҳисобга олишнинг аниқ сабаблари;

даромад шахсий ғазна ҳисобварафи;

олувчининг банк реквизитлари;
электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар.

34¹. Солиқлардан ташқари ортиқча тўловлар бўйича маблағларни бошқа тўлов турига ҳисобга олиш (ўтказиш) фақат солиқлардан ташқари тўловларни ундириш бўйича ваколатли орган томонидан ундириладиган тўловлар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

34². Маъмурий, Иқтисодий ва Жиноят ишлари бўйича судларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган давлат божини қайтариш бўйича суд қарори (ажрими, буйруфи) мавжуд бўлганда тегишли ғазначилик бўлинмаларига ваколатли орган томонидан топшириқнома ўрнига суд қарори (ажрими, буйруфи) тақдим қилинади.

34³. Тегишли ғазначилик бўлинмалари мазкур Йўриқноманинг 34, 34¹ ва 34²-бандларига мувофиқ топшириқнома ёки суд қарори (ажрими, буйруфи) тақдим қилинганидан сўнг бир иш куни муддатида ушбу хужжатларда кўрсатилган тўловчининг реквизитлари ва суммаларни «ЎРМВ» АТдаги маълумотлар билан солиширадилар. Барча маълумотлар ўзаро мувофиқ бўлганида тақдим этилган топшириқнома ёки суд қарори (ажрими, буйруфи) маблағларни уларда кўрсатилган даромад шахсий ғазна ҳисобварафидан жорий тушумлар ҳисобидан қайтариш ёки ҳисобга олиш учун тегишли ғазначилик бўлинмалари томонидан ижрога қабул қилинади.

Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йифимлар суммасини (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) қайтариш юзасидан тақдим этилган топшириқнома, маблағларни дастлаб Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварафидан бир иш куни ичida тўловчига қайтариш, сўнг қайтарилган маблағни регресс тартибда топшириқномада кўрсатилган даромад шахсий ғазна ҳисобварафидан жорий тушумлар ҳисобидан Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварафига тиклаш учун тегишли ғазначилик бўлинмалари томонидан ижрога қабул қилинади.».

11. 37-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Агар 5 иш куни мобайнода жорий тушумларнинг етишмаслиги ёки мавжуд бўлмаганлиги сабабли қайтариш ёки ҳисобга олиш имконияти бўлмаса, ортиқча тўланган ёки ундирилган маблағни қайтариш ёки ҳисобга олиш тегишли бюджетнинг шахсий ғазна ҳисобварафидан амалга оширилиши мумкин.

Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йифимлар суммасини (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) қайтаришга мазкур банднинг биринчи хатбоисида белгиланган муддат татбиқ этилмайди.».

12. 37¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «хулосани» деган сўз «топшириқномани» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «хулосалар» деган сўз «топшириқномалар» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. 37⁶-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37⁶. Агар 5 иш куни мобайнода маблағлар ортиқча келиб тушган даромад шахсий ғазна ҳисобварағига жорий тушумлар келиб тушиши кутилмаётган бўлса (асосланган ҳолда) соликлар ва йифимларни ундириш бўйича ваколатли органлар томонидан тақдим этилган топшириқномалар ижроси истисно тариқасида, бир иш куни мобайнода тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.».

14. 38-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ортиқча тўланган ёки ундирилган ва хатолик билан тўланган тўловларни тегишли бюджетнинг шахсий ғазна ҳисобварағидан қайтариш ёки ҳисобга олишда қайтарилган ёки ҳисобга олинган суммалар харажатларда акс эттирилмайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ёки ДМЖ даромадлари ортиқча ёки нотўғри тўланган (ундирилган) даромад тури бўйича қайтариш ёки ҳисобга олиш суммасига камайтирилади.».

15. Кўйидаги мазмундаги 3-параграф билан тўлдирилсин:

«3-§. Муддатида қайтарилмаган ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солик суммасига фоиз ҳисоблаш ва тўлаб бериш тартиби

42¹. Ортиқча тўланган солик суммасини солик тўловчига қайtариш Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида белгиланган муддат бузилган ҳолда амалга оширилса, белгиланган муддатда қайtарилмаган сумма учун солик тўловчига қайtариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун фоизлар ҳисобланади.

42². Ортиқча ундирилган солик суммасига фоизлар солик тўловчи ундан солик ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суднинг қарори конуний кучга кирган кундан эътиборан ўттиз кун ичida мурожаат этган тақдирда ҳисобланади.

Фоизлар ундирилган кундан кейинги кундан эътиборан ҳақиқий ҳисобга олинган (қайtарилган) кунга қадар ҳисобланади.

42³. Фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасига teng этиб қабул қилинади.

42⁴. Кўйидаги ҳолларда фоизлар ҳисобланмайди:

солик тўловчининг ортиқча тўланган ёки ундирилган солик суммасини қайtариш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги аризаси мавжуд бўлмаганда;

солик тўловчи томонидан ундан солик ортиқча ундирилганлиги факти

ўзига маълум бўлган кундан ёки суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги мурожаат келиб тушмаса;

ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солик суммасини хисобга олишни (қайтаришни) рад этиш тўғрисида давлат солик хизмати органинг қарори қабул қилинганда;

камерал солик текшируvida солик тўловчи томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги оқибатида қўшимча солиқлар хисобланиб ундириб олинганда;

ортиқча тўланган солик суммаси қўшилган қиймат солиғидан манфий ва ноль даражали ставка бўйича хисоботлар натижасида ҳосил бўлганда;

хатолик билан тўланган солик (пеня, жарима) суммасига.

42⁵. Муддатида қайтарилмаган ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солик суммаси солик тўловчига тўлиқ қайтарилган кундан эътиборан 3 кун ичидаги қайтариш муддати бузилган суммага нисбатан фоизлар хисоблаш ва тўлаб бериш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига муводифқ давлат солик хизмати органинг қарори қабул қилинади.

42⁶. Фоизларни хисоблаш мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига муводифқ амалга оширилади.

42⁷. Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳамда ҳисобланган фоизларини хисобга олиш ёки қайтариш миллий валютада амалга оширилади.

42⁸. Фоизлар хисоблаш ва тўлаб бериш тўғрисида давлат солик хизмати органинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан 2 иш куни ичидаги тегишли бюджетдан солик тўловчининг банк хисоб рақамига тўлаб берилади. Бунда:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилган солиқлар бўйича — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети хисобидан;

Корақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, туман ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилган солиқлар бўйича — тегишли маҳаллий бюджетлар хисобидан;

бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланган солиқлар бўйича — тегишли бюджетлар хисобидан уларга ажратмалар меъёрига мутаносиб равища амалга оширилади.

42⁹. Агар хисобланган фоизларни солик тўловчига тўлаб бериш мобайнида солик тўловчининг шахсий хисобваракларида қарздорликлар юзага келган тақдирда, фоизларни тўлаб бериш вақтинча тўхтатилади.

42¹⁰. Хисобланган фоизлар суммаси солик тўловчининг ёзма аризасига асосан солик турлари бўйича солик карзларига ёки келгуси давр солик тўловлари учун хисобга олиниши мумкин.

42¹¹. Хисобланган ва тўланган фоизларнинг хисоби солик тўловчининг шахсий хисобвараклари орқали юритилади.».

16. 65¹-банддаги «Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан» деган сўзлар «Солиқлардан ташқари» деган сўзлар билан алмаштирилсиган.

17. 1-иловада:

1-позициянинг «Номи» устуnidаги «Солик ва бошқа мажбурий тўлов-

лар» деган сўзлар «Солиқлар ва йигимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-позициянинг «Номи» устунидаги «солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва йигимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3 ва 4-позицияларнинг «Номи» устунидаги «солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва йигимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ таҳирдаги 2¹-илова билан тўлдирилсин.

19. 9-иловадаги «ХУЛОСА» деган сўз «ТОПШИРИҚНОМА» деган сўз билан алмаштирилсин.

20. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2 — 5-иловаларига* мувофиқ таҳирдаги 10 — 13-иловалар билан тўлдирилсин.

21. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2021 йил 4 июнь

*Давлат хизматлари
агентлиги директори*

У. МУХАММАДИЕВ

2021 йил 1 июнь

* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 18 июндаги 22-мҳ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 9-тн-сон ««Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112-1.

2. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил 15 июндаги 176-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ўйрикномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2021 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-4.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 майдаги 160-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун тандов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2021 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-2.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 июндаги 15-мҳ-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2021 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-11.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 21 июндаги 232-сон «Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда қўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2615-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 25 июндаги 38-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураши департаментининг 2021 йил 22 июндаги 26-сон «Қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураши бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-4.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 25 июндаги 214-мҳ-сон ва Баш прокуратураси хузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши кураши департаментининг 2021 йил 24 июндаги 28-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураши бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураши департаментининг 2021 йил 25 июндаги 39 ва 29-сон «Суфурталовчилар ва суфурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураши бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2036-3.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 23 июндаги 36-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий хисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-5.

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 23 июндаги 37-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет хисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет хисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-3.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 26 июндаги 40, 31-сон «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2265-3.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 35-сон, Давлат солик қўмитасининг 2021 йил 12 июндаги 2021-26-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 9 июндаги 01-02/8-32-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори.

2021 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 17 декабрдаги 9-мҳ ва 14-мҳ-сон «Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3112, 2018 йил 29 декабрь).

2021 йил 23 июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

